

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

Н. ТУРНИЁЗОВ, К. ТУРНИЁЗОВА, Х. ХАЙРУЛЛАЕВ

СТРУКТУР СИНТАКСИС АСОСЛАРИ

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«ФАН» нашриёти
2009

Монографияда структур тилишунослик ва унинг шаклланиши, синтактик структуralар ва синтактик муносабат, гапнинг бевосита иштирокчилар ва трансформациян методлар асосидаги таҳлили ҳамда гап компонентларининг структур-функционал таҳлили ҳақида кенг маълумот берилади.

Иши «Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари» мавзусида олиб борилаётган фундаментал тадқиқот лойиҳасининг дастлабки натижасини тақозо этади.

Монографиядан тилишунослик муаммолари билан шугулланаётган барча тадқиқотчилар фойдаланишилари мумкин.

Масъул мухаррир: ф.ф.д., проф. Ш. Сафаров

Тақризчилар: ф.ф.д., проф. А.М. Бушуй,
ф.ф.д., проф. А. Абдусаидов.

СҮЗ БОШИ

Равшанки, фандаги ҳар қандай янгилик ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Унинг вужудга келиши учун муайян асос бўлмоғи лозим ва бу таянч вазифасини бажаради. Структур тилшуносликнинг шаклланиши ҳам ана шу тамойил билан узвий боғлиқдир. Бошқача айтганда, унинг шаклланиши асосида анъанавий тилшунослик ётади. Фан ва техниканинг узлуксиз тараққиёти тилшунослик фанида ҳам математик методларнинг қўлланилишига катта эҳтиёж туғдирди. Бу эса, ўз навбатида, анъанавий тилшуносликда қўлланилиб келаётган тил материалининг таҳлили метод ва қоидаларини замон тараққиёти ва талаблари билан мослаштиришга ундади. Ана шу тарзда вужудга келган структур тилшунослик йиллар мобайнида ҳаётга татбиқ этила бошлади ва бу жараёнда салмоқли нуфузга эга бўлди. Айниқса, фактик тил материали таҳлилига структур-систем нуқтаи назаридан ёндашилаётган ҳозирги даврда унга бўлган эҳтиёж ва эътибор янада ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, структур тилшунослик муаммоларини барча тиллар материалида бир хил ёритилган деб бўлмайди. Рус ва ғарб тилшуносликларида бу соҳада фундаментал тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлса ҳам, баъзи тиллар, жумладан, туркий тиллар материалида масала тавсифига анча кеч эътибор қаратилди. Бунинг асосий сабаби тилшунослигимизнинг асрлар давомида анъанавий метод ва қоидаларга асосланганлигидир. Аммо шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, бугунги кунда ўзбек тилшунослигига ҳам структур тилшунослик муаммолари тадқиқига бағишланган айrim тадқиқот ишлари вужудга кела бошлади. Фикр далилини А.Нурмонов, Ҳ.Неъматов, Р.Сайфуллаева, М.Қурбонова, Н.Турниёзов, Ҳ.Хайруллаев каби тилшунослар томонидан шу соҳада бажарилган тадқиқот ишларида кўриш мумкин.

Мазкур монографик тадқиқот ҳам ана шундай ишлардан бирини тақозо этади. Монографияда структур тилшунослик муаммолари бўйича жаҳон тилшунослигига эришилган барча ютуқларни эътиборга олишга имкон қадар ҳаракат қилинди. Бошқача айтганда, Копенгаген, Прага, Америка дескриптив тилшунослиги мактабларида, шунингдек, баъзи таникли тилшунослар томонидан бажарилган тадқиқот ишлари ҳақида маълумот берилди ва уларга муносабат билдирилди.

Монографиянинг биринчи (“Структур тилшунослик: унинг шаклланиши ва тил материалининг таҳлил методлари”) ва иккинчи (“Синтактик муносабат ва синтактик структуралар”) боблари Н.Турниёзов ва Ҳ.Хайруллаевлар, учинчи (“Гапнинг бевосита иштирокчилар ва трансформацион методлар асосидаги таҳлили”) боби Н.Турниёзов, тўртинчи (“Гап компонентларининг структур-функционал таҳлили”) боби К.Турниёзова томонидан ёзилди.

БИРИНЧИ БОБ

Структур тилишунослик: унинг шакланиши ва тил материалининг таҳлил методлари

Воқеликда бирор янги ҳодисанинг вужудга келиши ташқи ва ички кучларнинг таъсири доирасида бўлиши табиийдир. Бундан фандаги янги йўналишлар ҳам истисно эмас, албатта. Структур тилшуносликнинг шакланиши ҳам сезиларли даражада замон ва жамият тараққиёти билан боғланади. Айниқса, аниқ фанларнинг бекиёс тараққиёти ва бунинг натижасида вужудга келган кучли техник прогресс тилшунослик фанига ҳам ўз таъсирини кўрсатди ва унинг олдига янги-янги вазифаларни қўйди. Фикр далилини электрон ҳисоблаш машиналарининг ихтиро этилиши ва у билан бевосита боғлиқ бўлган машина ёрдамида матнни таржима қилиш, частотали луғатлар тузиш, турли хил ахборотларни сақлаш ёки уларни масофага узатиш кабиларда кўриш мумкин. Равшанки, бу вазифаларни бажариш учун машина «тил билмоғи» лозим. Бу эса, ўз навбатида, тилшуносликдан муайян формулалар, математик тушунчалар билан (мас., алгоритм) иш кўришни талаб қиласи.

Структур тилшуносликнинг алоҳида йўналиш сифатида шакланиши шу каби ташқи омиллар билан бевосита боғланди. Табиийки, юқорида эслатиб ўтилган вазифаларни анъанавий тилшунослик бажара олмас эди. Аммо ташқи таъсир қанчалик кучли бўлмасин, у янги йўналишнинг шакланишида асосий омил бўла олмайди. Бунда ички омиллар муҳим аҳамият касб этади. Ю. Апресяннинг таъкидлашича, структур тилшунослик электрон ҳисоблаш машиналари ихтиро қилинишидан анча олдин вужудга кела бошлаган эди.¹ Бунинг учун албатта, анъанавий тилшунослик замирида шарт-шароитнинг пишиб етилганлиги муҳим роль ўйнади. Бошқача айтганда, анъанавий тилшунослик, агар таъбир жоиз бўлса, антик даврлардан буён жуда катта назарий билимларни ўзида жамлади. Бироқ уларни тилнинг ички хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда тартибга сололмади. А. Мейенинг бу ҳақда айтилган қуйидаги фикри эътиборга моликдир: «В лингвистике имеется столько же разных лингвистик, сколько есть лингвистов».²

Анъанавий тилшуносликнинг нуқсонларидан яна бирини шунда кўрамизки, унда грамматик категориялар, асосан, мантикий нуқтаи назардан изоҳланади. Бунинг далилини нафақат субъект ва предикатнинг,

¹ Бу ҳақда қаранг: Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. М., 1966. С.8.

² Ўша асар, ўша бет.

балки гапнинг иккинчи даражали бўлакларининг ҳам соф лингвистик тушунчаларни тақозо этмаслигига кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, кўп йиллар давомида фонетик ҳодисалар фонологик ҳодисалардан кескин фарқ қилинмади, фонологик оппозициялар ҳақида маълумот берилмади, тил бирликларининг сатҳлари ва улар ўртасидаги поғонали муносабат илмий асосланмади, қолаверса, тил билан нутқ ҳодисалари фарқланмади. Ана шулардан ва шу каби қўргина изоҳталаб масалалардан келиб чиқиб, баъзи йирик тилшунослар XIX асрнинг охирларидан бошлаб анъанавий тилшуносликни асрлар давомида қониқтириб келган айrim масалалар талқинига янгича ёндашишга киришдилар ва бунинг натижасида структур тилшунослик илдиз ота бошлади.

Структур тилшуносликнинг мазмуни марказида *структурата* сўзининг ётиши изоҳ талаб қилмайди, албатта. Зотан, структур тилшунослик тил системаси бирликлари ва уларнинг структур табиати билан боғлиқ муаммолар талқини билан шуғулланади.

Равшанки, *структурата* тушунчаси кенг қамровли бўлиб, у нафақат тилшуносликда, балки бошқа фанларда ҳам фаол қўлланади. Аммо қайси фан ёки соҳада қўлланишидан қатъи назар, у муайян бутунликнинг қисмлари ўртасидаги боғланишни эмас, балки шу бутунликни ташкил этувчи ўзаро узвий боғланган, бирининг мавжудлиги иккинчисини ҳам талаб қилувчи унсурлар мажмуасини тақозо этади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, аксарият тадқиқот ишларида тилшуносларимиз *система* ва *структурата* тушунчаларини қориштириб юборишади. Бироқ мазкур тушунчалар бир-бири билан мазмунан яқин бўлса ҳам, уларни муштарак маъно беради, деб билмоқ ноўриндир. Зотан, биз система деганда, бир-бирлари билан боғлиқ бўлган тил элементлари ва уларнинг муносабатларини тақозо этувчи яхлитликни тушунамиз¹. Структура эса тил системаси элементларининг муносабатлари мажмуасини ташкил этади². Фикр далилини тил системаси ўзаро узвий боғлиқ бўлган фонематик, морфематик ва сўз сатҳлари бирликларидан ташкил топувчи яхлит ҳодиса эканлиги, сатҳлар ўртасидаги муносабат эса структурани тақозо этишида кўриш мумкин. Бошқача айтганда, биз структура системаси ҳақида эмас, балки система структураси ҳақида мулоҳаза юритамиз.

Бу, ўз навбатида, структура система тушунчасига нисбатан иккиламчи характерли эканини кўрсатади. Т.Бушуй ва Ш.Сафаровнинг таъкидлашларига кўра, структура тушунчасига нисбатан система тушунчаси кенгроқ маънога эгадир. «Система» сўзи юонон тилидан олинган бўлиб, «ташкил қилувчи қисмлардан иборат бўлган бутунлик»,

¹ Қаранг: Нурмонов А., Искандарова Ш., Набиева Д. Анъанавий ва структур тилшунослик муносабатлари масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006, 4-сон. 49-бет.

² Қаранг: Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. М., 1975. С.228.

деган маънони, «структур» сўзи эса лотин тилидан олинган бўлиб, «тузилиш», «курилиш», «жойлашиш» деган маъноларни англатади¹.

Тилнинг система эканлигини, одатда, Ф. де Соссюр номи билан боғлаб ўрганамиз. Тўғри, Соссюр мазкур масаланинг мукаммал илмий талқинини берган машхур тилшуносдир. Бу соҳада ҳеч бир олим Соссюрчалик муваффақиятга эриша олгани йўқ. Лекин тил материалининг муайян қонун-қоидалар асосидаги жиддий тавсифи антик давр тилшуносларининг ҳам эътиборини ўзига жалб қилгани маълум. Масалан, Қадимги Хиндистонда Панинининг саккиз китобдан иборат мутлақо формал қонун-қоидаларга асосланган грамматикасида буни кузатиш мумкин. Асарда фонема, морфема ҳамда сўз шакли ясалиши хусусида кенг маълумот келтирилади. Олим тил материали (санскрит) таҳлилини беришда *sütra* лар деб аталувчи 4 минг қоидага асосланади².

Тўғри, Панини грамматикаси ҳозирги тилшуносликнинг талаблари гавоб бера олмайдиган жиддий нуқсонлардан ҳам холи эмас. Бироқ ҳали антик даврларда ёқ конкрет тил материалининг формал таҳлилини беришнинг ўзи олимнинг улкан муваффақиятларга эришганини кўрсатади.

Қадимги Юнонистон файласуфи Аристотель эса ўз тадқиқотларида структура тушунчасига қарийб яқинлашиб қолган эди. Унинг “Поэтика” асарида *gap* тушунчasi қўйидагича изоҳланади: “... (gap – бу) ... мустақил маъно англатувчи ва алоҳида қисмлари ҳам мустақил маъноларга эга бўлган товушлар комплексидир”³. Бу, ўз навбатида, фонематик, бўғин, морфологик ва синтактик сатҳларнинг фарқланганлигини кўрсатади.

Аристотель “Поэтика” асарида тил воситаларининг реал қўлланишида муайян қуршовнинг ҳам аҳамиятли эканлиги ҳақида илк бор маълумот берган олимдир. Аммо Аристотелнинг лингвистик таълимотида ҳам, ундан кейин яшаб ўтган антик давр тилшунослари ишларида ҳам структура сўзи ҳали том лингвистик маънода қўлланилганини кузатиб бўлмайди. Масала тавсифига XIX асрнинг тўртинчи чорагида вужудга келган “Ёш грамматикачилар” мактаби вакиллари бирмунча яқинлашдилар. Уларнинг айниқса фонетик муаммолар борасида бажарилган тадқиқотларида буни кузатиш мумкин. Лекин ёш грамматикачилар дастурида тилнинг яхлит бир системани ташкил этиши масаласи кун тартибига қўйилмагач, структура тушунчаси ҳам эътибордан четда қолган эди.

¹ Қаранг: Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. Тошкент, 2007. 40-бет.

² Қаранг: Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. С. 177.

³ Амирова Т.А., Ольховиков Б.А., Рождественский Ю.В. Очерки по истории лингвистики. М., 1975. С. 95.

Ёш грамматикачилар тил ҳодисаларини, шу жумладан, фонетик ҳодисаларни ҳам алоҳида – алоҳида татқиқ этардилар. Шу боис маълум бир муддатда улар билан узвий алоқада бўлган Ф. де Соссюрнинг “Хинд-оврупо тилларида унлиларнинг илк системаси ҳақида” (1879) деб номланувчи асарини улар жуда совук кутиб олдилар. Зотан, Соссюрнинг мазкур асарида тил системаси яхлитлигича тадқиқот обьекти қилиб олинган эди¹.

Шундай қилиб, XX асрда тилшунослик фани тараққиётининг янги даври бошланди. Ф. де Соссюр тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш зарурлигини тадқиқотлар кун тартибига киритди. Олимнинг Женева университетида ўқиган маъruzalаридан бирида айтган қуйидаги фикрлари эътиборга моликдир: «Тилшунослик ягонадир, жаноблар! Сизларга фақат шуни айтмоқчиманки, тилшунослик шуғулланадиган соҳа жуда кенгdir. Аникроғи, у икки қисмдан ташкил топган бўлиб, унинг биринчи қисми тилга яқин ва у нофаол (пассив) заҳирани ташкил этади. Иккинчи қисми эса нутқга яқин бўлиб, у фаол кучни тақозо этади»². Бироқ Соссюрнинг тил билан нутқни фарқлаб ўрганиш ҳақидағи ғоясига тўғридан-тўғри қарши айтилган фикрлар ҳам мавжуд. Бунинг далилини А.С. Чикбованинг қуйидаги сўзларида кўриш мумкин: «Тил билан нутқни фарқлаш нотўғри ва бундай бўлиши мумкин ҳам эмас». Аммо А.И. Смирницкий мазкур мулоҳазани ўз вақтида мутлақо рад этган эди³.

Шуни ҳам айтиш керакки, Соссюрдан олдин ҳам тил ва нутқ муаммоси ҳақида тилшунослар мулоҳазалари мавжуд эди. Фикр исботини машхур немис олими В. фон Гумбольдтда кузатиш мумкин. У Соссюр томонидан қўлланилган *langue* (til) ўрнига *Sprachform* (til шакли), *parol* (нутқ) ўрнига *ergon*, *langage* (til фаолияти ёки нутқий фаолият) ўрнига *energeia* терминларидан фойдаланган. Бироқ Соссюр таълимотида “til ва нутқ” дихотомияси билан боғлиқ муаммоларнинг илмий талқини ўта асосли ва мукаммал ёритилдики, бундай ҳолатни бошқа тилшуносларда кузатиш қийин.

Рус тилшуноси Ф.Ф. Фортунатов Соссюрдан аввал тил белгилари ҳақида мулоҳаза юритган эди. Унинг фикрига кўра, тилнинг ҳар бир белгиси муайян маъно ифодаси билан боғлиқ бўлгани учун бу хусусдаги тадқиқотни инсон руҳиятидан (психикасидан) айри ҳолда олиб бориб бўлмайди. Аммо Ф.Ф.Фортунатовнинг мазкур мулоҳазалари билан тўлиқ қўшилган ҳолда шуни таъкидламоқчимизки, Ф. де Соссюрнинг лингвистик таълимотида тил белгилари, уларнинг эркин танланиши,

¹ Қаранг: Березин Ф.М. История лингвистических учений. М., 1975. С. 178.

² Соссюр Ф. де. Заметки по общей лингвистике. М., 1990. С. 206.

³ Қаранг: Алпатов В.М. Лингвистическая концепция А.И. Смирницкого // Вопросы языкоznания, 2004, №5. С. 96.

ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатларининг талқини ўз мукаммаллиги билан ажралиб туради.

Аммо юқоридагилар билан бир қаторда шуни алоҳида эслатиб ўтиш жоизки, Бодуэн де Куртенэning лингвистик концепцияси кўп жиҳатлари билан Соссюр таълимоти билан мос келади ва улар қарийб бир пайтнинг ўзида эълон қилинган. Хусусан, уларнинг тил системаси ва структураси ҳақидаги мулоҳазалари муштаракдир ва бу нарса ҳар икки олимнинг лингвистик таълимотида марказий ўринда туради. Шу боис уларни структур тилшуносликнинг асосчилари деб аташ мумкин¹.

Соссюрнинг лингвистик таълимотида ташқи ва ички тилшунослик масаласи ҳам кун тартибига қўйилади. Ташқи тилшуносликнинг асосий текширув объектлари тил ва миллат тарихини ўрганиш, тилнинг географик худудларга тарқалиши ҳамда лаҳжаларга бўлиниши масалалари ҳисобланса, ички тилшуносликнинг текширув объекти тил системаси ва у билан боғлиқ масалалар саналади. Соссюргача ташқи ва ички тилшунослик масалалари тадқиқини яхлит ҳолда олиб бориш лозимлиги ҳақидаги ғоя устувор аҳамият касб этган. Лекин Соссюр бу икки тилшуносликнинг ҳар бири ўзича тадқиқот объекти бўла олишини илмий асослаб беради ва тилнинг реал табиатини ўрганиш факат ички тилшуносликнинг вазифаси эканлигини далиллайди. Бу ҳакда Соссюр қўйидагиларни таъкидлайди: “Биз ташқи тилшунослик масалаларини ўрганишни ниҳоятда аҳамиятли деб биламиз, аммо унинг иштирокисиз тилнинг ички организмини тадқиқ этиш мумкин эмас дейдиган бўлсак, катта хатога йўл қўйган бўламиз”².

Ташқи ва ички тилшуносликлар ҳақида янада мукаммалроқ тасаввур ҳосил қилиш мақсадида олим шахмат ўйинини мисол келтиради: “Шахмат ўйини Европага Эрондан келгани, агар таъбир жоиз бўлса, ташқи омилдир. Ва аксинча, ички омил мазкур ўйиннинг системаси ва қоидалари билан боғлиқ. Яъни агар мен ёғочдан ясалган доналарни фил суягидан ясалган доналар билан алмаштирсам, бундай алмаштирув системага ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, бироқ мен доналар сонини камайтирсам ёки кўпайтирсам, у ҳолда бундай алмаштирув ўйин «грамматикасига» ғоят чуқур таъсир кўрсатади”³.

Мазкур мисол, бизнингча, ташқи ва ички тилшунослик ҳақида юқорида эслатиб ўтилган фикр ва мулоҳазалар ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилишимиз учун муҳим аҳамият касб этади. Бунда шу нарса характерлики, айни пайтда биз структур тилшуносликнинг мақсади ва вазифалари ҳақида ҳам муайян тасаввурга эга бўла оламиз. Зотан, структур тилшуносликнинг асосий мақсади – тилимиз системаси

¹ Қаранг: Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. М., 1974. С. 18.

² Соссюр Ф. де. Труды по языкоznанию. М., 1977. С. 60.

³ Ўша асар. 61-бет.

бирликларининг ички муносабатларини тадқиқ этишдан иборат бўлиб, бу соҳада катта муваффақиятларга эришилди¹. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган асрнинг 50-йилларида структурализм вакилларининг асосий эътибори қаратилган ва кўпгина танқидий мулоҳазаларга сабаб бўлган «лингвистиканинг ягона ва ҳақиқий ўрганиш обьекти «ўзида ва ўзи учун» тарзида қаралувчи тил» сатрлари Соссюр номи билан боғланди. Бироқ бугунги кунда мазкур мулоҳаза Соссюрга тегишли эмаслиги далилланди².

Тилшунослик фанида “структур” ва “структур тилшунослик” терминлари том маънода 1939 йилда Копенгаген тилшунослик мактабининг йирик намояндаларидан бири В.Брёндалнинг “Структур тилшунослик” номли мақоласи шу мактабда нашр этилаётган “Acta Linguistica” журналида чоп этилгандан кейин қўлланила бошлади.

Копенгаген структурализм мактаби жаҳон тилшунослигига глоссематика номи билан машҳур бўлиб, унинг асосий ташкилотчиси Луи Ельмслевдир. Мазкур мактабнинг йирик намояндалари жумласига В.Брёндал, Х.Улдалл каби олимлар ҳам киради.

Глоссематика сўзи юонча бўлиб (*glossema* – сўз), *til* деган тушунчани тақозо этади. Глоссематика мактабининг иштирокчилари унча кўп бўлмаса ҳам, у жаҳон тилшунослигига жуда тез танилди ва ўзига хос эътибор қозонди. Мазкур мактаб аслида 1931 йилда фонологик муаммолар ҳамда тил структурасини мукаммал ўрганиш мақсадида ташкил этилиб, у даниялик тилшуносларни бирлаштиради (Х. Пелерсен, О. Есперсен, Л. Хаммерих, Х. Серенсен, К. Тогебю кабилар ва чет эллик тилшунослар Р. Якобсон, Э. Хемп ва бошқ.). Бунда 1934 йилдан «Копенгаген тилшунослик тўгарагининг бюллетени» номи билан илмий журнал нашр этила бошлайди. Мазкур журнал 1934 йилдан «Акта лингвистика» деб аталади.

Глоссематиканинг кўзга кўринган вакилларидан бири Х. Улдалл ўзининг «Глоссематика асослари» номли асарида (1957) мазкур мактабни мантиқий позитивизм тамойилларига яқин турувчи фалсафий система сифатида изоҳлади. Л. Ельмслев ҳам глоссематиканинг метатил (текширув обьекти иккинчи бир тилнинг материали бўлган) характерли эканини ҳамда тил белгилар системасининг ўзига хос кўринишини тақозо этишини алоҳида таъкидлаган эди³.

¹ Қаранг: Нурмонов А. Лингвистик таълимотнинг янги босқичи// Ўзбек тили ва адабиёти. 2008, 6-сон. 51-бет.

² Қаранг: Слюсарева Н.А. О заметках Ф. де Соссюра по общему языкознанию. Вступительная статья к книге Ф.де Соссюра «Заметки по общей лингвистике». М., 1990. С.17.

³ Қаранг: Засорина Л.Н. Кўрсатилган асар. 117-бет.

Луи Ельмслев глоссематик ғоялар билан сугорилган бир неча асарлари билан танилди. Бу асарлар қуйидагилардан иборат:

- 1. Умумий грамматиканинг тамойиллари.** Асар 1928 йилда чоп этилиб, унда янги йўналишнинг (глоссематиканинг) асослари белгилаб берилади.
- 2. Келишик категорияси.** Асар 1935-1937 йиллар давомида ёзилади. Унда асосий эътибор келишиклар муносабати таҳлилига қаратилади ва фактik тил материали талқини имманент (ташқи таъсирдан холи) характерлиги билан ўзига хос аҳамият касб этади.
- 3. Бошқарув тушунчаси.** Асар 1939 йилда нашр этилади.
- 4. Тил ва нутқ (1942).**
- 5. Тил назариясига кириш** (Қаранг: Пролегомены к теории языка // Новое в лингвистике, вып. 1., 1966).
- 6. Тилшуносликда структур таҳлил методи** (1950-1951).

Луи Ельмслев тилшуносликда биринчилардан бўлиб тил материали талқинига математик қоида ва методларни, айникса, математик мантиқ ғояларини татбиқ этган олимдир. У тилшуносликка аниқ фанлар методларини жорий қилишга ҳаракат қиласиди ва глоссематиканинг асосий мақсади ҳамда вазифасини тилнинг имманент алгебрасида кўради.

Глоссематиканинг асосий мақсади барча тиллар учун умумий грамматик қоидаларни яратишдан иборат эди. Бунда тил *субстанция* (моҳият) сифатида ҳамда моддий табиатига нисбатан мавҳум ҳолда талқин этилади ва ички муносабатлар системаси тарзида тавсифланади.

Л. Ельмслевнинг лингвистик назарияси формал *дедуктив* системага бўйсунади. Унга кўра, бутундан қисмга қараб йўналтирилган таҳлил бош мезон ҳисобланади. Анъанавий *индуктив* таҳлилда эса товушлардан фонемаларга, фонемалар категориясига, турлича хусусий маънолардан умумий маъноларга қараб силжиш кузатилади.

Л. Ельмслев таълимотида лингвистик таҳлил учун дастлаб муайян матн олиниши, кейинги босқичларда эса унинг сегментларга бўлиниши кўзда тутилади. Бундан асосий мақсад тил системаси ва унинг бирликлари ҳақида умумий маълумот олишдан иборатдир.

Глоссематик назарияга кўра, ҳар қандай илмий лингвистик талқин қуйидаги уч шартга бўйсуниши лозим:

1. Қарама-қаршиликлардан холи бўлиш.
2. Тугалликка эга бўлиш.
3. Имкон қадар содда бўлиш.

Буни глоссематикада *эмпирик* талқин методи номи билан боғлайдилар.

Глоссематика вакиллари ўз назариялари *имманент* тамойилга асосланганлигини айтадилар. Бу тамойил эса, ўз навбатида, математик мантиқ қоидалари билан характерланади. Математик қоидалар тил

материалини маълум бир бутунлик, яхлитлик тарзида олиб таҳлил қилишни назарда тутади ва бу усул *тил алгебраси* деб аталади.

Шундай қилиб, глоссематиканинг мантиқий асосида *дедуктив*, *эмпирик* ҳамда *имманент* тамойиллари ётишини кўрамиз. Глоссематикада ҳам тил материалининг ифодаловчи ҳамда ифодаланувчи томонларининг фарқлаб ўрганилишига эътибор берилади. Аммо бунда тилнинг ифодаловчи материалини товушлар мажмуаси, ҳарфлар ва турли белгилар, ифодаланувчи жиҳатини эса ҳали бўлинмаган умумий маъно бутунлиги ташкил қилиши таъкидланади. Бундан ташқари, тилнинг ифодаловчи планида форма ва субстанция фарқланиши лозимлиги эслатилади. Масалан, товуш субстанцияси барча тиллар учун умумий, аммо унинг қўлланиши уларда бир хил эмас. Ҳар бир тил ўз товуш системасига эгадир. Тилнинг ифодаланувчи жиҳатига эътибор берганимизда ҳам глоссематик таълимотнинг ўзига хослигини кўрамиз. Ельмслев бунда барча тиллар учун умумийлик мавжудлигини ва уни субстанция тарзида тушуниш кераклигини уқтиради.

Л. Ельмслев тил унсурларининг парадигматик ва синтагматик муносабатлари хусусида ҳам илмий мулоҳаза юритади ва мазкур икки ҳодисани мантиқий асосга кўра қарама-қарши қўяди. Парадигматика ҳодисасини мантиқий *дизъюнкция* (зидланиш) тамойилига асосан «ёки...ёки» тарзидаги, синтагматика ҳодисасини эса мантиқий *конъюнкция* (силжиш) тамойилига асосан «ва...ва» ҳолатидаги тил унсурларининг боғланиши деб изоҳлайди. Бошқача айтганда, парадигматик муносабат тилга, синтагматик алоқа эса нутққа тааллуқли эканлиги айтилади.

Глоссематикада тил унсурлари муносабати қуйидаги уч хил кўринишда мавжуд бўлиши асосланади: *интердепенденция, детерминация, консталляция*.

Интердепенденция ҳодисасида тил унсурларининг ўзаро муносабати икки томонлама боғлиқликка асосланади. Айни пайтда ўзаро боғланаётган унсурлар бири иккинчисини тақозо этади. Бунга унли ва ундош фонемалар муносабатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Унлининг реал қўлланиши учун ундош қанчалик зарур бўлса, ундош учун унли ҳам шунчалик зарурдир. Мазкур боғланишни $x \leftrightarrow y$ тарзида кўрсатиш мумкин.

Детерминация ҳодисасида тил унсурларининг бир томонлама боғланиши эътиборга олинади. Масалан, суффикс муайян асоснинг мавжудлигига таянади, аммо асос суффикссиз ҳам қўллана олади. Буни $x \rightarrow y$ тарзида белгилаш мумкин.

Консталляция ҳодисаси тил унсурларининг эркин боғланишини назарда тутади. Масалан, рус тилида феълларда род ва шахс категорияларининг ифодаланишини олайлик: *пишу, пишешь, пишет; писал, писала*.

Кўринадики, рус тилида ҳозирги замон феъл тусланишида факат шахслар, ўтган замонда эса родлар фарқланади. Констелляцияда тилнинг икки унсури эркин боғланиши боис уларнинг ҳар бири мустақил қўлланиш имкониятига эга бўлади. Мазкур ҳодиса тил унсурларининг **х** – у тарзидаги боғланишини тақозо этади¹.

Л. Ельмслевнинг лингвистик таълимотида *коммутация* ва *субституция* тушунчаларидан ҳам кенг фойдаланилади. Коммутация деганда, олим тилнинг муайян бир унсури воситасида бир пайтнинг ўзида ҳам шаклий, ҳам мазмуний ўзгариш рўй беришини тушунади. Масалан, «н» ва «т» фонемаларининг ўрин алмашиши натижасида бир йўла ифода планида ҳам, мазмуний планда ҳам ўзгариш содир бўлиши мумкин: *нок* – *ток*. Агар тил унсурларининг ўрин алмашиши натижасида маъно ўзгариши рўй бермаса, у ҳолда субституция ҳодисаси ҳақида сўз юритилади: *город* – *город*; *мазкур* – *маскур*. Айни пайтда сўздаги товуш ўзгариши маъно ўзгаришига олиб келмаяпти.

Коммутацияда уни ҳосил қилувчи унсурлар тил системасида қўлланишига қўра мустақил эканлиги билан ажралиб турди ва шу боис уларни инвариант ҳарактерли деб аташ мумкин. Субституцияда эса уни ҳосил қилувчи унсурлар муайян инвариантнинг варианtlари саналади.

Л. Ельмслев вариант ва инвариант тушунчаларини мукаммалроқ изоҳлаш учун қуидагиларни таъкидлайди: «Аксарият матнларда айнан бир хил қўшма гаплар, айнан бир хил содда гаплар, айнан бир хил сўзлар қўлланилади, уларнинг ҳар бири муайян қўшма ёки содда гапларнинг, шунингдек, сўзларнинг намуналарини тақозо этади. Мазкур намуналарни биз *вариантлар* деб, шу варианtlар асосланаётган материалларни эса *инвариантлар* деб атаемиз².

Глоссематикада тил материалининг таҳлили дедуктив методга асосланганлиги боис, Л. Ельмслев тадқиқотида ҳар доим бутуннинг қисмларга сегментланиши ва шу асосда назарий хулосаларга келинганини кўрамиз. Масалан, матн периодларга, периодлар қўшма гапларга, қўшма гаплар содда гапларга, содда гаплар сўзларга, сўзлар бўғинларга, бўғинлар эса фонемаларга сегментланади.

Ельмслевнинг лингвистик қарашларида шу нарса ҳарактерлики, бунда таҳлил учун олинган тил материали мазмуний жиҳатдан энг кичик, қайта қисмларга бўлинмайдиган бирликларга сегментланиши хусусида ҳам сўз юритилади ва бундай бирлик *фигура* деб номланади. Фигура деганда, олим тил белгисининг муайян бир мазмуний қисмини ташкил этувчи маъно ифодасини тушунади. Масалан, *бобо* сўзини оладиган бўлсак, унинг муайян маъно ифодасини берувчи белги эканлиги шубҳасиздир. Уни биз *буви* сўзидан фарқлаб ўрганамиз. Лекин мазкур

¹ Қаранг: Засорина Л.Н. Кўрсатилган асар. 123-бет.

² Қаранг: Березин Ф.М. Кўрсатилган асар. 241-бет.

сўзни фигура нуқтаи назаридан қисмларга бўлсак, қуйидагича бўлади: бобо – (инсон зотига тегишли) + (ёши улуғ) + (жинси - эр).

Кўринадики, бу жиҳатдан Л. Ельмслевнинг *фигура* тўғрисидаги фикри Н.С. Трубецкойнинг фонемалар *дифференциал* белгилари ҳақидаги, ёки Э. Бенвенистнинг *меризматик* белгилар хусусида билдирилган мулоҳазаларига ўхшаб кетади. Шундай қилиб, Копенгаген тилшунослик мактабининг ҳозирги структур тилшуносликнинг вужудга келишида салмоқли улуши борлигини кўрамиз. Бироқ, мазкур мактабнинг кейинги авлоди тадқиқотчилари ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, генератив лингвистика муаммолари билан шуғулдана бошладилар ва шу тахлит глоссематика ўз фаолиятини тугата борди.

Структур тилшуносликнинг вужудга келишида Прага тилшунослик мактабининг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Бу мактабнинг салмоқли фаолият кўрсатган даври ўтган асрнинг 30-йилларига тўғри келади. Унинг фаолияти 40-йилларда кескин сусая бошлади ва 1953 йилга келиб мутлақо тугади¹.

Прага тилшунослик мактабининг йирик намояндалари жумласига В. Матезиус, Б. Трнка, Б. Гавранек, И. Вахек, В. Скаличка каби чех тилшунослари, шунингдек, Н.С. Трубецкой, С.О. Карцевский, Р.О. Якобсон каби рус олимлари киради. Бундан ташқари, А. Мартине, Л. Теньер, Е.Д. Поливанов, Г.О. Винокур, Е. Курилович ва бошқа тилшунослар ҳам мазкур мактаб билан узвий ижодий алоқада бўлишган.

Прага тилшунослик мактабини, одатда функционал лингвистика номи билан атайдилар. Бунинг асосий боиси шундаки, мактаб намояндалари тилга функционал система тарзида ёндашадилар. Буни мазкур мактабнинг тезисларида bemalol кузатиш мумкин: «Лингвистик таҳлилга функционал нуқтаи назардан ёндашмоқ керак. Зотан, тил муайян мақсадга хизмат қилувчи ифода воситаларининг системасини тақозо этади»².

Вилем Матезиус мазкур мактабнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. У тилнинг функционал грамматикасини яратиш бобида салмоқли ишлар қилди. Олимнинг, айниқса, «Гапнинг актуал бўлаклари ҳақида», «Чех тилида сўз тартибининг асосий функцияси» деб номланувчи мақолалари бунинг далилидир.

Шуни ҳам айтиш керакки, В. Матезиус гапнинг актуал бўлаклари назарияси билан жаҳон тилшунослигига эътибор қозонди. Бу назарияни кўпгина олимлар (Н. Слюсарева, М. Хеллиде ва бошқ.) тил материалининг функционал таҳлили учун асос қилиб олдилар. Аммо, бизнингча, актуал бўлаклар назариясига асосланган гап компонентларининг тема-рематик муносабати соф грамматик қоидалардан кўра кўпроқ мантиқий қоидаларга

¹ Қаранг: Апресян Ю.Д. Кўрсатилган асар. 65-бет.

² Пражский лингвистический кружок (Сборник статей). М., 1967. С. 17.

таянади. Шу боис уни структур синтаксиснинг таҳлил методлари жумласига киритиш ноўриндир. Бу ҳақда В.Б. Касевичнинг қўйидаги мулоҳазалари дикқатга сазовордир. Биринчидан, «актуал бўлаклар» термини тўғри танланмаган, зотан, бундай бўлаклар фақат гап сатҳидаги маълум бўлакларни, аниқроғи, гапнинг фақат икки бўлagini акс эттиради. Иккинчидан, *тема* ва *рема* тушунчалари Аристотелнинг мантиқда қўллаган «субъект» ва «предикат» терминларининг бошқача номланишидир¹. Албатта, бу орқали В. Матезиуснинг гапнинг актуал бўлаклари назарияси аҳамиятини инкор этиб бўлмайди. Мазкур назариядан гапнинг коммуникатив функциясини тадқиқ этишда, хусусан, семантик синтаксис муаммоларини ўрганишда кенг фойдаланиш мумкин. Умуман олганда, «функция» термини структур тилшунослик нуқтай назаридан математик тушунчаларга асосланишни талаб қиласди. Бошқача айтганда, бунда тил унсурларининг функционал қимматига кўра бир-бири билан узвий боғланган ҳолда фаолият кўрсатишига аҳамият бериш лозим бўлади. Бироқ бу нарса прагалик тилшунослярнинг эътибори марказида эмас эди².

Прага тилшунослик мактабида фонологик муаммолар талқини грамматик муаммоларга нисбатан анча яхши ишланди. Бу соҳада Н.С. Трубецкой, Р.О. Якобсон, В. Матезиус, Б.Трнка ва бошқа айрим тилшунослар баракали тадқиқот ишлари бажардилар. Айниқса, Н.С. Трубецкойнинг фонология муаммолари талқини борасида олиб борган тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Н. Трубецкой ўзининг «Фонология асослари» асари билан жаҳон тилшунослигида жуда катта обрў қозонди. Бу асар унинг вафотидан кейин 1939 йилда немис тилида нашр этилди. Унинг рус тилига таржимаси 1960 йилда амалга оширилди³. Бироқ рус тилидаги нашрида асарнинг немисча нусхасида бўлган айрим масалалар таржимасида жузъий камчиликлар борлигига қарамай, мазкур иш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Н. Трубецкой бу асарида фонологияни илмий асослаб берди. Равшанки, фонология унга қадар мустақил фан сифатида том маънода ҳали шаклланмаган эди. Олимнинг улкан хизматларидан бирини унинг фонетика билан фонологияни фарқлаш лозимлигини таъкидлаганида ва бунинг асосий тамойилларини белгилаб бера олганлигига кўрамиз. У фонетикани нутқ товушларини ўрганувчи (асосан, фонетик акустика ва артикуляция масалаларини) фан сифатида, фонологияни эса тилдаги товушларни (фонемаларни) ўрганувчи фан сифатида талқин этади ва бу билан Ф. де Соссюрнинг «тил ва нутқ» дихотомиясининг асосий ғояларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади.

¹ Қаранг: Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология. М., 1988. С. 86.

² Қаранг: Засорина Л.Н. Кўрсатилган асар. 86-бет.

³ Қаранг: Трубецкой Н.С. Основы фонологии. М., 1960.

Н. Трубецкойнинг илмий концепцияси мукаммаллиги яна шунда намоён бўладики, у 200 дан ортиқ тилнинг (ўзбек тили ҳам эслатиб ўтилади) фонологик системалари ҳақида илмий маълумот беради. Бундай ютуққа Н. Трубецкойга қадар ҳали ҳеч бир тилшунос эриша олмаган эди.

Олимнинг «Фонология асослари» асарида таъкидланишича, фонология фонетиканинг энг юқори поғонаси эканлиги ва у тилдаги товушларнинг функционал жиҳатларини ўрганиши лозимлигига асосий эътибор қаратилмоғи керак. Фонетика эса товушларнинг акустик ҳамда артикуляцион жиҳатларини ўрганиши лозим ва бу фонетиканинг асосий вазифасини ташкил этади. «Фонетиканинг бирдан-бир вазифаси, - дейди олим, - у ёки бу товушнинг қандай талаффуз этилишини ўрганишдан иборатдир»¹. Ана шу асосда фонетика инсон нутқининг материал жиҳатини ўрганувчи фан сифатида изоҳланади.

Н. Трубецкой «Фонология асослари» асарида нутқ товушлари тил белгисининг ифодаловчи томонини ташкил этишини кўрсатиб беради ҳамда уларни тил ва нутқ нуқтаи назаридан фарқлайди. Дарҳақиқат, муайян бир тил белгисининг лугат таркибидаги ҳолати нутқда қўлланганда конкрет ифодасини топган ҳолатидан аксарият ҳолларда фарқланади. Бунга унинг аллофонлари қўлланиши ёки тилда маълум бир товуш системаси орқали ифодаланаётган маъно нутқда (шу товуш системаси ўзгармаган ҳолда) мутлақо бошқа маънода қўлланиши мисол бўла олади.

Айнан ана шу ҳодиса замирида фонетика ва фонологиянинг бир-бирига зид томонларини асослаш мумкин. Фонетика Трубецкой таълимотида кўплаб акустик ҳамда артикуляцион белгиларга эга эканлиги, бироқ фонологияда мазкур белгилар аҳамият касб этмаслиги ҳам мумкинлиги алоҳида таъкидланади. Чунки оддий нутқ товуши билан маъно фарқловчи товушнинг фарқи бор. Бунда Н. Трубецкой Р. Якобсоннинг фонология ва фонетика ўртасидаги фарқни сиёсий иқтисод билан тилшунослик ўртасидаги фарққа ўхшатганини ижобий баҳолайди².

Фонология инсон нутқ фаолиятининг материал томонини эмас, балки унинг (шу материалнинг) функционал жиҳатларини ўрганади ва бу билан вазифасига кўра анча чуқур илдиз отади. Ана шу боис Трубецкой таълимотида товушлар ҳақидаги фан икки қисмга ажратилади. Бу қисмларнинг бири нутққа, иккинчиси эса тилга таянади. Бироқ бу билан Трубецкой фонетика ва фонологияни бир-биридан ажратиб, ўзаро алоқаси йўқ фанларга бўлиб юбормоқчи бўлмаган. Унинг эътироф этишича, фонология ўзининг бошланғич қадамини фонетика ҳудудида қўяди. Зотан, фонологиянинг ҳам текширув объекти товушлардир. Бироқ товушларнинг тавсифи фонологик тадқиқот учун бошланғич нуқтани ташкил этади.

¹ Трубецкой Н.С. Кўрстилган асар. 16-17 бетлар.

² Ўша асар. 18-бет

Зеро, фонология товушларни системага солиб, уларнинг ўзаро боғланишини ўрганар экан, у фонетикадан йироқлашиб кетади. Демак, фонетика ва фонология тадқиқотларимизнинг бошланиши этапларида гина ўзаро узвий боғлиқ бўлади.

Фонеманинг маъно фарқловчи восита эканлиги Трубецкой таълимотининг асосий мағзини ташкил этади. Олим бунда икки нарсага муҳим аҳамият беради: 1. Фонологик оппозиция. 2. Фонологик бирлик.

Фонологик оппозицияни қуидагича изоҳлаш мумкин: ингл. [ai] : [ei] = line (чизик) lane (йўлак); [o:] : [i] = so (хўш) : sie (улар); [e] : [E] = the (чой) : taie (ёстиқнинг жилди).

Фонологик бирлик деганда, Трубецкой фонологик оппозицияни ташкил этувчи ҳар бир товушни тушунади. Масалан, *бор* ва *бир* сўзларида кузатилаётган фонологик оппозиция биргина унли, яъни фонологик бирлик орқали шаклланмоқда. Бундай бирлик *фонема* деб номланади.

Н.С. Трубецкой фонема ва унинг вариантлари ҳақида қимматли илмий маълумотлар беради ва бу ўринда қуидаги қоидалар келтирилади.

Биринчи қоида. Агар бир тилнинг ўзида икки хил товуш бир қуршовда (позицияда) келиб, бир-бирини алмаштира олса ва бунда маъно ўзгариши содир бўлмаса, у ҳолда мазкур товушларни бир фонеманинг факультатив вариантлари деб қараш лозим. Масалан, *конечно – конечно, булочная – булочная, мазкур – маскур*.

Иккинчи қоида. Агар бир хил қуршовда келиши мумкин бўлган икки товуш маънога таъсир этиб бир-бирини алмаштира олса, у ҳолда бундай товушларни алоҳида (мустакил) фонемалар деб билмоқ лозим. Масалан, немис тилида *leppi* (лаб) *lappi* (латта). Бу ўринда [i] ва [a] товушлари ўртасидаги муносабат аҳамият касб этмоқда (ўзбек тилидан мисол: *нон – кон – нок*).

Учинчи қоида. Агар бир-бирига яқин икки товуш бир қуршовда ҳеч қачон кела олмаса, бундай товушлар ёлғиз бир товушнинг комбинатор вариантлари саналади. Масалан, ўзбек тилида *h* товуши икки унли ўртасида келганда жарангли, бошқа ҳолатларда эса жарангсиз талаффуз этилиши бунга мисол бўла олади: *аҳамият – эҳтимол*¹.

Тўртинчи қоида. Бу қоида юқоридаги уч қоидани ўз ичига олади. Бунда юқоридаги қоидаларда эслатиб ўтилган фонемалар учраган ҳолатда бошқа фонемалар бирикмалари учрамаслиги назарда тутилади. Масалан, ўзбек тилидаги /и+й/, /о+a/, /а+й/, /у+й/, /о+v/ каби товуш бирикмаларини дифтонглар сифатида мустакил фонемалар деб бўлмайди².

¹ Мазкур мисол қуидаги ишдан олинмоқда: Отамирзаева К. А., Агзамов С.А. Акустико-артикуляционный анализ узбекской речи применительно к речевой аудитории. Ташкент, 1972. С. 17.

² Қаранг: Басқаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик. Тошкент. 1979, 38-бет.

Бу ўринда биз Трубецкой берган қоидаларнинг фақат тўрттаси ҳақида маълумот келтиридик, холос. Аммо ана шунинг ўзи ҳам фонемаларнинг функционал қийматини уларнинг оппозиционал характери доирасида очиб бериш мумкинлигини қўрсатади. Трубецкойнинг «Фонология асослари» асарида фонологик оппозициянинг қўйидаги уч тури илмий асосланади.

1. *Приватив оппозиция.* 2. *Градуал оппозиция.* 3. *Эквиполент оппозиция.*

Приватив оппозиция фонологияда ғоят муҳим аҳамият касб этиб, бунда зидланаётган товушларнинг бирида мавжуд бўлган белги иккинчисида кузатилмаслиги назарда тутилади. Масалан, жаранглилик – жаранглизлик, лабланганлик – лабланмаганлик каби. Маълумки, жарангли товушдаги овоз микдори жаранглиз товушда кузатилмайди ёки лабланган товушни талаффуз этишдаги лабнинг чўзиқ ҳолати лабланмаган товушда кўринмайди. Бунда оппозициядаги товушларнинг белгилиси «маркерли», белгисизи эса «маркерсиз» деб аталади.

Градуал оппозиция. Н. Трубецкой қарама-қарши қўйилаётган товушларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган маълум бир белгининг даражасига кўра фарқланишини градуал оппозиция деб атайди. Аммо мазкур оппозиция приватив оппозицияга нисбатан камроқ учраши ва унинг ўта муҳим аҳамияга эга эмаслиги эслатилади. Бунга саёз тил орқа ва чуқур тил орқа ундошлари мисол бўлиши мумкин. Оппозициянинг бутури поғонали оппозиция деб ҳам юритилади.

Эквиполент оппозиция. Бунда қарама-қарши қўйилаётган товушларнинг ҳар бирида мавжуд бўлган ўзига хос белги асосидаги оппозиция назарда тутилади. Масалан: тил олди товуши – тил орқа товуши – тил ўрта товуши. Мазкур ҳодиса тенг ҳуқуқли оппозиция деб ҳам юритилади¹.

Н. Трубецкой фонологик оппозицияни товушларнинг талаффузи муайян белгиларида фарқланишини эътиборга олиб, уларни умумий планда *пропорционал* ва *ажратилган* (изолированные) деб аталувчи икки турга бўлади. Олим пропорционал оппозиция деганда, зидланаётган товушларга хос бўлган муносабат яна бошқа товушлар ўртасида ҳам кузатилишини тушунади. Масалан, р-в товушлари ўртасидаги оппозицияга монанд ҳодиса т – д товушлари ўртасида ҳам кузатилади.

Ажратилган оппозицияда эса товушлар ўртасида рўй бераётган муносабат бошқа оппозицияларда кузатилмайди. Масалан, р – ՚ товушлари, шунингдек, Е, F ҳарфлари ўртасидаги муносабатлар бунга мисол бўла олади. Н. Трубецкой бу ўринда ҳар қандай тилда ҳам пропорционал оппозицияга қараганда ажратилган оппозиция микдор жиҳатдан кўп эканлигини таъкидлайди.

¹ Қаранг: Трубецкой Н. Кўрсатилган асар. 82-83-бетлар.

Шундай қилиб, Н. Трубецкойнинг фонологик назарияси фонологик муаммоларнинг илмий талқинини беришда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида қайд этиш лозим. Шу боис унинг «Фонология асослари» асарини XX асрнинг фонологик қомуси деб аташади.

Структур тилшуносликнинг шаклланиши ва эътибор қозонишида америкалик тилшуносларнинг улкан улуши борлиги изоҳ талаб қилмайди, албатта. Бунда, масалан, дескриптив тилшуносликнинг хизматлари алоҳида аҳамият касб этади. Зотан, дескриптив тилшунослик доирасида бажарилган тадқиқот ишларининг барчаси тил структурасини ўрганиш билан бевосита боғлиқдир.

Дескриптив тилшуносликнинг шаклланиши биринчи галда Франс Боас, Эдуард Сепир, Леонард Блумфилд каби йирик тилшунослар номлари билан алоқадордир. Ф. Боас америкалик ҳиндулар тилини ўрганиш жараёнида Оврупо тилшунослигига самарали қўлланиб келаётган тил материалининг таҳлили усуллари ҳиндулар тилини ўрганиш ва тадқиқ этиш учун мутлақо яроқсиздир, деган хulosага келади. Бунинг асосий сабаби ҳиндулар тилининг ҳали ёзуви ҳам йўқлиги ва унинг қандай тиллар билан қариндошлиги ҳам ноаниклигига эди. Шу сабабли Ф. Боас бу тилни ўрганиш учун янгича методлар лозимлигини таъкидлайди ва шу мақсадда «Америка ҳиндулари тиллари учун қўлланма» (1911-1912) деб номланувчи асарини ёзади.

Ф.Боас анъаналари Э. Сепир ҳамда Л. Блумфилд томонидан давом эттирилади. Э. Сепирнинг лингвистик ғояси тил билан ҳалқнинг турмуш даражаси, маданияти боғлиқлиги, тил ҳодисалари билан ижтимоий ҳодисаларнинг алоқадорлиги масалалари доирасида шаклланади. Бу ҳақда ёзилган унинг «Тил» (1921) деб номланувчи асари мавжуд. Сепир этнолингвистика асосчисидир.

Блумфилд Америкадагина эмас, балки бутун жаҳонга машҳур тилшунослардан бири бўлиб, ўзининг «Тил» деб аталувчи асари билан катта обрў қозонди¹. Асар дескриптив тилшуносликнинг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу боис америкалик структуралистларнинг кейинги авлодлари вакиллари ҳам Блумфилдни ўзларига устоз деб биладилар. Фикримиз далилини Бернард Блокнинг қуидаги сўзларида кўришимиз мумкин: “И если сейчас наши методы в каких-то отношениях лучше, чем методы Блумфилда, и мы более ясно, чем он, представляем себе некоторые аспекты структуры языка, впервые открытие Блумфилдом, то все это потому, что мы стоим у него на плечах”².

Блумфилднинг илмий қарашларида тубандаги масалалар тавсифи устувор аҳамиятга эга бўлиб, улар олимнинг асосий лингвистик

¹ Қаранг: Блумфилд Л. Язык. М., 2002.

² Б. Блокнинг мазкур мулоҳазалари қуидаги ишдан олинмоқда: Фриз Ч. «Школа» Блумфилда // Новое в лингвистике, вып. IV. М., 1963. С. 128.

концепциясини ташкил этади: 1. Товуш ўзгаришининг доимийлиги. 2. Тил ҳодисалари талқинига психологик тушунчаларни аралаштирмаслик. 3. Илмий дескриптив тамойиллар. 4. Маънонинг қўлланилиши. 5. Тилшунослик фанининг чегараси.

Америка дескриптив тилшунослиги Блумфилднинг ана шу лингвистик концепцияси асосида тараққий этди. Буни структурализмнинг турли йўналишларида тадқиқот ишлари олиб борган Ж. Трейгер. Б. Блок, З. Харрис, Ч. Хоккет, К. Пайк, Ю. Найда, Ч. Фриз, Н. Хомский, Р. Лиз каби тилшуносларнинг тадқиқот ишларида кузатиш мумкин.

Юқорида маълумот берилган Копенгаген, Прага тилшунослик мактаблари ҳар бирининг тил структурасини ўрганиш методлари ўзига хос бўлгани каби, Америка тилшунослик мактабининг ҳам таҳлил методлари ўзига хослиги билан ажralиб туради. Қуйида ана шуларга қисқача тўхталамиз.

Дескриптив тилшуносликнинг асосий таҳлил методларидан бири *дистрибутив* методдир. Мазкур методга аслида Блумфилд асос солган эди. Бироқ унинг асосий тамойиллари З. Харриснинг «Структурал тилшунослик методлари» деб номланувчи асарида мукаммал ёритиб берилди. Мазкур асар 1951, 1961 йилларда икки марта нашр қилинди.

Дистрибуция сўзи инглиз тилида «куршов» деган маънони англатади. Шунинг учун дистрибутив таҳлилнинг асосий мақсади тил бирликларининг, хусусан, фонема ва морфемаларнинг реал қўлланиши қуршовини ўрганишдан иборатdir. Бошқача айтганда, дистрибутив таҳлил методи тил бирликларининг бир-бирлари билан қандай қуршовда муносабатга кириша олиши масаласи тавсифи билан шуғулланади.

Дистрибуциянинг уч асосий тури бўлиб, улар қуйидагича номланади: 1. *Кўшимча* дистрибуция. 2. *Контраст* дистрибуция. 3. Эркин алмашинув дистрибуцияси.

1. Кўшимча дистрибуция деганда, тилнинг икки бирлиги бир хил қуршовда кела олмаслигини тушунамиз. Масалан, *боққан*, эккан сўзларида қўлланаётган -қан, -кан алломорфлари асосий морфема -ган билан қўшимча дистрибуция доирасида боғланиши бунга мисол бўла олади. Бу ўринда -ган, -қан, -кан морфемаларининг бир хил қуршовда (дистрибуцияда) кела олмаслигини кўрамиз. Бундай дистрибутив муносабатни қуйидаги сўзларда ҳам кузатиш мумкин: айти – айтди, кетти – кетди. Лекин *ёзди*, *кўрди*, *олди* сўзларида ди морфемасини алломорф билан алмаштириб бўлмайди.

2. Икки ёки ундан ортиқ тил бирлигининг бир хил қуршовда қўлланиб, турлича маъно ифодасини бериши *контраст* дистрибуция дейилади. Масалан, -га, -да, -дан морфемалари бир хил ўзакка

қўшилишидан қатъи назар, маънолари ва қўлланиш мақсадларига кўра фарқ қилади: *мактабга, мактабда, мактабдан*.

Кўринадики, айни пайтда, морфемалар бирининг ўрнига иккинчиси қўлланганда маъно ўзгариши (яъни сифат ўзгариши) содир бўлади. Дистрибуциянинг мазкур кўриниши фонемалар қўлланишида ҳам кузатилиши мумкин: кон, нон, дон.

Тил бирликларининг маънога таъсир этмай, қўлланиши қуршовига кўра муштарак бўлиши эркин алмашинув дистрибуцияси деб аталади: зичланмоқ – зичлашмоқ: нонпаз – новвой. Дистрибуциянинг мазкур турини синтактик структуралар сатҳида сўзларнинг морфемалар билан алмашинуvida ҳам қайд этиш мумкин: укам учун олдим – укамга олдим.

Дистрибутив таҳлил методи тил бирликларининг синтагматик қаторда қайтарзда ўринлашиши ҳақида мукаммал ва аниқ маълумот бера олади. Бироқ унинг айrim заиф томонлари ҳам мавжуд. Масалан, мазкур метод орқали сўз бирикмалари ёки гапнинг муайян нутқ мухитида қўлланишининг дистрибутив хусусиятларини ёритиб бериш қийин. Шу боис синтактик структуралар материалига bemalol қўллаш мумкин бўлган янги таҳлил методига эҳтиёж туғилди. Мазкур методни америкалик структуралистлар *бевосита иштирокчилар методи* деб номладилар.

Синтактик қурилманинг бевосита иштирокчиларга бўлиниши методи лингвистик адабиётларда қисқа қилиб БИ методи деб юритилади. Мазкур метод дистрибутив таҳлил методининг баъзи заиф томонларпини тўлдириш, хусусан, синтактик структураларнинг формал-структур таҳлили учун жорий этилди. Бу метод ҳақида дастлабки тушунча Л. Блумфилдинг «Тил» асарида келтирилган эди. Бироқ унинг мукаммал тавсифи америкалик тилшунослар Р. Уэллс ҳамда Ю. Найда томонидан берилди. БИ таҳлилини дистрибутив таҳлил методининг бевосита давоми деб аташ мумкин. Чунки дистрибутив таҳлил методи ҳам ўзининг кейинги тараққиёти босқичига келиб, нафақат фонема ва морфемаларнинг, балки сўзларнинг ҳам синтагматик қатор занжиридаги ўрнини ва уларнинг бошқа сўзлар билан муносабатини кўрсатиб бера олган эди. Масалан:

Жуда чиройли = В (равиш) + А (сифат)

Жуда чиройли сарой = ВАН

Бунда асосий унсур *сарой* (N) ҳисобланади. Чунки ундан олдин келаётган равиш ҳам, сифат ҳам шу сўзни изоҳлаш учун қўлланмоқда. Демак, бу ўринда N ҳоким унсур саналади ва шу боис В ва А аниқловчиларини талаб қила олади. Бу эса формулага қуйидаги тартибда ўзгариш киритишни тақозо этади: ВА=N. Ана шу тарзда бири иккинчиси билан узвий боғлиқ бўлган тил бирликлари боғланишидан нисбатан каттароқ синтагматик бутунлик ҳосил бўлади.

БИ таҳлили методи ҳам тил бирликларининг шу тарздаги боғланишига асосланади. Бироқ бунда *иштирокчи* ва *бевосита*

иширокчи тушунчаларини фарқламоқ лозим. Г. Глисон синтактик қурилма таркибида бўлган барча сўзларни иширокчилар деб аташ билан бирга, бевосита иширокчиларни алоҳида изоҳлайди¹. Масалан:

Мактабимиз боғида барча дараҳтлар қийғос гуллади.

Бу жумлада қатнашаётган бешта сўзнинг ҳар бири шу қурилманинг иширокчиларидир. Бироқ *бевосита иширокчиларни* сўзларнинг қайтарзда узвий боғланаётганига қараб белгилай оламиз. БИ таҳлили шартига кўра, берилган жумлани дастлаб *Мактабимиз боғида / барча дараҳтлар қийғос гуллади* тарзида гурухларга ажратамиз. Таҳлилнинг кейинги босқичларида эса берилган материал ҳар сафар иккига бўлинаверади ва таҳлилнинг сўнгидаги бўлинмайдиган бирликлар қолади:

Мактабимиз // боғида / барча дараҳтлар // қийғос гуллади.

Мактабимиз //боғида / барча /// дараҳтлар // қийғос /// гуллади.

Синтактик структурани горизонтал чизиқ бўйлаб БИ ларга бўлиш анализ деб аталади. Агар унинг нималардан ташкил топаётганини аниқламоқчи бўлсак, таҳлилни энг кичик бўлинмас бирликларнинг ўзаро бирикувидан бошламоқ керак бўлади. Бунда энг аввал ўзига хос синтагматик гурухлар шаклланади ва таҳлилнинг охирги босқичида яхлит ҳолдаги қурилма вужудга келади. Бу усул БИ *синтези* деб юритилади. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш керакки, БИ анализида ҳам, синтезида ҳам таҳлилнинг ҳар бир босқичида факат жумлани иккига бўлиш, ёки факат икки унсурни бирлаштириш мумкин. Акс ҳолда БИ таҳлили нуқсонли бўлади.

БИ таҳлили методидан фонология ва морфология доирасида олиб бориладиган тадқиқотларда ҳам фойдаланиш мумкин бўлса-да, бундай имконият қўлланилганини айрим тилшунослардагина кузатамиз. Мазкур метод кейинги пайтларда асосан синтактик структураларга нисбатан қўллана бошлади. Ундан фонология ва морфологияда қарийб фойдаланилмаяпти. Синтактик структураларнинг БИ таҳлили методи воситасида тадқиқ этилиши, анъанавий гап бўлакларини белгилаш методидан фарқли равишда, талай афзалликларга эга. Биринчидан, БИ таҳлили методи соф лингвистик тамойилларга асосланади. Иккинчидан, у мантиқий қоидалар исканжасида эмас. Учинчидан, унинг ёрдамида жумла компонентларининг барчаси бир-бири билан қайдаражада синтагматик боғланишли эканлиги аниқ ва равshan кўрсатиб берилади. Тўртинчидан, жумланинг синтактик шаклланишининг анализини ҳам, синтезини ҳам мукаммал намоён этиш мумкин.

Бироқ юқоридагилар бир қаторда шуни ҳам айтиш лозимки, БИ таҳлили методи ҳам нуқсонлардан холи эмас. Уларни қўйидагиларда кўрамиз:

¹ Қаранг: Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. М., 1959. С. 190-191.

1. БИ таҳлили методи берилган жумлаларни мазмунига кўра фарқлай олмайди.

2. Унинг воситасида актив ва пассив синтактик қурилмалар ўртасидаги боғланишни кўрсатиб бўлмайди¹.

3. Мазкур метод ёрдамида ҳар сафар ягона синтактик қурилмани таҳлил этиш мумкин. Бошқача айтганда, БИ таҳлили методи бир йўла икки ва ундан ортиқ синтактик қурилмалар ўртасидаги боғланишни, айниқса, улар ўртасидаги семантик боғланишни кўрсатиб бера олмайди.

4. БИ таҳлили методи синтактик нуқтаи назардан ички туб структурани белгилаш ва унинг моҳиятини намоён этиш имкониятига эга эмас.

5. БИ таҳлили тил материалининг синтактик сатҳи поғонасида тилнинг элементар бирлигини нима тақозо этади, деган саволга жавоб бера олмайди ва натижада берилаётган синтактик структуранинг шаклланиши тарихини (деривацион тарихи) белгилаб бўлмайди².

БИ таҳлили методининг эслатиб ўтилган нуқсонлари трансформацион методнинг жорий этилишига олиб келди. Мазкур методнинг муаллифлари З.Харрис («Совместная встречаемость и трансформация в языковой структуре», 1957) ва унинг шогирди Н.Хомский («Синтаксические структуры», 1957) ҳисобланади.

Трансформацион метод дистрибутив ҳамда БИ таҳлили методларининг барча ютуқларини ўзида мужассамлаштиради ва шу билан бирга, қўйидаги шартлари мавжудлиги билан муҳим аҳамият касб этади:

1. Муайян таянч структурага асосланиш.

2. Берилган гапнинг маъносини тўлиқ сақлаган ҳолда синтактик шаклини янгилаш.

3. Таҳлил жараёнида жумланинг маъносига таъсир этмайдиган ўғаришлар содир этилиши мумкинлиги.

Трансформациянинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улардан номинализация трансформацияси, актив қурилманинг пассив қурилмага айлантирилиши трансформацияси, алмашинув (субституция) трансформацияси, контаминация ҳамда конверсия, шунингдек, сўроқ ҳамда бўлишсизлик (инкор) трансформациялари кўпроқ қўлланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, муайян қоидаларни энг содда синтактик структураларга тадбиқ этиш орқали саноқсиз трансформаларни ҳосил қилиш мумкин. Бу жараёнда таҳлил учун олинган гап таркибида икки ва ундан ортиқ символларни алмаштириш, сўзларнинг ўринларини ўзгартириш мумкин. Аммо мазкур операциялар жумланинг маъносига жиддий таъсир этмаслиги керак. Трансформациянинг баъзи турларида эса маъно муштараклиги қисман ўзгариши ҳам кузатилади. Буни актив ва

¹ Қаранг: Березин Ф.М. Кўрсатилган асар. 260-бет.

² Қаранг: Апресян Ю.Д. Кўрсатилган асар. 180-бет.

пассив, тасдиқ ва инкор трансформацияларида кўрамиз. Албатта, бу ўринда тасдиқ ва инкор, актив ва пассивлик маънолари доирасидаги фарқ назарда тутилади.

Трансформацион таҳлил қўйидаги қоидаларга асосланади: 1. БИ қоидалари. 2. Трансформациянинг том маънода ўзига хос бўлган қоидалар. 3. Морфологик қоидалар. 4. Маъно салмоғи билан боғлиқ қоидалар (семантик – компонент). Буларнинг ҳар бири маълум даражада тартибга солинган қоидалар мажмуасини тақозо этади¹.

Трансформациянинг ҳар қандай турида ҳам таҳлил қилиш учун берилган гап базал (асос, таянч) структура, ҳосила эса *трансформа* деб аталади. Трансформациянинг муҳим аҳамияти шундаки, унинг воситасида тил бирликларининг нутққа кўчирилиши билан узвий боғлиқ бўлган қатор масалаларга аниқлик киритиш мумкин (бу ҳақда ишимизнинг учинчи бобида батафсил маълумот берилмоқда).

Шундай қилиб, ҳозирги структур тилшуносликнинг илдизини ташкил этувчи, Копенгаген, Прага ва Америка тилшунослик мактаблари ва уларда жорий этилган тил материалининг структур таҳлил методлари билан қисқача танишиб ўтдик. Аммо айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, структур тилшуносликнинг шаклланиши ва тараққиёти бу мактабларга том маънода аъзо бўлмаган айрим тилшуносларнинг тадқиқот ишлари билан ҳам узвий алоқадордир. Бундай олимлар жумласига А. Мартине, Л. Теньер, Е. Куриловични киритиш мумкин. Қуйида уларнинг лингвистик концепцияларининг мазмунини шарҳига тўхталамиз.

Андре Мартине француз тилшунослик мактабининг йирик намояндаларидан биридир. У ўзининг функционал таҳлил назарияси билан жаҳон тилшунослигига катта обрў қозонди. Мазкур назария асосида *монема* номи билан аталувчи нутқнинг энг кичик бирлиги ётади. Бу ҳақда олим қўйидагиларни таъкидлаган эди: «Un monème est le plus petit segment du discours auquel on peut attribuer un sens» («Муайян бир маънони англатувчи нутқнинг энг кичик сегментини монема деб атаймиз»)².

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Мартиненинг функционал таҳлил назарияси структур тилшуносликнинг ўзига хос йўналишини тақозо этади. Мазкур назарияда анъанавий тилшуносликнинг тил материалини таҳлил қилиш тамойиллари умуман тилга олинмайди. Бунда нутқ (дискурс) материалининг илмий таҳлили монемаларга асосланади. Монемаларни Мартине уч турга бўлади: 1. *Автоном монема*. 2. *Функционал монема*. 3. *Қарам монема*.

¹ Қаранг: Апресян Ю.Д. Кўрсатилган асар. 214-бет.

² Martinet A. La linguistique synchronique (Etudes et recherches). –Р., 1968 –Р.5.

Монемаларнинг турларга бўлиниши уларнинг нутқ доирасида бажарадиган функциялари билан боғлиқ. Зотан, баъзи монемалар нутқда ўзларини функция билан таъминлашидан ташқари, ўзга монемаларга ҳам функционал фаоллик бера олса, айрим монемалар фақат ўзларинигина функция билан таъминлайди ва ўзлари ўзларига синтактик фаоллик беради, бошқа бир монемалар эса функционал фаоллик олиш учун иккинчи монемага қарам бўлади.

Монема вазифасида оддий аффикс ҳам, мустақил ва ёрдамчи сўзлар ҳам кела олиши мумкин. Бунда уларнинг нутқий фаоллиги муҳим аҳамият касб этади.

Автоном монема нутқда ўзини ўзи функционал фаоллик билан таъминлайди. Аммо бундай монемалар нутқда қўлланаётган бошқа монемаларга синтактик жиҳатдан алоқадор бўлмайди: *Тўғри, ҳаммамиз меҳрга муҳтожмиз*.

Мазкур жумлада *тўғри* сўзи автоном монема вазифасида келмоқда. Кўйидаги гапда эса бу мақомда мустақил сўз қўлланганини кўрамиз: *Кеча барчамиш шанбалик қилдик*.

Функционал монема гапнинг синтактик структураси шаклланишида муҳим вазифа бажаради. Монеманинг мазкур тури нафақат ўзига ўзи, балки бошқа монемаларга ҳам функционал фаоллик беради: *Биз қишилоқда яшаймиз*.

Мазкур гапда *биз* ва *яшаймиз* сўзларининг бири субъект, иккинчиси эса предикат тарзида бир-бирига функция бермоқда. Бундан ташқари, -да аффикси ҳам функционал монема вазифасини бажармоқда, зотан, унинг иштирокисиз қишилоқ сўзи нутқий фаоллик ололмайди. Демак, қишилоқ сўзи айни пайтда қарам монемадир.

Шундай қилиб, Мартине томонидан илмий асосланган функционал таҳлил назарияси тил бирликларининг нутқка кўчирилиши ва уларнинг нутқда бажарадиган синтактик функцияларини соф лингвистик тамойиллар асосида ўрганишимиз учун кенг имконият яратишини кўрамиз. Энг муҳими, мазкур назария воситасида жумланинг синтактик структураси занжири қайтарзда шаклланаётганини, жумла таркибидаги ҳар бир тил унсурининг функционал қимматини аниқ ва равшан тасаввур эта оламиз.

Структур тилшунослик ҳақида мулоҳаза юритилганда француз тилшуноси Люсьен Теньернинг бу соҳадаги тадқиқот ишларини четлаб ўтиб бўлмайди. У ўзининг «Структур синтаксис асослари» («Éléments de syntaxe struturelle») асари билан жаҳон тилшунослигида танилди¹. Мазкур асар олимнинг вафотидан кейин 1959 йилда нашр этилди. Асарни Теньернинг қўлёзмаси асосида унинг сафдошлари Фурке ҳамда Дома нашрга тайёрладилар. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, улар асарни чоп

¹ Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. М., 1988.

етиш масаласида жуда кўп андиша қиласидар. Чунки мазкур асар структур тилшунослик масалалари талқинига бағишиланган бўлишига қарамай, у одатдаги, масалан, Н. Хомскийнинг ёки бошқа олимларнинг структур тилшунослик доирасида ёзилган ишларига мутлақо ўхшамайди. Бу хақда Р. Якобсон қўйидагиларни алоҳида таъкидлаган эди: «Қизик, бир пайтлар Теньернинг қўллёзмасини чоп эттириш ҳам мумкин бўлмаган эди. Мендан уни нашр этишга арзигулик ишми, деб сўрашган ҳам эди. Ҳозир эса ишнинг бебаҳолиги исбот талаб қилмайди»¹.

Теньернинг лингвистик ғоялари дастлаб 1934 йилда нашр этилган «Рус тилининг кичик грамматикаси» («Petite grammaire russe») деб аталувчи дарслик қўлланмасида ўз ифодасини топади. Мазкур дарсликда гапнинг синтактик таҳлилида ноанъанавий усул қўлланади. Унга кўра, олим гапни театр сахнасига ўхшатади ва сахнада актёрлар қандай вазифа бажаришса, гапда унинг иштирокчилари ҳам шу сингари ҳаракатда бўлишини таъкидлайди. Гапда бажарилётган ҳаракат иштирокчилари актантлар деб номланади².

Теньернинг мазкур асарида қисқача берилган ғоялари «Структур синтаксис асослари» асарида кенгайтирилган ҳолда тавсифланади. Мазкур асар *синтактик муносабатлар, юнкция* (жумла таркибида келувчи уюшиқ бўлакларнинг бирикиб, гапнинг синтактик шаклини кенгайтириши ҳодисаси) ва *трансляция* (гапнинг баъзи иштирокчи элементларининг вазифаларига кўра ўзгариши) деб аталувчи уч қисмдан иборат бўлиб, уларда структур синтаксиснинг ўзига хос масалалари талқин этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу қисмларнинг ҳар бирида фактик тил материалининг талқини вербоцентрик (марказида феъл турувчи) назария тамойиллари доирасида бажарилади. Бошқача айтганда, Теньер синтактик структурада, шу жумладан, гап таркибида қатнашаётган турли туркумлардаги сўзлар ичida феълнинг муҳим аҳамият касб этишини, бошқа туркумлардаги сўзлар у орқали бошқарилишини алоҳида таъкидлайди.

Шундай қилиб, Теньернинг структур таҳлил методи ўзига хослиги билан ажralиб туришини кўрамиз. Унинг вербоцентрик назарияси, айниқса актантлар ва уларнинг синтактик функциялари ҳақидаги мулоҳазалари ҳозирги тилшунослигимизда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Поляк олими Ежи Куриловичнинг илмий ишларида ҳам структур тилшуносликнинг маълум бир йўналиши шаклланганини кузатамиз. Курилович биринчи бўлиб синтактик деривация назариясини ўтган

¹ Р.Якобсоннинг мулоҳазалари Л. Теньернинг «Основы структурного синтаксиса» асарининг сўз бошидан олинмоқда.

² Қаранг: Гак В.Г. Теньер и его структурный синтаксис // Вступительная статья: Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. М., 1988. С. 8

асрнинг 30-йилларида илмий асослаб берган эди. Лекин шундай бўлса ҳам, мазкур назария 60-йилларга келиб том маънода истеъмолга киритила бошлади. Куриловичнинг бу соҳадаги лингвистик ғоясини биз 1960 йилда унинг рус тилига таржима қилинган «Derivation lexique et derivation syntaxique» («Лексик деривация ва синтактик деривация») деб номланувчи салмоқли мақоласи орқали биламиз¹.

Курилович *деривация* терминини «шаклланиш», «тармоқланиш» деган маъноларда тушунган ҳолда, синтактик деривацияни бирор асос структура замирида иккинчи бир синтактик структуранинг вужудга келиши маъносида талқин этади. Бироқ у синтактик деривация тушунчасини жуда тор маънода тушунади. Фактик тил материалининг таҳлили эса асос гапдаги маънонинг кенгайиши ёхуд торайиб кетиши ҳам синтактик деривация ҳодисаси билан боғлиқ эканини кўрсатади. Гапнинг синтактик шаклланиши билан узвий алоқадор бўлган бу хилдаги деривацион операциялар, албатта, тилшунослик фани тараққиётининг кейинги даврларида тадқиқотлар кун тартибидан ўрин олди. Курилович эса лексик деривацияни ҳам, синтактик деривацияни ҳам сўз доирасида талқин қиласди. Масалан, *камень* (тош) – *каменьщик* (тош терувчи); *камень* – *каменный* (тошли)².

Келтирилган мисолларнинг биринчиси лексик деривацияга, иккинчиси эса синтактик деривацияга намуна бўла олади. Чунки биринчи мисолда асос сўзнинг замирида янги сўз ҳосил бўлмоқда. Иккинчи мисолда эса берилган сўзнинг синтактик вазифаси ўзгармоқда. Бироқ ҳозирги тилшуносликда синтактик деривация тушунчasi сўз бирикмаларидан бошлаб матнгача бўлган лингвистик худудда қўлланмоқда. Лекин деривация тушунчasi сўзга ёки синтактик структураларнинг қайси бирига қўлланишидан қатъи назар, таҳлил жараёнида бир хил терминлардан фойдаланилади. Улар қуйидагилардир: *операнд*, *оператор*, *дериват*. Масалан:

1. Олмазор. Бунда лексик деривация воқеланмоқда: олма – операнд; зор – оператор; олмазор – дериват.

2. Аҳмад мих қоқди – Мих Аҳмад томонидан қоқилди. Бу ўринда синтактик деривация воқеланмоқда: мих, Аҳмад, томони, қоқилди – операндлар; -дан – оператор; Мих Аҳмад томонидан қоқилди – дериват.

Шуни ҳам айтиш керакки, Куриловичнинг синтактик деривация назарияси сўнгги йиллар мобайнида тилшунослар томонидан ижодий ривожлантирилди. Хусусан, рус тилшунослигига бу соҳада салмоқли ишлар қилинди. Бунга Л.Н. Мурzin, В.С. Храковский, Е.С. Кубрякова,

¹ Қаранг: Курилович Е. Деривация лексическая и деривация синтаксическая // Очерки по лингвистике. М., 1962.

² Қаранг: Курилович Е. Лингвистика и теория языка // Очерки по лингвистике. М., 1962. С. 10.

И.П. Распопов, С.Н. Сичева, ўзбек тилшунослигига эса Н. Турниёзов ва бошқаларнинг ишлари мисол бўла олади¹.

Л.Н. Мурзин тадқиқотларида синтактик деривация деганда, бирор таянч гап асосида иккинчи гапнинг шаклланиши тушунилади². Бунда, албатта, трансформация устувор аҳамият касб этади, зотан, унинг натижаси деривацияга олиб келади.

В.С. Храковский тадқиқотларида эса деривация трансформациядан фарқланади. Унинг фикрига кўра, дериват ўзининг грамматик қурилиши жиҳатидан ҳам, синтактик шакли ва мазмуний салмоғига кўра ҳам трансформациядан фарқланмоғи керак³.

Кўринадики, синтактик деривация ҳодисаси Л. Мурзин ва Б. Храковскийда турлича тавсифланади. Бизнингча, трансформация ва деривация тушунчалари узвий боғлиқ бўлиб, аксарият ҳоларда уларнинг бирини иккинчисисиз тасаввур этиш қийин⁴. Чунки трансформация натижаси деривацияга олиб келиши муқаррардир. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, трансформация синтактик деривация ҳодисасини воқелантирувчи ягона усул эмас, зотан, сўз бирикмаси ҳамда гап шаклининг деривацион тараққиёти аппликатив усул билан ҳам узвий боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, трансформация ва аппликатив усуллар синтактик деривация ҳодисасининг иш механизмларини ташкил этишини кўрсатади.

Шундай қилиб, структур тилшуносликнинг шаклланиши ва унда қўлланиб келинаётган асосий методлар билан қисқача танишиб ўтдик. Мазкур методларнинг конкрет тил материалига татбиқ этилиши хақида ишимизнинг кейинги бобларида мукаммал маълумот берилади.

¹ Қаранг: Мурзин Л.Н. Основы дериватологии. Пермь, 1984; Храковский В.С. Трансформация и деривация // Проблемы структурной лингвистики – 1972. М., 1973; Кубрякова Е.С., Панкрац Ю.Г. Деривация // Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990; Распопов И.П., Сычева С.Н. Синтаксическая деривация и синтаксическая синонимия // Филол. науки, 1974, №2; Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке // Автореф. докт. дис. М., 1985.

² Қаранг: Мурзин Л.Н. Синтаксическая деривация (на материале производных предложений русского языка) //Автореф. докт. дис. Л., 1976.

³ Қаранг: Храковский В.С. Кўрсатилган асар. 922-бет.

⁴ Қаранг: Турниёзов Н.К. О трансформационном и деривационном процессах // Советская тюркология, 1989, №2. С. 81-84.

ИККИНЧИ БОБ

Синтактик муносабат ва синтактик структуralар

Тилнинг кишилар ўртасидаги алоқа қуроли эканлиги барчага маълум. Бироқ у ўз мураккаб системаси ва структурасига эга бўлган қуролдир. Муайян тилда сўзлашувчиларнинг асосий вазифаси ана шу қуролни амалда қўллай билишдан иборат. Албатта, сўзлашув жараёнида биз тил белгиларидан фойдаланамиз. Белгилар эса ҳар бир тилнинг системасида унинг воқелигини таъминловчи асосий воситадир.

Тилнинг система эканлиги ва унинг белгилар мажмуасини тақозо этиши ҳақида илмий асосли маълумот Ф. де Соссюр томонидан берилган бўлиб, бунда ҳар бир белги икки жиҳатга: ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатларига эга бўлиши лозимлиги алоҳида уқтирилади. Ана шу боис тил белгилари жумласига морфема ва сўз киритилади. Бунда товушлар мажмуаси белгининг ифодаловчи, маъно салмоғи эса ифодаланувчи жиҳатларини ташкил этади.

Соссюрнинг лингвистик таълимотида фонема тил белгиси жумласига киритилмайди. Зотан, у мустақил ҳолда на грамматик ва на лексик маъно ифодалайди¹. Бироқ ҳозирги тилшуносликда бальзи олимлар фонемани ҳам тил белгиси сифатида талқин этмоқдалар ва бу ўринда унинг маъно фарқловчи хусусияти эътиборга олинмоқда². Бизнингча, фонемани тил белгиси тарзида изоҳлаш илмий асосга эга эмас. Агар унинг маъно фарқловчи хусусиятини назарда тутсак, мазкур хусусият мустақил ҳолда эмас, балки муайян белги сатҳида амалга ошади. Фонема мустақил ҳолда фақат тил белгилариға хос бўлган ифодаловчи жиҳатнигина ўзида акс эттира олади, унда ифодаланувчи тушунчаси кузатилмайди. Бундан ташқари, айрим тилшунослар белги тушунчасини кенг қамровда олмоқдалар. Унга кўра, гапни (жумлани) ҳам тил белгиси сирасига киритиш лозим³. Назаримизда, бундай мулоҳазага қўшилиб бўлмайди. Чунки гап нутқ бирлигидир ва шу боис у ҳар доим актуал тарзда намоён бўлади. Тил белгиси эса система доирасида мудом виртуал ҳолатдадир. Тил системаси бирликлари орасида гапнинг ўрни йўқ. Тилда фонема, морфема ва сўздан бошқа бирлик кузатилмайди. Тўғри, турғун бирикмалар, ҳатто гап қолипидаги фраземалар ҳам тилимизда тайёр ҳолда

¹ Қаранг: Соссюр Ф. де. Труды по языкоznанию. М., 1977. С. 99-100.

² Қаранг: Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкоznание. М., 1979. С.149.

³ Қаранг: Гак В.Г. Высказывание и ситуация // Проблемы структурной лингвистики – 1972. М., 1973. С. 353-354.

мавжуддир. Лекин уларнинг қурилиш материали сўздир. Баъзи тадқиқот ишларида эса матнни ҳам мураккаб тил белгиси деб тавсифламоқдалар¹.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тил белгилари ўз лингвистик табиатига кўра бир хил эмас. Шу боис уларнинг бири тил системаси морфематик сатхининг, иккинчиси эса сўз сатхининг бирликлари саналади. Фонема ҳам, гарчи белги мақомига эга бўлмаса-да тилнинг мустақил (фонематик) сатхининг бирлиги ҳисобланади. Равшанки, мазкур сатҳлар ва уларнинг бирликлари бир-бирлари билан узвий боғлиқдир. Уларнинг автономлик хусусиятлари нисбийдир. Бу эса тилимиз системасида сатҳлараро муносабат ҳам мавжудлигидан далолат беради. Мазкур муносабат тилимиз системасини янада мураккаблаштиради ва, ўз навбатида, тадқиқотларимиз кун тартибига структура тушунчасининг қўйилишига олиб келади.

Структур тилшунослик, асосан, Соссюр ғояларига таянса ҳам, Соссюрнинг ўзи илмий мулоҳазаларининг бирор баёнида *структурата* терминини қўлламаган эди. Тил материалининг тадқиқида у факат *система* тушунчасидан фойдаланган². Л. Ельмслев эса бу ҳақда қўйидагиларни таъкидлайди: «Бир томондан, Соссюрнинг тил (*langue*) ва унинг нутқ (*parole*) билан қарама-қаршилигига берган тавсифи, иккинчи томондан эса, нутқий фаолият (*langage*) талқини замирида структура тушунчаси яширин мавжуд эди»³.

Ишимизнинг биринчи бобида эслатиб ўтилганидек, структура тушунчаси дастлаб Прага, кейинчалик эса Копенгаген тилшунослик мактабларида бажарилган тадқиқот ишларида илмий истеъмолга киритилди. Ҳозирги пайтда эса мазкур термин жаҳон тилшунослигига кенг қўлланилмоқда. Бироқ, бу ўринда ҳам тилшунослар фикрлари тафовутлардан холи эмас. Прагаликлар структура деганда, тилнинг ички боғланишда бўлган унсурларини тушунсалар, копенгагенликлар масала тавсифини бирмунча абстрактлаштирадилар: «Структура – бу ички боғланишли бўлган автоном ҳолатдаги воқеликдир. «Структура» термини тил элементларининг шунчаки йиғиндисини эмас, балки ҳар бири иккинчиси билан узвий боғлиқ бўлган ва шу асосдагина яшовчанлик касб этувчи мажмуасини тақозо этади»⁴.

В.М. Солнцев, система ва структура тушунчалари ҳақида тубандаги мулоҳазаларни билдиради: «Системани биз ўзаро боғланган элементлар яхлитилиги тарзида тушунар эканмиз, структурани ички муносабатлар

¹ Қаранг: Залевская А.А. Некоторые проблемы теории понимания текста // Вопросы языкоznания, 2002, №3. С. 64.

² Қаранг: Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1974. С. 61.

³ Қаранг: Ельмслев Л. Можно ли считать, значения слов образуют структуру? // Новое в лингвистике, вып. 2. М., 1962. С. 117.

⁴ Қаранг: Ельмслев Л. Кўрсатилган асар. 122-бет.

мажмуаси сифатида билмоғимиз керак»¹. А.С. Мельничук система деганда ўзаро муносабатда ва бири иккинчиси билан боғлиқ бўлган элементлар яхлитилигини, структура деганда эса мазкур яхлитликнинг таркиби ва ички жиҳатдан шаклланишини тушунади². С.В. Андреева структура муайян формаларнинг парадигматик системаси ҳамда уларнинг воқеланиши синтагматик вариантлари эканлигини қайд этади³.

Кўринадики, тил системаси хусусида олимлар фикрлари қарийб бир хил бўлса ҳам, структура тушунчаси бобида қисман номуштараклик кузатилади. Айрим ишларда система ва структура тушунчаларининг тавсифи жиддий фарқланмайди. Бизнингча, А.А. Реформатскийнинг система ва структура тушунчалари ҳақида билдирган қўйидаги мулоҳазаси ҳақиқатга яқинdir: «Синхрония ва диахрония муносабатларини яхшироқ тушунмок учун ва айниқса синхрония нимани тақозо этишини билмоқ учун «система» ва «структур» терминларининг асл моҳиятини ёритиб бериш лозим бўлади (бу масалалар бобида ҳам билдирилган фикрлар бир хил эмас). Мазкур икки терминни кўп пайтларда синонимик ифодалар тарзида тушунишади, айрим тилшунослар эса улардан факат бирини ишлатишни кифоя деб биладилар. Мен ўз маърузаларимда ва нашр этилган ишларимда бу икки терминни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлиги ва уларнинг маъноларини чегараламоқ лозимлигини бир неча бор таклиф қилганман. Мен учун система – бу горизонтал қаторда воқеланувчи, структура эса вертикал қаторда шаклланувчи муносабат ва ўзаро боғлиқлиkdir. Система – бу тилнинг муайян сатҳлари доирасида фонетик, морфологик, лексик ва синтактик системаларни бирлаширувчи бир хил элементларнинг мажмуасини, структура эса турли сатҳларнинг (ярусларнинг) вертикал қатордаги боғланишини тақозо этувчи тушунчалардир»⁴.

А.А. Реформатскийнинг система горизонтал қаторда воқеланувчи муносабат маҳсули эканлиги ва структура тушунчаси вертикал қатор, яъни парадигматик қатор билан узвий боғлиқлиги ҳақидаги фикри билан тўлиқ қўшилиш мумкин. Лекин структура ҳодисаси сатҳлараро вертикал боғланишни тақозо этиши хусусидаги мулоҳазаси, бизнингча, изоҳталабдир. Чунки система унсурларининг парадигматик боғланиши ҳар доим ҳам сатҳлараро аҳамият касб этавермайди. Бундай боғланиш муайян бир сатҳга тегишли унсурлар ўртасида ҳам шаклланиши мумкин.

¹ Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М., 1971. С. 26.

² Қаранг: Мельничук А.С. Понятия системы и структуры языка в свете диалектического материализма // Вопросы языкоznания, 1970, № 1. С. 92.

³ Қаранг: Андреева С.В. Типология конструктивно-синтаксических единиц в русской речи // Вопросы языкоznания, 2004, №5. С. 33.

⁴ Реформатский А.А. Принципы синхронного описания языка // Лингвистика и поэтика. М., 1987. С. 27.

Фикримиз далили учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик: *Собирнинг акаси*.

Келтирилган сўз бирикмаси (айни пайтда мазкур бирикма синтагма мақомига ҳам мос келади) компонентлари микросистемалар тарзида боғланиб, бирикманинг структурасини қуйидагича ташкил этмоқда:

1. *Собир* микросистемаси таркибида фонемалар билан сўз ўртасидаги иерархик муносабат мавжуд ва шу боис унинг (мазкур сўзнинг) структураси фонематик ҳамда сўз сатҳлари ўртасидаги вертикал режа асосидаги муносабат орқали шаклланмоқда. Бу ўринда сруктура тушунчаси сатҳлараро парадигматик муносабатни тақозо этмоқда.

2. –нинг морфемасининг микросистемасида фонемалар билан морфема ўртасида иерархик муносабат мавжудлиги сабабли унинг (морфеманинг) структураси фонематик ва морфематик сатҳларнинг вертикал қатордаги муносабати орқали шаклланмоқда.

3. *Акаси* сўзида ҳам юқоридаги каби систем-структур ҳолатни кўрамиз.

4. *Собирнинг акаси* сўз бирикмаси системасида сўз ва морфемалар ўртасидаги иерархик муносабат мавжудлигига қарамай, бирикма структураси бир сатҳга тегишли бўлган икки сўзнинг ўзаро муносабатга киришуви воситасида шаклланмоқда.

Кўринадики, келтирилган сўз бирикмаси компонентлари доирасида структура сатҳлараро мақомда шаклланаётган бўлса ҳам, бирикманинг умумий структураси ягона сўз сатҳи бирликлари муносабатида воқеланмоқда.

Бирикма компонентларини ташкил этувчи сўзларнинг сўз бирикмаси билан иерархик муносабатида эса, уларнинг ҳар бири ўзича поғонали боғланишга киради.

Компонентлари сўз сатҳи бирликлари ҳисобланган гапнинг ҳам структураси сўз бирикмаси структураси билан муштарак тарзда шаклланади. Бироқ компонентлари турли хил сатҳлар муносабатини тақозо этувчи мураккаб синтактик курилмалар структуралари сатҳлараро боғланиш маҳсулни саналади. Бундай вазиятда, албатта, А.А. Реформатскийнинг юқорида эслатиб ўтилган структура хақидаги фикри аҳамият касб этади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, қуйида тавсифи берилаётган сўз бирикмаси, шу жумладан турғун бирикма, фразема ва парафразалар синтактик структураларининг барчаси юқорида кўриб ўтилган тамойилларга бўйсунади. Бироқ тил материалининг таҳлили жараёнида биз оддий система ва структура терминларидан фойдаланамиз. Чунки берилаётган тил материалларининг ҳар сафар системаси ва структураларини изоҳлашга, бизнингча, эҳтиёж йўқ.

Тилшунослик фани тараққиётининг қарийб ҳозирги давригача синтаксиснинг текширув обьекти сўз бирикмалари (эркин сўз бирикмалари) ва гап ҳисобланиб келинди ва синтактик муаммолар таҳлили ҳам, асосан, ана шу йўналишда олиб борилди. Бу эса, ўз навбатида, синтаксиснинг асосий бирликлари сўз бирикмаси ва гап, деган хулосага келишга ундейди. Бироқ фактик тил маериалининг таҳлили бундай хулоса изоҳталаб эканлигини қўрсатмоқда. Биринчидан, бу икки обьект сатҳида сўзларнинг ўзаро синтактик муносабатлари бир-биридан фарқланади. Сўз бирикмаси сатҳида сўзлар мослашув, бошқарув ва битишув алоқалари замирида муносабатга киришса, гап сатҳида қўлланилган сўзларнинг муносабатлари ҳақида сўз юритилганда мазкур алоқа усулларидан фойдаланиб бўлмайди. Бошқача айтганда, гап бўлаклари вазифасида келаётган сўзларнинг синтактик муносабатларини тадқиқ этиш учун мослашув, бошқарув ва битишув усуллари заифлик қиласди. Иккинчидан, сўз бирикмаси ва гапнинг ўзаро қиёсланиши учун асос йўқ. Чунки, гап синтаксиснинг икки асосий бирлигидан (сўз ва гап) биридир, сўз бирикмаси эса ҳар доим ҳосила структурани тақозо этади, бу албатта, синтаксиснинг асосий (базал) бирликлари сўз бирикмаси ва гап эмас, балки сўз ва гап эканлигини қўрсатади¹. Фикр далилини сўз бирикмаси сўзларнинг синтезидан шаклланишида, гап эса бир сўз билан ҳам ифодаланиши мумкинлигига кўришимиз мумкин.

Дарҳақиқат, сўз бирикмаси масаласини ўрганишга қанча кўп тадқиқотлар бағишлиланган бўлса ҳам, мазкур масала ҳамон изоҳталаб бўлиб қолмоқда. Ҳатто сўз бирикмаси таърифи ҳам бугунги кунгача узилкесил ҳал этилгани йўқ. Тўғри, собиқ Иттифоқ даврида рус тилшунослигига ва шу асосда туркий тилшуносликда ҳам сўз бирикмаси муаммоси акад. В.В. Виноградов таълимоти замирида тўлиқ ҳал этилгандай бўлди. Аммо Виноградов таълимотида сўз бирикмалари масаласи боши берк кўчага киритилиб қўйилган эди.

Виноградов таълимотида сўз бирикмаси камида икки мустақил сўзнинг тобелик асосидаги муносабатидан ташкил топиши таъкидланади ва мазкур ғоя рус тилшунослигига ва шу асосда ўзбек тилшунослигига ҳам дастурил- амал бўлиб қолди².

Лекин масаланинг бу тахлит қўйилиши кўпгина чигалликлар келиб чиқишига сабаб бўлди. Унга кўра, сўзларнинг tenglik асосида боғланиши, сўз бирикмаларининг (хусусан, феълли бирикмаларнинг) предикативлик белгиси каби қатор масалаларни тадқиқотлар кун тартибига қўйиб бўлмасди. Бошқа тилшуносликларда, шу жумладан, Оврупо мамлакатлари

¹ Қаранг: Кузнецов С.Н. Теоретическая грамматика датского языка. Синтаксис. М., 1984. С. 39.

² Қаранг: Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. М., 1975. С. 231.

тилшуносликларида эса сўз бирикмасига тааллукли бўлган бу масалалар мукаммал ўрганилиб келинмоқда. Масалан, таникли тилшунос П. Дидериксен сўз бирикмалари сатҳида сўзларнинг боғланиши қуйидаги уч хил усулда бўлишини таъкидлайди: «Паратаксис (тeng боғланиш), гипотаксис (тобе боғланиш) ва нексус (предикатив боғланиш)¹. Бундай мулоҳазани Л. Бархударов тадқиқотларида ҳам кўришимиз мумкин².

Юқоридагилардан ташқари, В.В. Виноградов таълимотида сўз бирикмалари гапнинг қурилиш материали тарзида изоҳланади³. Бизнингча, мазкур мулоҳазага ҳам кўшилиш қийин. Чунки сўз бирикмаси ҳам, гап ҳам қатъий равишда нутқда шаклланади. Шундай бўлгач, ҳали ўзи ҳам ёрдамга муҳтоҷ бўлган сўз бирикмасини гапнинг қурилиш материали деб бўлмайди. Гапнинг қурилиш материали сўздир.

Бизнингча, сўз бирикмалари ва уларнинг лингвистик табиати билан боғлиқ бошқа изоҳталаб масалаллар ҳам мавжуд. Фикримиз далилини «сўз бирикмаларининг моделини ўрганиш лозимми ёки уларнинг нутқдаги реал ҳолатиними?» деган саволнинг долзарб ва жиддийлигида кўришимиз мумкин⁴. *Вазифани бажармоқ* бирикмасига эътибор қаратайлик. Айни пайтда бирикманинг нутқдаги ҳолатини эмас, балки моделини кўриб турибмиз. Чунки у, нутқда *вазифани бажарди*, *вазифани бажармоқчи* каби бирор замон шаклида туғилади: *Собир вазифани бажарди*.

Албатта, гапнинг синтактик таҳлилида биз сўз бирикмаси ҳақида эмас, балки гап бўлаклари хусусида мулоҳаза юритамиз. Бу эса сўз бирикмаси талқини учун нутқда жиддий зарурат йўқлигини кўрсатади. Шундай бўлгач, сўз бирикмаларининг, агар лозим бўлса, нутқдан ташқари ҳолатини (уларнинг моделини) ўрганишга тўғри келади.

Н.Д. Арутюнованинг сўз бирикмаси хусусида билдирган қуйидаги мулоҳазалари ибратлидир: «Равшанки, сўз бирикмасининг тавсифи, унинг гап структурасидаги мақоми масаласи ҳамон ноаниқлигича қолмоқда. Гапни сўз бирикмаларига бўлганимизда албатта қандайдир қолдиқ қолади. Бундан ташқари, ўзаро кесишадиган бўлаклар ҳам мавжудлиги кўзга ташланади. Бу эса тил бирликларини моделлаштириш тамойилларига зиддир, зотан, матнни қисмларга ажратганимизда ҳар сафар ўзаро кесишмайдиган элементлар ҳосил қилиниши лозим»⁵.

¹ Бу ҳақда қаранг: Кузнецов С.Н. Кўрсатилган асар. 44-бет.

² Қаранг: Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. М., 1966. С. 44-136.

³ Қаранг: Виноградов В.В. Кўрсатилган асар. 231-бет.

⁴ Қаранг: Четин М. Ҳозирги ўзбек ва турк тилларида сўз бирикмалари синтактик деривацияси // Номзодлик дис. автореф. Тошкент. 2002, 11-бет.

⁵ Арутюнова Н.Д. О значимых единицах языка // Исследования по общей теории языка. М., 1968. С. 108-109.

Н.Д. Арутюнова сўз бирикмаси синтактик сатҳ бирлиги эканлиги масаласига ҳам салбий муносабат билдиради. Бунинг асосий сабаби сўз бирикмаларида синтактик бирликларга хос бўлган ўз қолипидаги бошқа бирликлар билан муносабатга кириша олиш хусусияти аксарият ҳолларда кузатилмаслигидадир¹.

Демак, синтаксиснинг текширув обьекти бўлиб келаётган бирликлар масаласи ҳам изоҳталабдир.

Синтаксиснинг текширув обьекти ҳақида сўз юритилганда Бодуэн де Куртененинг қуйидаги фикрини эслаш фойдадан холи эмас: «Синтаксис иккинчи даражали (иккинчи босқичдаги – Н.Т.) морфология, яъни гап морфологиясидир: морфологияда том маънода морфемаларнинг сўз сатҳидаги муносабатларини, синтаксисда эса сўзларнинг мураккаб ифодаларда ва грамматик гаплар таркибидаги ўзаро боғланишини ўрганамиз»².

Сўзларнинг мураккаб ифодаларда ҳам, грамматик гаплар таркибида ҳам ўзаро муносабатга киришуви юқорида эслатиб ўтилган паратактик, гипотактик ва нексус усусларида воқеланади. Агар сўз бирикмаси хусусида мулоҳаза юритмоқчи бўлсак, биз ана шу боғланишларда келаётган бирикмаларни гапнинг ёки мураккаб ифодаларнинг таркибидан ажратиб текширмоғимиз ёки берилган материал таҳлилини (масалан, гапни) факат сўз бирикмаларини ўрганишга бағишламоғимиз лозим бўлади. Гапнинг синтактик таҳлили эса гап бўлакларини, унинг бевосита иштирокчиларини, трансформацион ёки деривацион хусусиятларини ўрганишни назарда тутади.

Сўз бирикмалари синтактик структурасининг ўзига хос жиҳатларидан бирини улар сатҳида иерархик муносабат шаклланишида кўрамиз. Бошқача айтганда, мазкур синтактик структураларда уларнинг қурилиш материалини тақозо этувчи сўзлар билан бирикма ўртасида сатҳлараро поғонали муносабат вужудга келади. Айни пайтда сўз сатҳлараро поғонали муносабат тўғрисида юритилар экан, сўз сатҳида «сўз+морфема» моделидаги ва сўзнинг қурилиш материали саналувчи морфемалар билан фонемалар ўртасидаги аналогик муносабатлар бирикманинг ички структурасига тааллуқли бўлгани учун устувор аҳамият касб этмайди. Аммо буни нисбий тушунмоқ лозим. Агар масала тавсифига чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, тил бирликларининг ҳам, нутқ бирликларининг ҳам товушлар комплексидан ташкил топишини кузатамиз. Тилнинг ҳам, нутқнинг ҳам ҳар бир бирлиги товушлар ва уларнинг доимий равишдаги ўзгаришлари курсовида яшайди. Бу жуда муҳимдир. Шу боис Л. Блумфилд бу таҳлит товуш ўзгаришлари

¹ Қаранг: Ўша асар. 109-бет.

² Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию, ч. 2. М., 1963. С. 171.

лингвистиканинг фан сифатидаги тараққиёти асосини ташкил этишини таъкидлаган ва бунга жиддий эътибор қаратган эди¹. Аммо бу ўринда сўз билан сўз бирикмалари ўртасидаги иерархик муносабат ҳақида фикр юритилаётгани учун асосий эътибор шунга қаратилмоқда.

Албатта, иерархик муносабат сўз бирикмасининг синтактик структурасида кўзга кўриниб турмайди. Уни биз бирикма материалини таҳлил қилиш жараёнида илмий тафаккур орқали белгилаймиз. Масалан: *Алининг китоби, вазифани бажармоқ, кекса муаллим.*

Келтирилган сўз бирикмаларининг ҳар бири икки компонентли бўлиб, мазкур компонентлар тилнинг сўз сатҳига тегишилдири. Улар ташкил этаёган бирикмалар эса сўз сатҳидан бир пофона юқори сатҳни тақозо этганлиги учун айни пайтда пофонали муносабат вужудга келмоқда. Зотан, синтагматик қаторда сўзларнинг ўзаро муносабатга киришуви учун, умуман, сўзларнинг реал қўлланиши учун, улардан бир пофона юқори турувчи сатҳ бирлиги талаб қилинади. Мазкур қонуният тил ва нутқ бирликларининг амалда қўлланиши ва шу билан бирга, қолипида улар шаклланаётган структураларнинг бошқа аналогик структуралар билан синтагматик муносабатга киришуви учун «ҳаётий» заруратдир.

Бу ўринда биз кўриб ўтган пофонали муносабат сўз бирикмасининг умумий структураси доирасида содир бўлаётган макрохарактерли ҳодисадир. Бундан ташқари, сўз бирикмаси компонентлари структураларининг шаклланиши билан боғлиқ бўлган микрохарактерли пофонали муносабат ҳам мавжуд бўлиб, у сўз сатҳида унинг морфематик сатҳ бирликлари билан ўзаро боғланишида воқеланади: *Али+нинг китоб+и, вазифа+ни барагмоқ.*

Кўринадики, берилган сўз бирикмаларининг олдинги иккитасининг компонентлари сатҳида микрохарактерли пофонали муносабат мавжуд. Кейинги мисолда (кекса муаллим) эса бундай вазият кўзга ташланмайди. Бунинг асосий сабаби мазкур бирикма компонентлари доирасида «сўз+морфема» моделидаги боғланиш йўқлигидадир.

Синтактик структура билан унинг компонентлари ўртасида воқеланувчи пофонали муносабат сатҳлараро характерли бўлгани учун парадигматик боғланиш қонуниятларига бўйсунади. Бошқача айтганда, сатҳлараро боғланиш горизонтал қаторда рўй бермайди. Муайян сатҳ компонентларининг боғланиши эса синтагматик қаторда воқеланади. Бу эса, ўз навбатида, ҳар қандай синтактик структуранинг ҳам мураккаб характерли эканлигидан далолат беради.

Биз юқорида эркин сўз бирикмалари ва уларининг синтактик структураси ҳақида сўз юритдик. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, тилшунослик адабиётларида эркин сўз бирикмалари, уларнинг

¹ Қаранг: Фриз Ч. «Школа» Блумфилда // Новое в лингвистике, вып. IV. М., 1965. С. 251.

шаклланиши, компонентларининг мослашув, бошқарув ва битишув усуулари қолипида синтактик муносабатга киришуви ҳақида атрофлича маълумот берилади-ю, турғун сўз бирикмаларини ўрганиш масаласига кам эътибор қаратилади. Баъзи лексикологик ишларда улар ҳақида бир-икки жумла келтирилса, айрим олимлар уларни фразеологик иборалар сирасига киритишади. Синтактик тадқиқотларда эса турғун сўз бирикмалари хусусида ҳозиргача бирор бир маълумот берилмаяпти.

Назаримизда, мазкур масала тавсифи жиддий эътиборга муҳтождир. Зотан, турғун сўз бирикмалари тилимизда тайёр ҳолда бўлишига қарамай, уларнинг компонентлари ўртасида синтактик муносабат мавжуддир. Улардаги маъно яхлитлигининг бунга алоқаси йўқ. Маъно яхлитлиги мазкур бирикмаларининг турғун ҳолатга келиб қолишининг асосий сабабларидан биридир. Лекин уларнинг компонентлари ўртасидаги синтактик муносабатни йўқолган деб бўлмайди. Бизнингча, турғун сўз бирикмалари компонентлари ўртасидаги синтактик алоқа қисман мавхум ҳолга келган, заифлашган бўлса-да, ўз кучини тўлиқ йўқотмаган: *Фанлар академияси, турмуши ўртоғи, Бирлашган Миллатлар Ташиклиоти*.

Келтирилган сўз бирикмаларининг турғунлик характеристи, албатта, уларнинг доимий равишда шу маъноларда ва шундай синтактик структураларда қўлланиши билан боғлиқ. Аммо бу бирикмаларининг компонентлари ўртасидаги синтактик алоқа жонли бўлмаганда, улар ифодалаётган маънолар ҳам, шу ҳолатдаги синтактик структуралар ҳам шаклланмаган бўлар эди. Бошқача айтганда, мазкур бирикмаларининг семантик структуралари билан синтактик структуралари ўртасида мутаносиблиқ йўқ. Тўғри, семантикани синтаксисдан, синтаксисни эса семантикандан айри ҳолда тасаввур этиш қийин. Бироқ шундай бўлса-да, мазкур тушунчаларининг ҳар бири фақат ўзигагина тегишли бўлган жиҳатларга ҳам эга эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Ш. Турниёзов турғун сўз бирикмаларини қўйидаги икки турга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлайди: 1. Соф турғун сўз бирикмалари. 2. Парафразалар. Соф турғун сўз бирикмалари, асосан, таркибли атама ва терминологик характеристида бўлиб, улар якка тушунчани ифодалайди. Бундай турғун бирикмалар компонентларининг синтактик алоқасини нолга tenglashтириб бўлмайди, чунки унинг мавжудлиги кўриниб туради. Масалан, *дарс жадвали* бирикмасида аниқловчи+аниқланмиш қолипида келаётган мослашув усулига бўйсунувчи ҳодисанинг вокеланганилиги изоҳ талаб қилмайди¹.

Турғун сўз бирикмалари тилда тайёр ҳолда ўзига хос синтактик структура қолипида яшайди. Мазкур структура бирикма компонентларининг синтагматик қатор занжирида ўзаро боғланиши

¹ Қаранг: Турниёзов Ш. Түрғун сўз бирикмалари ҳақида баъзи мулоҳазалар // Xогојиу filologiya. 2005, 1-сон. 25-бет.

орқали шаклланади. Аммо бундай синтагматик муносабат турғунлиги туфайли ўта нозик характерли бўлади. Шу боис бирикма компонентларини алмаштириш унинг мақомини ўзгартириб юборади. Қиёсланг: *умр йўлдоши* → *умр боқийлиги*.

Бу ўринда берилаётган бирикмаларнинг биринчиси турғун, иккинчиси эса эркин характерли эканини кўрамиз. Бошқача айтганда, турғун сўз бирикмаларининг иккинчи компоненти ўзариши бирикманинг семантик-синтактик мақомининг ҳам ўзаришига олиб келмоқда.

Юқорида эслатиб ўтилган парафразалар ҳам турғун сўз бирикмасини тақозо этади: *дала маликаси, қанотли дўстлар, само лочинлари*. Бироқ парафразалар синтактик структураларига қўра соф турғун бирикмаларга ўхшаса-да, улар семантик жиҳатдан ўзига хослик касб этади. Зотан, парафразаларда қўчма маъно ифодаси кузатилади. Аммо бу орқали уларни фразеологик бирикмаларга тенглаштира олмаймиз. Чунки, фразеолигизмлардан фарқли равишда, соф парафразаларнинг умумий маъноси компонентлари маъноларининг синтезидан келиб чиқади. Масалан, *дала маликаси* парафразаси *маккажўхори* маъносини англатса ҳам, унда *дала ҳамда малика* сўзларининг маънолари тўлиқ сақланмоқда. Бунда М. Миртожиевнинг фикрига қўра, прагматик маъно ўз аксини топади. Бошқача айтганда, *дала маликаси* бирикмасида *маккажўхори* тушунчасидан ташқари унинг гўзаллиги ҳам ифодаланмоқда¹. Қандай бўлишидан қатъи назар, парафраза тилимиз системасида ҳар доим сўз бирикмаси қолипидаги синтактик структурага ва унга мос равища компонентларининг синтактик муносабатларига эга бўлади.

Фраземаларнинг ҳам муайян тури турғун сўз бирикмаси қолипида келади. Уларнинг соф турғун бирикмалардан фарқи шундаки, бунда умумий маъно компонентларининг маънолари синтезидан келиб чиқмайди: *адабини емоқ, аммамнинг бузоги, арпасини хом ўрмоқ, игна билан қудуқ қазимоқ*.

Турғун сўз бирикмаси қолипида қўлланадиган бундай фраземаларнинг ҳар бири ўзига хос синтактик структурада шаклланади. Бироқ бу ўринда ҳам уларнинг компонентлари ўртасида синтактик муносабат мавжудлигини кўрамиз. А. Миртожиевнинг тўғри таъкидлашича, фразеолигизм бирикма ёки гап қолипли бўлганлиги ва у бир луғавий бутунликка айланганига қарамай, ўз синтактик хусусиятларини сақлаб қолади². Бундай мулоҳаза Ш. Раҳматуллаев томонидан ҳам айтилган эди: «Ибора таркибини синтактик таҳлил қилиш нутқ бирлигининг таркибини эмас, балки тил бирлигининг таркибини таҳлил қилиш бўлади. Умуман, ибора таркибида қатнашган сўзлар

¹ Қаранг: Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Тошкент. 2000, 43-бет.

² Қаранг: Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. 2004, 187-бет.

орасидаги синтактик боғланиш ўз кучини сақлади, ўлмайди, фақат ички бўлади»¹.

Юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазалар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, фразеологик иборалар тилда тайёр ҳолдаги синтактик структуралар қолипида келади, синтактик структура мавжуд ерда эса синтактик муносабатнинг бўлиши муқаррардир.

Турғун сўз бирикмаларининг барча турларида, шу жумладан, парафраза ва фраземаларда компонентлари улар билан поғонали муносабат доирасида боғланишини кўрамиз. Бу жиҳатдан уларни эркин сўз бирикмаларидаги поғонали муносабат шаклланишига қиёс қилиш мумкин. Аммо турғун сўз бирикмалари эркин бирикмалардан денотат ва сигнификат ифодаларига кўра қисман фарқланади. Чунки турғун сўз бирикмаларидаги денотат ва сигнификат ифодасини берувчи уларнинг компонентлари ўртасида семантик номутаносиблигни кўрамиз. Бироқ бу ҳодисанинг поғонали муносабат шаклланиши билан алоқаси йўқ.

Юқоридагилардан ташқари, гап ёки синтактик структураларни сегментлаш жараёнида *синтагма* тушунчасига ҳам изоҳ беришга тўғри келади. Мазкур термин ва унинг дастлабки талқини Ф. де Соссюр номи билан боғлиқ. Олим синтагма деганда, тилнинг тўғри чизик бўйлаб камида икки унсури ўзаро муносабатга киришувини тушунади. Бу жиҳатдан синтагма тил унсурларининг синтагматик муносабати тушунчаси билан узвий боғланади: *re-lire – қайта ўқимоқ, contre tous – ҳаммага қарши, la vie humaine – инсоний ҳаёт, s'il fait beau temps, nous sortirons – агар ҳаво яхши бўлса, биз ташқарига чиқамиз*. Соссюр таълимотида синтагма вазифасида қўшма ва ясама сўзлар, гапнинг муайян бўлаклари (қисмлари), шунингдек, тўлиқ гап (шу жумладан қўшма гап) ҳам келиши мумкинлиги таъкидланади².

Соссюрнинг шогирди Ш. Балли синтагма деганда тилнинг аниқловчи-аниқланмиш қолипида келган ҳар қандай икки белгисини тушунади. Бунда Ш. Балли синтагма эркин бўлиши ва шу боис унинг компонентлари шу категорияга тегишли бошқа унсурлар билан алмаштирилиши мумкинлигини айтади: *table ronde – думалоқ стол, table carrée – квадрат стол*³.

С.О. Карцевский синтагмани ички ва ташқи деб аталувчи икки турга бўлиб ўрганади. Ички синтагмага *маленький домик* тарзидағи сўзлар муносабатини тақозо этувчи аниқловчи-аниқланмиш қолипидаги структуралар, ташқи синтагмага эса жумла қолипидаги сўзлар муносабатини ташкил этувчи гаплар киритилади. Бундан ташқари, С.О.

¹ Раҳматулаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент. 1978, 10-бет.

² Қаранг: Соссюр Ф. де. Труды по языкоznанию. М., 1977. С. 155.

³ Қаранг: Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1955. С. 114-115.

Карцевский гап қолипидаги сўзлар муносабатини предикативли синтагма деб атайди. Сўз бирикмаси қолипидаги синтагмаларни учга бўлади: 1. Аниқловчи-аниқланмиш муносабатидаги синтагмалар. 2. Тўлдирувчи-ҳаракат муносабатидаги синтагмалар. 3. Ҳол ва ҳаракат муносабати қолипидаги синтагмалар¹.

А. А. Реформатский ҳам синтагмани аниқловчи-аниқланмиш моделидаги унсурлар муносабати тарзида изоҳлайди ва синтагманинг нутқий мулоқотда тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлайди. Олим содда гап бўлакларининг тобелик асосидаги муносабатига ҳамда қўшма гап таркибидаги бош ва эргаш гаплар муносабатига алоҳида эътибор қаратади. Эргаш гаплар бу ўринда кенг маънодаги аниқловчи сифатида талқин этилади².

Кўринадики, синтагма жумласига ҳатто мураккаб синтактик қурилмалар ҳам (анъанавий тилшуносликда қўшма гап) киради. Бироқ айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, компонентлари тенг боғланишли мураккаб синтактик қурилмалар синтагма саналмайди. Зотан, бундай қурилмалар компонентлари асинтагматик муносабатдадир. Бошқача айтганда, бунда аниқловчи-аниқланмиш муносабати кузатилмайди³.

Таъкидлаш жоизки, баъзи тилшуносларнинг синтагма хусусидаги фикрлари юқорида биз кўриб ўтган Соссюрнинг ғояларига мос келмайди. Масалан, рус тилшуноси академик Л. В. Шчерба синтагмани фонологик ҳодиса сифатида талқин этади: «Маълум бир маъно бутунлигини ифодаловчи ва ягона ритмик гурухдан ташкил топадиган фонологик бутунликни синтагма деб атайман»⁴.

Фикримизча, Л.В. Шчербанинг мазкур мулоҳазаларига қўшилиш қийин. Чунки синтагма фонологик ҳодиса эмас, балки синтактик ҳодисадир. Бу ҳақда Б.В. Томашевский айтган қуйидаги фикр ҳақиқатга тўғри келади: «Ритмик бирликларни (колонларни) синтактик бирликларга (синтагмаларга) осонгина ўхшатиш мумкин. Лекин бундай ўхшатиш бир-биридан принципиал нуқтаи назардан фарқ қилувчи икки ҳодисанинг ўхшашлигини тақозо этади, холос»⁵. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, Л.В. Шчербанинг синтагмага берган таърифи собиқ Иттифоқ даврида нафақат рус тилшунослиги, балки миллий республикалар тилшуносликлариiga ҳам кучли таъсир кўрсатди. Мазкур ғоя ҳатто академик В.В. Виноградовни ҳам четлаб ўтмади. Виноградов бу ҳақда шундай деганди: «Совет тилшуносининг эътиборида бўлиши лозим

¹ Қаранг: Карцевский С.О. Повторительный курс русского языка. М.-Л., 1928. С. 34.

² Қаранг: Реформатский А.А. Фонологические этюды. М., 1975. С. 18-30.

³ Қаранг: Холодович А.А. Синтаксис японского военного языка. М., 1937.

⁴ Щерба Л.В. Фонетика французского языка. Л., 1959. С. 80.

⁵ Томашевский Б.В. Ритм прозы. В сб.: О стихе. Л., 1929. С. 309.

бўлган синтагма ҳақидаги бирдан-бир назария бу академик Л.В. Шчерба асос солган синтагма назариясиdir»¹.

Шу боис тилшуносларимиз синтагма синтактик ҳодиса эканлигини тўғри тушунсалар ҳам, уни фонетик ҳодиса сифатида таърифлашга уриндилар. Фикримиз далилини А. Ғуломов ва М. Асқароваларнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигига кўришимиз мумкин. Дарсликда синтагма синтактик структура эканлиги, унинг гап қолипида ҳам келиши ёки бир сўз билан ифодаланган бўлиши мумкинлиги, грамматик структураси аниқловчи-аниқланмиш шаклида келиши, сатҳида сўзлар муносабати тобеликка асосланиши мутлақо тўғри таъкидлангани ҳолда, унга қўйидагича таъриф берилгани қандайдир ғализлик туғдиради: «Синтагма грамматик-семантик яхлитликни кўрсатувчи фонетик бутунлиқдир»².

В.В. Виноградов синтагмани стилистик ҳодиса сифатида талқин этганини ҳам кузатамиз. Бу эса, ўз навбатида, масала моҳиятини янада чигаллаштиришга олиб келди. Агар уни стилистик ҳодиса сифатида талқин этсақ, у ҳолда мазкур тушунча грамматикадан мутлақо узилиб қолиши ҳам мумкин.

Шундай қилиб, синтагмани ритмик гуруҳ ёки интонация билан боғлиқ ҳодиса сифатида талқин этиш, ёхуд уни стилистик ҳодиса деб тавсифлаш ҳақиқатдан йироқдир.. Унинг стилистик ҳодиса эканлиги ҳақидаги фикр кўп оммалашгани йўқ, бироқ интонацион бутунлик эканлиги хусусидаги мулоҳаза кўп тилшуносларни чалғитди. Бу ҳақда А.А. Реформатскийнинг қўйидаги мулоҳазалари, бизнингча, ибратлидир: «Бу масала хусусида (интонация ҳақида – Н.Т.) сўз юритилганда унинг синтактик ҳодиса эмаслигини кўрсатиб бериш муҳим аҳамиятга эгадир. Синтактик бирликлар: сўз бирикмаси умуман интонацияга эга бўлолмайди, гап эса интонация билан йўғрилган бўлади. Аммо у ўзича бунга эриша олмайди, интонация унга фраза орқали ўтади. Шу боис синтагма терминини интонацион бутунлик дейиш нотўғри. М. Граммон, унинг ортидан эса янада кўпроқ Л.В. Шчерба мазкур масалани чалкаштириб юбордилар»³.

Синтагма ҳақида мулоҳаза юритилганда шунга аҳамият бермоқ керакки, у икки ва ундан ортиқ сўзниң ўзаро бирикишидан ташкил топганда шаклан сўз бирикмаси билан бир хил бўлиши мумкин. Айниқса отли бирикмаларнинг аниқловчи-аниқланмиш моделида келиши синтагма билан сўз бирикмаларини муштарак қолипга солиб кўяди. Бизнингча, бундай ҳолат масала тавсифини чигаллаштирмайди. Чунки синтагма ҳам,

¹ Виноградов В.В. Исследования по русской грамматике. М., 1975. С. 205.

² Қаранг: Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент. 1987, 23-24-бетлар.

³ Реформатский А.А. Фонологические этюды. М., 1975. С. 18-19.

сўз бирикмаси ҳам синтагматик қатор маҳсулидир. Айни вазиятда улар кесишиди, холос. Лекин синтагманинг бир сўз билан ифодаланиши, гап қолипида келиши ва ҳатто мураккаб синтактик курилма қолипида воқеланиши уни сўз бирикмасидан кескин фарқлади. Фикр далили учун мисолларга мурожаат этайлик.

1. *Мактаб боғи, Собирнинг акаси.* Аниқловчи-аниқланмиш қолипидаги мазкур бирикмаларда синтагма ва сўз бирикмаси тушунчалари кесишмоқда.


2. *Сер-гап, бе-губор.* Морфемаларнинг айни пайтдаги (аниқловчи-аниқланмиш) муносабатлари фақат синтагмага тааллуқли.

3. *Баҳор келди.* Бу ўринда гап қолипидаги предиктив синтагамани кўрамиз.

4. *Баҳор келгач, гуллар очилади.* Айни пайтда мураккаб синтактик курилма мақомидаги ёйиқ синтагма шаклланмоқда. Бироқ мазкур мисолни *Баҳор келди ва гуллар очилди* тарзида ўзгартирсак, ўзича мустакил синтагматик муносабатлар вужудга келади. Зотан, бу ўринда мураккаб синтактик курилма қисмлари ўртасида аниқловчи-аниқланмиш муносабати кузатилмайди. Бошқача айтганда, мазкур мисолда мураккаб синтактик курилманинг ҳар бир қисми ўзича синтагмани тақозо этади.

Синтагма ва унинг компонентлари ўртасидаги поғонали муносабат ҳақида шуни таъкидлаш керакки, унинг сўз бирикмаси қолипидаги кўриниши бу жиҳатдан сўз бирикмалари билан бир хил мақомга эга бўлади. Аммо сўз ва гап қолипларида синтагмаларда поғонали муносабат шаклланиши ўзига хосликка эгадир. Зотан, сўз қолипидаги синтагмалар сўз бирикмаларидан бир поғона пастдаги сатҳ ҳисобланса, гап қолипидаги синтагмалар улардан бир поғона (агар мураккаб синтактик курилма мақомида келган бўлса, икки поғона) юқорида турувчи сатҳни тақозо этади. Қуйида ана шуларга қисқача тўхталамиз.

Сўз қолипидаги синтагмаларнинг компонентлари морфемалардан иборат бўлгани учун бу ўринда поғонали муносабат сўз ва морфема ўртасида рўй беради: *дардчил, астарлик*. Айни пайтда берилган мисоллар структураларини ўзак ва аффикс морфемаларнинг горизонтал қатордаги синтагматик муносабатлари ташкил этмоқда. Равшанки, ўзак ва аффикс морфемалар морфематик сатҳ бирликлари ҳисобланади ва шу боис сўз сатҳи бирликларидан бир поғона пастда туради. Бу эса сўз қолипидаги синтагмалар доирасида сатҳлараро поғонали муносабат воқеланишини кўрсатади. Буни берилган мисоллар материали асосида қуйидагича тасаввур этиш мумкин:



Демак, ўзак ва аффикс морфемалар сўз сатҳига кирганда, унинг структурасини ташкил этишга хизмат қиласида ва шу асосда иерархик муносабат шаклланади.

Гап қолипидаги синтагмалар сатҳида рўй берувчи иерархик муносабат сўз ёки сўз бирикмаси қолипларидағи поғонали муносабатга нисбатан анча мураккаб характерлидир. Чунки гапнинг синтактик структураси шаклланишининг материали сўздир. Сўз нафақат гап билан, балки морфемалар билан ҳам поғонали муносабат ташкил этади. Демак, у ўзининг чап томонидан ҳам, ўнг томонидан ҳам поғонали боғланиш қуршовидадир.

Сўз структурасидаги морфемалар эса, ўз навбатида, сўздан ташқари фонемалар билан ҳам поғонали боғланишда бўлади. Айни пайтда шу нарса характерлики, мазкур катта-кичик иерархик боғланишларнинг барчаси сўзнинг синтактик структураси доирасида рўй беради.

Гап билан сўз ўртасидаги поғонали муносабат ҳақида сўз юритилганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу жараёнда гап устувор аҳамият касб этади. Зотан, у сўзлар муносабати воқеланиши таъминланиши учун объект вазифасини бажаради. Сўзлар ўртасидаги муносабат ёки, бошқача айтганда, синтагматик боғланиш эса аксарият ҳолларда аппликатив усулда намоён бўлади. Лекин бу усул ёрдамида кичик объектлардан катта объектлар шаклланишини назарда тутсак, унинг сўз билан гап ўртасидаги поғонали муносабат воқеланиши учун ҳам хизмат қилишини кўрамиз. Зотан, тилнинг кичик объектлари катта объект таркибиға киришининг ўзи поғонали муносабат демакдир¹.

Мураккаб синтактик қурилма қолипидаги синтагмалар доирасида, албатта, поғонали муносабат масаласи янада мураккаб тус олади. Чунки мураккаб синтактик қурилма нутқ бирлиги – гапларнинг ўзаро синтактик боғланишидан ташкил топади. Бу ўринда объект мураккаб синтактик қурилма бўлса, унинг қурилиш материали гаплардан иборатдир. Айни пайтда гап полифункционал характер касб этади. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин: 1. Гап тил бирликларининг функционал фаоллигини

¹ Каранг: Хайруллаев X. Тил бирликларининг поғонали муносабати. Тошкент. 2008, 82-83-бетлар.

таъминловчи макрообъект вазифасини бажаради. Зотан, у барча тил бирликларининг ўзаро кесишиши юқори поғонасини ташкил этади. 2. Нутқнинг минимал, аммо энг фаол бирлиги сифатида фаоллик кўрсатади. 3. Чап томондан тил бирликлари билан, ўнг томондан эса нутқ бирликлари билан боғланувчи структур бутунликни тақозо қиласди.

Кўринадики, мураккаб синтактик қурилма гап қолипидаги нутқ бирликлари билан поғонали муносабат ташкил этади. Айни пайтда ҳам синтагмага хос бўлган барча белгилар, хусусан, аниқловчи+аниқланмиш ҳолатидаги боғланиш тўлиқ сакланади:

Масаланинг доктор Бергерга боғлиқ эканини кўплар илгаридан тахминлаб билган бўлса ҳам, салон ари уясидай гувиллай бошлади (А. Мухтор. Чинор).

Келтирилган мисолда мураккаб синтактик қурилма қолипидаги синтагмани кўрамиз. Бу ўринда қурилманинг биринчи компоненти аниқловчи, иккинчиси эса аниқланмиш мақомида фаоллик кўрсатмоқда. Поғонали муносабатни эса қуидагича тасаввур этиш мумкин:



Айни пайтда катта объект таркибига биринчи гап иккинчи гап воситасида кирмоқда. Бу эса биринчи гап мураккаб синтактик қурилма билан иккинчи гап воситасида поғонали муносабатга киришаётганини кўрсатади.

Ишимизнинг олдинги саҳифаларида айтиб ўтилганидек, компонентлари синтактик муносабати тенгликка асосланган мураккаб синтактик қурилмалар синтагма мақомига эга бўла олмайди. Бунинг асосий сабаби бундай қурилмаларда аниқловчи+аниқланмиш муносабати йўқлигидадир.

Шуни ҳам айтиш лозимки, анъанавий тилшунослиқда юқорида эслатиб ўтилган сўз, сўз бирикмаси ва гап компонентлари ўртасидаги синтактик муносабат, уларнинг мантикий-грамматик хусусиятларига асосланган бўлса-да, ўрганилган. Масалан, гап таркибида унинг компонентлари тарзида келган сўзлар ўртасидаги синтактик боғланиш, қўшма гап сатҳида унинг таркибий қисмларини ташкил этувчи мустақил ва тобе гаплар ўртасидаги муносабатлар тадқиқи фикримиз далили бўла олади. Бироқ, масаланинг бошқа бир томони – сўз компонентлари саналувчи морфемалар ўртасидаги синтактик муносабат талқини ҳали

изохталабдир. Бошқача айтганда, элементар синтагма вазифасида келувчи сўзниг ички синтагматик муносабатлари ҳали маҳсус текширув ишининг объекти бўлганича йўқ. Ваҳолонки, сўз компонентлари ўртасида ҳам гап компонентлари ўртасидаги синтактик боғланишнинг барча турларини кузатиш мумкин. Г.А. Смирнованинг эътироф этишича, гап бўлаклари ва сўз компонентлари ўртасида принципиал фарқ йўқ. Сўз компонентлари – морфемалар муносабатида ҳам гап компонентларининг синтактик табиятига хос бўлган предикат, актант, атрибут, аниқловчи, аниқланмиш каби ички синтактик категориялар кузатилади. Баъзан эса бир сўз доирасида ўта мураккаб иерархик муносабатлар ҳам мавжудлигини кўрамиз.¹

Г.А. Смирнова фикр исботи учун *лошадник* сўзига мурожаат этади. Мазкур сўзни икки хил тушуниш мумкин: 1) от ишқибози. 2) от савдоси билан шуғулланувчи киши. Ҳар иккала ҳолатда ҳам сўз таркибидаги морфемалар ўртасидаги синтактик алоқани ҳаракат объекти билан унинг ижрочиси ўртасидаги муносабатга қиёслаш мумкин. Бошқача айтганда, -ник аффикси орқали ҳаракат ижрочиси, ўзак морфема билан эса ҳаракат объекти белгиланиб, ҳаракат ижрочиси шу объект орқали ўз ифодасини топмоқда².

Бизнингча, бундай вазиятда нафақат ҳаракат объекти ва унинг ижрочиси ўртасидаги синтактик муносабат ҳақида, балки иш ҳаракати, ҳаракат объекти ва ҳаракат ижрочисининг синтактик муносабатлари ҳақида мурлоҳаза юритиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, объект ва ижрочи ҳақида муайян иш ҳаракати мавжуд бўлганда гина сўз юритиш мумкин: *иши, соатсоз, оишпаз*.

Келтирилган мисолларда *-чи*, *-соз*, *-паз* аффикслари ҳаракат ижрочиларини кўрсатувчи восита сифатида *ии*, *соат*, *оиш* каби морфемалар эса ҳаракат объектлари тарзида фаоллик кўрсатмоқда. Мазкур морфологик воситалар берилган сўзлар структураларининг эксплицит ифодали қисмларини ташкил этади, албатта. Аммо, айни пайтда *ишиламоқ*, *созламоқ*, *пиширмоқ* каби имплицит ифодали иш ҳаракатлари ҳам мазмунан англашилмоқда.

Равшанки, сўз структураси компонентлари (морфемалар) синтактик алоқаларини гап компонентларининг ўзаро муносабати билан тўлиғича аналогик қоидаларга бўйсунади деб бўлмайди. Чунки гап тил бирликлари иерархик муносабатининг юқори поғонасини ташкил этади. Гап таркибида сўзлар муносабати ҳар доим динамик характерлидир. Сўз

¹ Қаранг: Смирнова Г.А. Операторное порождение слов на основе аппликативной грамматики // Проблемы структурной лингвистики – 1972. М., 1973. С. 235-236.

² Қаранг: Ўша асар. 237-бет.

структураси компонентлари синтактик муносабати эса статик мақомга эга. Бироқ уларнинг шаклланиш принципларида муштараклик мавжуд¹.

Сўз структураси компонентлари ўртасидаги муносабат статик характерли бўлгани ва мазкур муносабат тилнинг кичик бирликлари доирасида шаклланиши боис, бизнингча, бу ўринда *синтактик муносабат* тушунчасидан кўра *микросинтагматик* муносабат терминидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зотан, мазкур термин орқали, биринчидан, ушбу синтактик муносабат сўз ва гаплар ўртасидаги синтактик боғланишдан фарқли эканини кўрсатиш мумкин бўлса, иккинчидан, синтактик муносабат тилнинг сўз сатҳидаги бирлиги ичida шакланаётганини назарда тутиш мумкин ва учинчидан, айни пайтда синтактик муносабатнинг сўз ва гаплараро рўй берувчи синтактик муносабатдан кичиклиги ва статик характерли эканлиги билан фарқланишига ишора эта оламиз.

Микросинтагматик муносабат тил системасининг сўз сатҳи доирасида морфемалар ўртасида шаклланар экан, синтаксиснинг дастлабки куртаклари морфологияда туғилади, деган хulosага келишимиз мумкин. Морфологик бирликлар сатҳида турлича синтактик муносабатлар кузатилади. Бунда аниқловчи+аниқланмиш, тўлдирувчи+харакат, ҳол+харакат ва ҳатто, эга+кесим муносабатлари ҳам воқеланади: *оишозон, отбоқар, бешотар, Худойберди*.

Келтирилган мисолларнинг биринчисида анқиқловчи+аниқланмиш қолипидаги, иккинчисида (агар С.О. Карцевский ортидан борсак) тўлдирувчи+харакат, учинчисида ҳол+харакат маъноларидағи синтагмаларни, охирги мисолда эса предикатив синтагмани кўрамиз.

Ана шулардан келиб чиқиб, тилшунослик фанининг бугунги тараққиёти даврида «кичик синтаксис» ва «катта синтаксис» деб номлаш мумкин бўлган грамматик объектларга катта эҳтиёж сезилмоқда, деб ўйлаймиз. Е.С. Кубрякова мулоҳазаларига кўра, кичик синтаксисда мантиқий ҳукм ёки фикр тугаллиги билан боғлиқ бўлмаган нопредикатив бирликларни, катта синтаксисда эса фикр тугаллиги билан характерланувчи синтактик структураларни ўрганиш лозим².

Маълумки, сўз тилшуносликнинг барча бўлимларининг асосий текширув объектидир. Аммо шундай бўлса ҳам, ҳозиргача сўз сатҳида воқеланувчи синтактик муносабатлар масаласининг ўрганилишига кам эътибор берилди. Бошқача айтганда, синтаксисда, асосан, сўз бирикмалари ва гап билан боғлиқ бўлган масалалар талқин этилди. Микросинтагматик муносабат муаммоси эса тадқиқотларимиз кун тартибидан ўрин олмади. Ваҳолонки, тил бирликларининг сатҳида рўй

¹ Қаранг: Касевич В.Б. Семантика. Синтаксис. Морфология. М., 1988. С. 25.

² Қаранг: Кубрякова Е.С. Номинативный аспект речевой деятельности. М., 1986. С. 107.

берувчи микросинтагматик муносабатлар катта синтаксисда ўрганиладиган барча синтактик муносабат турларининг кичик кўринишини тақозо этади. Шу боис кичик синтаксиснинг илмий асосланиши ва унинг текширув объектларини белгилаш ҳозирги тилшунослигимизнинг долзарб ваазифаларидан бири деб ўйлаймиз.

Фикримизча, кичик синтаксиснинг асосий текширув объектларидан бири сўз бўлмоғи лозим. Бунда, албатта, туб сўзлар эмас, балки ясама сўзлар сатҳидаги микросинтагматик муносабатлар, синтагманинг бир сўзли ва сўз бирикмаси қолипидаги шакллари, эркин сўз бирикмаларининг нутқдан ташқари ҳолати, турғун сўз бирикмалари, жумладан, парафразаларнинг ва фраземаларнинг ҳам компонентларининг синтактик муносабатлари каби масалаларнинг илмий талқини устувор аҳамият касб этади.

Катта синтаксис мустақил гап ва унинг турлари, мураккаб синтактик қурилма ва унинг турлари, микроматн ва унинг ифода материаллари, шунингдек, абзац ва лозим бўлганда, макроматн муаммоларини ўрганиш билан шуғулланмоғи керак.

Биз юқорида кичик синтаксиснинг текширув объектлари саналувчи эркин сўз бирикмалари (уларнинг нутқдан ташқари ҳолати), синтагма, турғун сўз бирикмалари, шу жумладан, бирикма қолипидаги фраземаларнинг синтактик структуралари ва компонентларининг синтагматик муносабатлари, шунингдек, сўз структураси ва сўз сатҳидаги микросинтагматик муносабат ҳақида қисқача маълумот бердик. Энди эса гап структураси ва унинг компонентлари ўртасидаги синтактик муносабат талқинига тўхталамиз. Айни пайтда шуни аоҳида таъкидлаш лозимки, гапнинг синтактик шакли, сўз бирикмасидан фарқли равишда, муайян туб структурага асосланади. Сўз бирикмалари эса эркин ёки турғунлигидан қатъи назар, ҳар доим ҳосила структурани тақозо этади. Зотан, улар камида икки сўзнинг ўзаро бирикувидан ташкил топади. Гап эса бир сўздан иборат бўлиши ҳам мумкин. бунга номинатив гаплар мисол бўла олади. Аммо бундан қатъи назар, гап орқали хабар ифодаси берилади. Хабар ифодаси эса, ўз навбатида, тил билан мантиқ ўзаро боғлиқ ҳодисалар эканлигидан далолат беради, чунки ҳар қандай хабар замирида муайян маъно ифодаси ётади. Шу боис тил мантиқдан мутлақо ажralган ҳолда фақат ўз қобигидагина яшай олмайди¹. Тил билан мантиқнинг ўзаро боғлиқлиги айниқса синтактик структураларда аниқроқ кўзга ташланади. Бироқ бу билан мантиқ ва тил категориялари қоришиб кетади, деган холосага келиш мутлақо мумкин эмас. Уларнинг ҳар бири ўзича мустақилдир.

Равшанки, ҳар қандай хабар ифодаси ҳам сўзловчининг нутқий фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир, зоро, хабар ифодаси ҳам сўзловчи

¹ Қаранг: Есперсен О. Философия грамматики. М., 1958. С. 58.

томонидан берилади. Бу масаланинг бир томонини тақозо этса, иккинчи томондан, хабар ифодасининг синтактик структура қолипида воқеланиши муҳим аҳамият касб этади. Масалан, *Терим бошланди* тарзидаги синтактик структура шаклланишига эътибор берайлик. Айни пайтда минимал ҳолатдаги гап структурасини кўрамиз. Мазкур гап шакли орқали теримнинг бошлангани хабар қилинмоқда. Бу ўринда *бошланди* сўзи муҳим аҳамиятга эга, зотан, у мазкур гапнинг туб структурасини тақозо этади.

Туб структура деганда нимани тушунамиз? Мазкур саволга жавоб бериш учун тилшуносларнинг у ҳақда айтган фикр ва мулоҳазаларига мурожаат этамиз. В.А. Звегинцевнинг таъкидлашича, тилшуносликда туб структура (глубинная структура) тушунчаси оммалашиб кетганига қарамай, у мутлақо изоҳталаблигича қолмоқда¹. Мазкур тушунча аслида генератив лингвистика, математик лингвистика каби йўналишлар орқали кириб келган бўлиб, бу ҳақда ҳалигача олимлар фикрлари муштарак эмас. Америкалик тилшунос Н. Хомский дастлаб туб структурани синтактик структура тарзида талқин этади. Аммо кейинчалик уни бирмунча абстрактлаштиришга ҳаракат қиласди². Бунда, бизнингча, Н. Хомскийга тилшуносликнинг фалсафий масалаларини тадқиқ этиш таъсир кўрсатди. У ўзининг «Тил ва тафаккур» асарида фалсафий грамматикада туб ва юзаки синтактик структуралар фарқланганлигини ва ҳатто туб структура тафаккур фаолияти билан боғлаб ўрганилганини таъкидлайди³. Бу эса кейинчалик туб структура семантик структура билан синонимик тушунча сифатида талқин этила бошлаганлигига сабаб бўлди.

О. Есперсен ҳар қандай тилнинг ҳам синтаксиси замирида тафаккур категорияси яширинган бўлишини ва мазкур категория нолингвистик характерли эканлигини, тилшуносликнинг вазифаси эса ана шу нолингвистик категория билан синтактик категориянинг моҳиятини тўғри англаб етишдан иборатлигини алоҳида уқтиради⁴. Ш.И. Мешчанинов ҳам ўз вақтида синтактик категориянинг тафаккур категорияси билан боғланиши ҳақида мулоҳаза билдириб, бунга грамматик род категорияси билан табиатдаги жинс тушунчаларини мисол келтирган эди⁵. Америкалик олим Б. Уорф ҳам мазкур масала бобида род тушунчасига мурожаат этади. Унинг фикрига кўра, род тушунчаси грамматик категориянинг асоси бўла олмайди, у лексик маъно ифодаси билан боғлиқ.

¹ Қаранг: Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. М., 1973. С. 180.

² Қаранг: Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. С.110.

³ Қаранг: Chomsky N. Language and Mind. –N.Y., 1968. –Р. 15-16.

⁴ Қаранг: Есперсен О. Кўрсатилган асар. 58-бет.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Звегинцев В.А. Кўрсатилган асар. 184-185-бетлар.

Шу боис грамматикада уни яширин категория тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқдир¹.

Ч. Хоккетнинг фикрига кўра, асосий эътиборни тафаккур структураси ва унинг нолингвистик характерли эканлиги каби масалалар талқинига эмас, балки юзаки синтактик структурадан ташқари ички туб структура ҳам мавжудлиги ва уни ўрганишга қаратиш лозим. Ч.Хоккет юзаки синтактик структуралар эсплицит ифодали бўлгани учун уларни бемалол таҳлил қилиш мумкинлигини, ички туб структуралар эса имплицит ифодали бўлгани учун бу ҳақда ҳали бирор бир тилшунос мукаммал фикр билдиримаганини алоҳида таъкидлайди².

С.Д. Кацнельсон туб структурани семантик, ёки аникроғи, тафаккур структураси деб атайди. Аммо унинг тадқиқотларида туб структура нолингвистик характерли деб кўрсатилмайди³. С.Д. Кацнельсон туб синтактик функцияни пропозиционал функция жумласига киритади ва туб структура жумланинг мазмуний асосини ташкил этишини айтади. Олимнинг тўғри эътироф этишича, пропозиционал функция ҳар қандай тилда ҳам предикатив сўзлар орқали бажарилади ва бу ўринда мудом синтактик структурада тўлдирилиши лозим бўлган бўш ўринлар мавжуд бўлади⁴.

Бизнингча, С.Д. Кацнельсоннинг туб структура ҳакида билдирган мулоҳазалари ўринлидир. Унга таянган ҳолда, туб структурани гапнинг мазмуний салмоғи марказида турувчи семантик-синтактик воқелик тарзида ўрганиш мумкин. Фикр далили учун қуйидаги мисолга мурожаат этайлик: *Султон чиндан ҳам унинг юрагидаги битмас ярани қайта тирнади* (О. Ёқубов. Кўхна дунё).

Берилган мисолда туб структура *тирнамоқ* феъли орқали ифодаланиб, айни пайтда унинг семантик қуршовида бўлган бўш ўринлар синтактик структурада тўлдирилмоқда. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин: *тирнади – ким?* (Султон); *тирнади – нимани?* (ярани); *тирнади – қандай ярани?* (унинг юрагидаги битмас ярани).

Кўринадики, дастлаб туб структура тақозо этаётган энг зарурий бўш ўринлар тўлдирилади ва шу тахлит бошқа бўш ўринлар ҳам тўлдирилгач, гапнинг юзаки синтактик структураси шаклланади. Шуни ҳам айтиш керакки, туб структура асосида дастлаб таянч (ядровий) синтактик структура вужудга келади. Бундай курилмада юзаки синтактик структура аломатлари бўлмайди⁵. Таянч структура гапнинг минимал синтактик

¹ Бу ҳақда қаранг: Звегинцев В.А. Ўша асар. 185-186-бетлар.

² Hockett A. Course in Modern Linguistics. –N.Y., 1958. –P. 249.

³ Қаранг: Кацнельсон С.Д. Общее и типологическое языкознание. Л., 1986. С. 142.

⁴ Қаранг: Кацнельсон С.Д. Кўрсатилган асар. 143-бет.

⁵ Қаранг: Яҳшибоев Ф.Х. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси // Номз. дис. автореф. Самарқанд. 2004, 11-бет; Турниёзов Б.Н. Ҳозирги ўзбек тилида

шаклини тақозо этади. Бошқача айтганда, таянч структурада феъл валентлигининг фақат бир имконияти амалга ошган бўлади, унинг бошқа имкониятлари эса гапнинг юзаки синтактик срукурасида ўз ифодасини топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туб структура мазмуни эътиборига кўра абстракт ҳолатда бўлади. Унинг тасарруфидаги бўш ўринлардан камида биттаси тўлдирилгач, мазкур мавхумлик барҳам топади. Масалан, *тирнамоқ* феълининг семантик валентлиги қуршовида *одам*, *мушук*, *ҳайвон*, *парранда* ва ҳ.к. каби сўзлар мавжудлиги аниқ. Уларнинг қайси бири актуаллашиши, албатта, нутқ муҳити ва унинг талабига боғлиқдир.

Туб структурани V ишораси (символи) билан кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Унинг замирида вужудга келган таянч структурани N+V формуласи орқали, юзаки синтактик структурани эса N+X+V тарзида белгилаймиз. Бу формула дастлаб Б. Потье томонидан қўлланилган бўлиб, унда N белгиси от туркумидаги ёки отлашган (шу жумладан олмошни ҳам) сўзларни, V белгиси феъл ёки унинг ўрнида қўлланилган сўзларни, X белгиси эса гап сатҳини кенгайтирувчи барча сўзларни белгилаш учун хослангандир:

Аҳмад ўқияпти = N+V.

Аҳмад китоб ўқияпти = N+X+V.

Аҳмад дарсхонада китоб ўқияпти = N+X₁+X₂+V.

Аҳмад дарсхонада дўсти Собир билан китоб ўқияпи = N+X₁+X₂+X₃+X₄+V.

Бу ўринда шунга аҳамият бериш лозимки, гап структурасининг марказий унсурлари ёки, бошқача айтганда, унинг синчини ташкил этувчи элементлар N ва V саналади. Шу боис мазкур элементларнинг маъносини ва шу билан бирга, синтактик майдонини кенгайтирувчи элементларни таянч структура сатҳига киритиб бўлмайди. N ва V ни кенгайтириш учун қўшилган ҳар қандай элемент гапнинг юзаки синтактик структурасини ташкил этиш учун хизмат қиласи: *Бегимнинг сергаклиги ва ақлу фаросатини ёқтирадиган Шоҳруҳ Мирзо давлат ишларини хотинидан сир туттмайди* (П. Қодиров. Она лочин видоси).

Келтирилган гапнинг формуласини қуидагича берадиган бўлсак, унда N ва V элементларининг семантик-синтактик майдонини кенгайтириш учун хизмат қилаётган X унсурлар сони 6 та эканини кўрамиз: X₁+X₂+X₃+X₄+N+X₅+X₆+V.

Бунда X унсурларнинг 4 таси N структураси ва иккитаси V структураси билан узвий боғлиқ ҳолда муносабатга киришиб, уларнинг синтактик майдонини кенгайтироқда. Лекин мазкур унсурларинг

барчаси гапнинг юзаки синтактик структураси шаклланишига олиб келади. Демак, гап структурасида N ва V элементларидан ташқари X унсурлар (ҳеч бўлмаганда битта) мавжуд бўлганда гина юзаки синтактик структура ҳақида сўз юритиш мумкин.

Туб структурадан таянч структура шаклланганда ҳам, таянч структурадан юзаки синтактик структура вужудга келганда ҳам гап компонентларининг ўзаро синтактик муносабати, асосан, аппликатив усул воситасида воқеланади. Бу жараёнда сўзлар нафақат контакт, балки дистант боғланишли бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бу билан гап компонентларининг синтагматик қатор занжиридаги боғланиши бекаму кўстлигига футур етказилмайди. Бундан ташқари, гап компонентлари қандай синтагматик муносабатда келаётган бўлса, айнан ана шу тарзда у билан поғонали муносабатга киришади. Зотан, синтактик структуралар компонентларининг ўзаро боғланиши уларнинг поғонали муносабат ташкил этишида ҳам мухим аҳамият касб этади. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, гап билан поғонали муносабатга синтактик жиҳатдан фаол (актуал) ҳолдаги сўзлар киришади. Шунинг учун айни пайтда тилдан нутққа кўчган ва муайян гапнинг компоненти мақомини олган сўзларни назарда тутмоқ лозим¹.

Сўзнинг гап таркиби кириш масаласи ҳам анча мураккаб жараён бўлиб, у биринчи галда ўзидан кичик бирлик – морфеманинг кўмагига таянади². Чунки морфема (келишик, эгалик аффикслари ва бошқ.) бўлмас экан, сўзлар ўзаро боғлана олмайди, ҳатто битишув усулига кўра муносабатга киришаётган сўзлар ҳам нол ифодали морфемага асосланади.

Тил ва нутқ бирликларининг амалда қўлланиши юқорида кўриб ўтганимиз каби, поғонали муносабат ҳодисаси билан узвий боғлиқдир. Бироқ шунга қарамасдан, тилшунослигимиз тараққиётининг қарийб ҳозирги давригача мазкур ҳодиса қонуниятларига изчил амал қилинмади. Буни, айниқса, қўшма гап тушунчаси мисолида бевосита кузатиш мумкин. Тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар синтактик деривацияси устида тадқиқот олиб борган Б. Турниёзов бу ҳақда қуйидагиларни таъкидлайди: «Тенг компонентли МСҚларнинг (мураккаб синтактик қурилмаларнинг) анъанавий тилшуносликда боғланган ва боғловчисиз қўшма гаплар тарзида ўрганилишида терминологик номутаносиблик мавжуд. Бунда тил бирликларининг иерархик муносабати қонуниятига амал қилинмаганини кўрамиз. Чунки гап иккинчи бир гап ичida эмас, балки ўзидан катта бирлик – матн сатҳида фаоллашади»³.

Дарҳақиқат, «қўшма гап» терминини матн тушунчаси ўрнида қўллаш поғонали муносабат қонуниятига зиддир. Бу ҳақда ўз вақтида рус

¹ Қаранг: Хайруллаев Х.З. Кўрсатилган асар. 84-бет.

² Қаранг: Хайруллаев Х.З. Ўша асар. 79-бет.

³ Турниёзов Б.Н. Кўрсатилган автореферат. 20-бет.

тилшунослигидан ҳам байзи мулоҳазалар билдирилган эди. Фикр далилини М.Н. Петерсон, А.М. Пешковскийнинг тадқиқотларида кўришимиз мумкин. М.Н. Петерсон «Очерк синтаксиса русского языка» асарида қўшма гап таркибий қисмларининг тобе ёки эргаш боғланиши хусусидаги фикрларнинг ғоят чалкаш ва илмий асосга эга эмаслиги, эргаш ва тенг боғланиш тушунчаларида лингвистик маъно йўқлигини эслатиб ўтган эди¹. А.М. Пешковский эса бир неча гап бир гап тарзida (қўшма гап) номланаётгани турили англашилмовчиликларга сабаб бўлаётганини таъкидлайди².

Кейинги авлод рус тилшунослари орасида ҳам «қўшма гап» тушунчасининг чалкаш томонлари ҳақида фикр билдирилганини кузатамиз. Масалан, М.В. Ляпон бу хусусда қўйидагиларни ёзади: «Агар қўшма гап (мураккаб жумла) икки ёки ундан ортиқ (коммуникатив салмоқли) тугал фикр англатаетган хабарлар бирикувини тақозо этар экан, унинг сатхида матн ифодасининг жиддий белгилари кузатилади»³. Бундай мулоҳаза Е.П. Марченко томонидан ҳам таъкидланади⁴.

И.Ф. Вардулнинг фикрига кўра, фақат тобе боғланишли синтактик структураларни қўшма гап деб аташ мумкин. Тенг боғланишли (боғланган ва боғловчисиз) қўшма гап мавжуд эмас. Боғловчили ёки боғловчисиз қўшма гаплар деб номланиб келинаётган синтактик қурилмалар умуман лингвистик мақомга эга эмас. Шундай бўлгач, эргаш гапли қўшма гап деган тушунчага ҳам ҳожат қолмайди. Бошқача айтганда, биргина «қўшма гап» терминининг ўзи етарлидир⁵.

И.Ф. Вардуль бундай хulosага келишининг асосий сабабларидан бири одатдаги эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гаплар бир-бирига мутлақо боғланиб келади, уларнинг бирортасини ҳам алоҳида қўллаш мумкин эмас, деган тушунчага асосланишидадир. Вардуль ҳатто бош гапни гап эмас, балки мураккаб қурилманинг бир парчаси деб билади. Назаримизда бу ўринда Вардулнинг фикрига қўшилиш қийин. Масалан, ўзбек тилида эргаш гапли қўшма гап деб аталиб келинаётган синтактик структураларнинг барча турларида бош гапни нисбий мустақил деб билиш мумкин:

¹ Қаранг: Петерсон М.Н. Очерки синтаксиса русского языка. М., 1923. С. 32-35.

² Қаранг: Пешковский А.М. Существует ли в русском языке сочинение или подчинение предложений // Родной язык в школе. Научно-педагогический сборник (кн. 11-12). М., 1926; шу муаллиф: Русский синтаксис в научном освещении. М., 1956. С. 455-470.

³ Ляпон М.В. Смысловая структура сложного предложения и текст. М., 1986. С. 8.

⁴ Қаранг: Марченко Е.П. Полипредикативные сложные предложения как единицы текста // Вопросы языкоznания, 2003, №5. С. 43.

⁵ Қаранг: Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и суперсинтаксис). М., 1977. С.222-223.

1. Уни хиургия бўлимига жойлаб энди тинчиганда, яна икки кишини келтириб қолишиди (*Ў. Ҳошимов. Нур борки, соя бор*).
2. Ақл ва виждоним қайси йўлга бошласа, ўша йўлга юраман (*Ойбек. Нур қидириб*).
3. Юрагим дуккилашидан тўхтамаса ҳам, ўзимни енгил сезардим *Ў. Усмонов. Номус*.
4. Қизларки, кўриб оғзинг очилиб қолади (*Д. Нурий. Осмон устуни*).

Келтирилган гаплар анъанавий қўшма гапларнинг ҳар хил турларига мисол бўла олади. Биринчи мисолда пайт эргаш гапли қўшма гап берилган бўлиб, унинг бош гапи иккинчи компонент сифатида, иккинчи мисолда аниқловчи эргаш гапли қўшма гап берилиб, унинг ҳам бош гапи иккинчи компонент сифатида, учинчи мисолда тўсиқсиз эргаш гапли қўшма гап берилиб, унинг ҳам бош гапи охирги компонент тарзида келмоқда. Мазкур бош гапларнинг ҳар бирини нисбий мустақил гап сифатида талқин этиш мумкин. Ҳатто охирги мисолда берилган аниқловчи эргаш гапли қўшма гапнинг бир сўз билан ифодаланаётган (қизларки) бош гапи ҳам эллиптик ҳолатга тушган бўлса-да, тўлиқ предикативлик белгисига эгадир¹. Бизнингча, И.Ф. Вардулнинг қўшма гап ва унинг турлари ҳақидаги мулоҳазаларини илмий асосли деб бўлмайди. Масала тавсифига поғоналилик нуқтаи назаридан ёндашилганда гана нафақат тенг компонентли, балки тобе компонентли қўшма гап тушунчасидан ҳам воз кечиш мумкин. Зотан, бундай қурилмалар матн мақомига эга эканлиги шубҳасиздир. Бироқ матн бир графема билан, сўз билан, сўз бирикмаси ва гап билан, абзац билан ҳам ифодаланиши мумкин. Агар анъанавий қўшма гапларни микроматн деб номлайдиган бўлсак, у ҳолда ундан кичик матнлар ҳам мавжуд. Шу боис бу ўринда «мураккаб синтактик қурилма» терминидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Мураккаб синтактик қурилма тенг компонентли ва тобе компонентли бўлиши мумкин. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам камида икки гапнинг ўзаро синтактик муносабатга киришувидан ташкил топади. Аммо уларда компонентларнинг ўзаро синтактик муносабати фарқланади.

Тенг компонентли мураккаб синтактик қурилма таркибий қисмларининг ҳар бири алоҳида туб структурага таянади² ва поғонали муносабат ҳам шунга асосланади:

Темур Қуръони каримни олиб, меҳр билан уч бор ўпди ва бундан ўн ийллар олдин бўлиб ўтган бир воқеа эсига тушибди (М. Али. Сарбадорлар).


Берилган мураккаб синтактик қурилма икки компонентли бўлиб, унинг биринчи компоненти ўтмоқ, иккинчи компоненти эса эсига тушибмоқ

¹ Предикативлик ҳодисаси ҳақида қаранг: Хайруллаев X. Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари. Самарқанд. 2002.

² Қаранг: Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. Самарқанд. 2008, 34-35-бетлар.

феъллари билан ифодаланган туб структураларга асосланмоқда. Шу боис мазкур компонентларнинг ҳар бири мураккаб синтактик қурилма билан ўзича мустақил ҳолда поғонали муносабатга киришмоқда. Мураккаб синтактик қурилманинг компонентлари тобе боғланиши бўлганда эса поғонали муносабат шаклланишида эргаштирувчи гап муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, мураккаб қурилма билан аввал эргаштирувчи гап, ундан кейин эса тобе гап поғонали муносабат ташкил этади. Чунки тобе гап олдин ҳоким мавқедаги гап билан синтактик муносабатга киришади ва бу орқали мураккаб синтактик қурилмага поғонали боғланади: *Бир маҳал қарасам, ёнимдан Турсунбой ўтиб қолди* (С.Аҳмад. Уфқ).

Тенг ва тобе боғланиши мураккаб синтактик қурилмалар компонентларининг макрообъект билан поғонали муносабат ташкил этишини қуидагича тасаввур этиш мумкин:



Шундай қилиб, мустақил гапнинг синтактик структурасида сўзларнинг синтагматик муносабатини¹, мураккаб синтактик қурилмаларда эса гапларнинг синтактик муносабатини кўрамиз. Ана шу асосда мустақил гап билан сўзларнинг, мураккаб синтактик қурилмаларда эса улар билан гапларнинг поғонали муносабати ташкил топади². Аммо мазкур поғонали муносабатлар макрохарактерлидир. Зотан, мустақил гапларнинг ҳам, мураккаб синтактик қурилмаларнинг ҳам компонентларининг ҳар бири яна ички микрохарактерли поғонали муносабат қуршовида бўлади. Бошқача айтганда, горизонтал қаторда қанча синтагматик муносабат мавжуд бўлса, поғонали муносабат ҳам шунча турли бўлади.

¹ Қаранг: Андреева С.В. Кўрсатилган асар. 33-бет.

² Қаранг: Хайруллаев X. Нутқ бирликларининг поғонали муносабати. Самарқанд. 2008, 26-45 бетлар.

УЧИНЧИ БОБ

Гапнинг бевосита иштирокчилар ва трансформацион методлар асосидаги таҳлили

Америка дескриптив тилшунослигига тил материалининг лингвистик таҳлили, асосан, дистрибутив, бевосита иштирокчилар ҳамда трансформацион методлар воситасида олиб борилиши хақида ишимизнинг биринчи бобида қисқача эслатиб ўтилган эди. Бу ўринда эса мазкур лингвистик методларнинг гап материали таҳлилида конкрет қўлланилиши хусусида сўз юритилади.

Айтиш лозимки, БИ ва трансформацион методларнинг ҳар иккаласи ҳам тил бирликларининг парадигматик ва синтагматик муносабатлари замирида воқеланди. Шу боис энг аввал ана шу муносабатлар талқинига қисқача тўхтаб ўтамиз.

Парадигматик ва синтагматик муносабатлар

Ф. де Соссюрнинг эътироф этишича, тил системаси ўз бирликларининг икки хил муносабати асосида ташкил топади. Мазкур муносабатларнинг бири *ассоциатив*, иккинчи эса *синтагматик* муносабат номи билан аталади. Ассоциатив муносабат тил бирликларининг инсон онгидаги ҳолати билан бевосита боғлиқ. У ҳар доим ушбу бирликларнинг йифиндисини, мажмуасини тақозо этади¹. Бошқача айтганда, ассоциатив муносабат тил бирликларининг вертикал чизиқдаги (қатордаги) ўзаро боғланиши демакдир. Бироқ кейинчалик бу термин Л.Ельмслев томонидан **парадигматика** термини билан алмаштирилди ва у жаҳон тилшунослигига оммалашиб кетди. Аслида эса ассоциатив ва парадигматик муносабат тушунчалари мазмунан бир хилдир.

Парадигматика термини асосида, албатта, парадигма тушунчаси ётади. Бу тушунча грекча *paradeigma* сўзидан олинган бўлиб, намуна деган маънени англатади². Ҳозирги тилшуносликда эса у *мажмуа, уюшма* маъноларида ҳам фаол қўлланилмоқда. Масалан, ҳар бир тилнинг товуш комплексини ташкил этувчи жами фонемаларни муайян уюшма, яъни парадигма тарзида тушуниш мумкин. Аммо мазкур парадигма макрохарактерлидир, зотан, бунда барча фонемалар мажмуаси назарда тутилади. Агар бу парадигманинг унли ва ундош фонемаларга

¹ Қаранг: Соссюр Ф.де. Труды по языкоznанию. М., 1977. С. 156-159.

² Қаранг: Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. С. 366.

бўлинишига эътибор берсак, унлилар парадигмаси ва ундошлар парадигмаси деб аталувчи микропарадигмалар ташкил этилишини кўрамиз. Аммо айни пайтда микропарадигма тушунчаси нисбий характер касб этади. Чунки унлилар ҳам, ундошлар ҳам яна тил олди, тил орқа, жарангли ва жарангсиз деб номланувчи микропарадигмаларга бўлинади. Бундай вазиятда тил бирликлари мажмуасининг каттароғи кичигига нисбатан макропарадигма мавқеида бўлади. Аммо айни пайтда биз таъкидлаётган макро- ва микропарадигма тушунчалари ҳам нисбийдир. Чунки фонемаларнинг ички дифференциал (ёки меризматик) белгилари ҳам мавжуд бўлиб, бунда ҳар бир фонема макропарадигма аъзоси ҳисобланади ва унинг ўзига хос меризматик белгилари микропарадигмани ташкил этади. Масалан, унлилар микропарадигмаси аъзоси *и* [i] фонемасини оладиган бўлсак, мазкур фонема ўзбек тилида сўз сатҳида келаётган ўрнига (позициясига) қараб, *i¹*, *i²*, *i³* тарзида талаффуз қилиниши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, макропарадигма аъзоси и фонемасининг микропарадигмаси ҳам мавжудлигидан далолат беради. Шунинг учун В.М.Солнцев парадигма тушунчаси *позиция* тушунчаси билан узвий боғлиқ эканлигини алоҳида эслатиб ўтади¹. Бундай мулоҳаза Ю.С.Степанов томонидан ҳам айтилган эди. «Парадигматик муносабат – бу муайян бир позицияда бир-бирининг ўринларини алмаштира оладиган тил бирликларининг муносабатидир»².

Макро- ва микропарадигмалар ҳақида сўз юритилганда шуни ҳам айтиш лозимки, кичик парадигмалар катта парадигмалар ичига уларнинг аъзолари (мучалари) сифатида киради. Бироқ энг катта, ёки бошқача айтганда, супермакропарадигма ҳақида бундай мулоҳаза юритиб бўлмайди. Зотан, бундай парадигма бошка бирор парадигма таркибиға кирмайди ва унинг аъзоси ҳисобланмайди. Масалан, тилимиз системасидаги фонемалар парадигмаси ана шундай хусусиятга эгадир.

Парадигма тушунчасига морфологик нуқтаи назардан ёндашганимизда ҳам юқоридаги каби вазиятни кузатамиз. Бунда супермакропарадигмани сўз туркumlари мажмуаси ташкил этади ва унинг микропарадигмаларини феъл парадигмаси, от парадигмаси, сифат парадигмаси кабилар ҳосил қиласи. Аммо бу ўринда ҳам микропарадигма тушунчаси нисбийдир. Чунки ҳар бир туркумга оид сўз парадигмаси микропарадигмалардан ташкил топади ва бу, ўз навбатида, ўша сўз парадигмасини кейингиларига нисбатан макропарадигмага айлантиради. Қиёслаймиз: от → супермакропарадигма аъзоси; от туркумидаги барча сўзлар → макропарадигма; атоқли отлар, турдош отлар → микропарадигмалар; турдош отлар → нисбий макропарадигма; аниқ

¹ Бу ҳақда қаранг: Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М., 1971. С. 74.

² Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. М., 1975. С. 258.

отлар, абстракт отлар → макропарадигмалар. Макро- ва микропарадигма тушунчалари, албатта, уларнинг поғонали муносабатда эканлигидан далолат беради. Бундай вазиятда макропарадигма субпарадигмаларни ўз сатҳига бирлаштириши боис улар ўртасида иерархик муносабат ҳам вужудга келади.

Парадигма тушунчасига асосланган ҳолда тил бирликларининг парадигматик муносабатлари ҳақида сўз юрита оламиз. Равшанки, ҳар бир парадигмага муштарак хусусиятларга эга бўлган бирликлар бирлаша олади. Масалан, унлилар парадигмаси ундошлар парадигмасидан талаффузи ва бошқа фонетик хусусиятларига кўра фарқланади. Бу эса унлилар парадигмаси аъзоларининг муайян гурухни ташкил этиши учун асос бўлади. Айнан ана шу ҳолат уларнинг парадигматик муносабатини ташкил этади. Ёки атоқли отлар парадигмасини олайлик. Мазкур парадигмага киравчи отлар муайян шахс ёки предметни бошқаларидан ажратиб, яккалаб кўрсатишига кўра шу парадигмага бирлашади. Демак, уларнинг парадигматик муносабатлари ана шу хусусиятларида намоён бўлади.

Кўринадики, парадигматик муносабат муайян парадигмалар ичida аҳамият касб этади. Шу боис бундай муносабатни вертикал режа асосида ўрганамиз. Бошқача айтганда, парадигматик муносабат виртуал характерли тил бирликларининг муштарак белгилари асосида шаклланади. Аммо мазкур муштаракликни кенг маънода тушунмоқ лозим. Чунки бир парадигмага киравчи тил бирликларининг ифода планида фарқ бўлиши ҳам мумкин. Бу ҳақда айтилган А.Бердиалиевнинг қўйидаги мулоҳазалари ибратлидир: « ... ўзаро оппозитив муносабатдаги *меҳнаткаш, иичи, курсдош, боғбон, каптарбоз, ҳукмдор* типидаги сўзларни бир парадигма доирасида туташтириш мумкин. Уларнинг парадигма ҳосил қилиш учун асос саналувчи муштарак белгилари – бу шахс маъносини ифода этиши саналади. Айни ўринда мазкур парадигма қамровидаги ҳар бир аъзо бошқасидан фарқ ҳам қиласи. Фарқ уларнинг ифода материалига (репрезентациясига) қўрадир»¹.

Аммо А.Бердиалиев юқорида келтирилган сўзларнинг ясовчи аффиксларини (- каш, - чи, - дош, - бон, - боз, - дор) муайян парадигмани ташкил этишини тўғри кўрсатгани ҳолда, ясовчи асос вазифасини бажарувчи ўзак морфемаларни (*ииш* ва *меҳнат* ўзак морфемаларидан ташқари) бир парадигмага бирлаштириш қийин эканлигини таъкидлайди.²

¹ Бердиалиев А. Ўзбек тили синтактик парадигматикаси асослари (Педагогика институтлари ўзбек филологияси факультети студентлари учун маҳсус курс). – Тошкент. 1991, 9 – бет.

² Қаранг: Ўша асар. Ўша бет.

Бизнингча, айни пайтда сўз ясовчи аффикс морфемалар парадигмаси мавжуд бўлгач, ясовчи асослар парадигмаси ҳам воқедир¹. Уларни асослар парадигмаси тарзида талқин этиш мақсадга мувофиқдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, баъзи тилшунослар парадигматик муносабатнинг ассоциатив муносабатга қараганда доираси тор эканлигини айтадилар. Б.Н.Головиннинг фикрига кўра, ассоциатив муносабат парадигматик муносабатга нисбатан кенгқамровлидир. Бунинг асосий сабаби Б.Н.Головин парадигма тушунчасини тор маънода талқин этиши билан боғлиқдир: «Парадигму нужно видеть там, где достаточно чётко выражены варианты некоторого инварианта»². Агар мазкур қоидага тўғри келмаса парадигма ҳақида эмас, балки парадигматик майдон, парадигматик қатор тушунчаларидан фойдаланиш лозимлигини таъкидлайди олим³.

Парадигма тушунчаси сўнгги йилларда синтактик структураларга нисбатан ҳам қўллана бошлади. Бу, албатта, трансформацион таҳлил билан узвий боғлиқдир. Зотан, муайян инвариант структура асосида трансформаларнинг шаклланиши ва уларда маъно муштараклиги **синтактик парадигма** ташунчасининг тадқиқотларимиз кун тартибига қўйилиши учун замин яратди.

Синтактик парадигманинг мукаммал талқини Д.С.Уортнинг лингвистик концепцияси асосини ташкил этади. У муайян синтактик қурилманинг нутқда қўлланиши мумкин бўлган барча имкониятларини (вариантларини) синтактик парадигма мучалари сифатида талқин этади. Бундай синтактик структуралар ўртасида ҳатто маънодошлиқ ҳодисаси ҳам баъзан ўта мавхумлашиб қолади: *Талабалар китоб ўқимоқдалар – Китоб талабалар томонидан ўқилмоқда. – Китоб ўқиётган талабалар ва ҳ.к.*

Р.З.Мурясовнинг таъкидлашича, Д.С.Уорт синтактик парадигманинг ўта мураккаб таснифини беради. У содда ва мураккаб парадигмалар ҳақида сўз юритади. Бунда содда парадигмалар муайян структур – семантик инвариантга асосланиши айтилса (*Мен ёздим – Мен ёзаман – Мен ёзаяпман; У профессордир – У профессор эди – У профессор бўлади*), мураккаб парадигмалар иерархик муносабатда бўлиши кўрсатиб берилади (*Талаба китоб ўқияпти – китоб талаба томонидан ўқилмоқда ва ҳ.к.*)⁴.

Кўринадики, Д.С.Уорт содда парадигма номи билан атаган синтактик структуралар парадигмаси мураккаб парадигмани ташкил

¹ Сўз ясовчи асос ва қўшимчалар ҳақида қаранг: Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. Тошкент. 2007, 17-23-бетлар.

² Головин Б.Н. Язык // Общее языкознание. М., 1979. С. 208.

³ Қаранг: Ўша асар. Ўша бет.

⁴ Қаранг: Мурясов Р.З. К теории парадигматики в лингвистике // Вопросы языкознания, 1969, № 5. С. 110.

этувчи қурилмалардан фарқ қиласи. Бошқача айтганда, мураккаб парадигма асосида трансформацион қоидалар ётса, содда парадигмаларда бундай вазият кузатилмайди. Шу боис Уорт синтактик парадигматика трансформацион қоидаларга ҳар доим ҳам бўйсунавермаслигини, унинг мустақил лингвистик ҳодиса эканлигини таъкидлайди¹.

Бизнингча, Д.С.Уортнинг синтактик парадигма ҳақида айтилган назарий мулоҳазалари мазкур ҳодисанинг лингвистик талқини бобида муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги тилшуносликда синтактик парадигматика ҳодисасининг қуидаги икки йўналишда ўрганилаётгани ҳам Уортнинг юқорида эслатиб ўтилган ғоялари билан узвий боғлик, деб ўйлаймиз: 1. Гап структурасидаги ички ўзгаришларга асосланувчи йўналиш. 2. Трансформацияга асосланувчи йўналиш.

Биринчи йўналишда гап синтактик парадигмасининг модаллик, замон, шахс, сон каби тушунчалар билан боғлик ҳолда шаклланиши назарда тутилади. Масалан: *Ўқидим – Ўқияпман – Ўқимоқчиман*. Иккинчи йўналишда эса синтактик парадигманинг трансформацияга асосланган таянч структура ва трансформалар замирида шаклланиши эътиборда бўлади: *Муҳандис янгилик ихтиро қилди – Янгилик муҳандис томонидан ихтиро қилинди – Муҳандиснинг янгилик ихтиро қилиши*.

Тилшунослик фани таракқиётининг ҳозирги даврида нутқ лингвистикасининг илмий асосланаётгани синтактик парадигматика тушунчасининг нуфузини янада оширмоқда ва уни кенг маънода тушуниш лозимлигини далилламоқда. Буни матннинг сегментланиши жараёнида бевосита кузатиш мумкин. Масалан, берилган матн таркибида қатнашаётган мустақил гапларнинг, ёки мураккаб синтактик қурилмаларнинг иккidan ортиқ бўлиши уларнинг парадигмаларини ташкил этиши бунга мисол бўла олади². Бундай вазиятда матн компонентларининг парадигмаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Зотан, улар орқали тилнинг амалда қўлланишини мураккаб система тарзида тадқиқ этишимиз учун имконият яратилади. Айни пайтда Е.И.Шутованинг қуидаги фикрини келтириш мақсадга мувофиқдир: «Введение его (синтактик парадигматика тушунчасини – муал.) в аппарат лингвистического исследования вызвано к жизни потребностями системного изучения синтаксиса, необходимостью представить синтаксический уровень языка как систему единиц»³. Дарҳақиқат, тил ёки нутқ бирликлари масалалари талқинига структур-систем нуқтаи назаридан

¹ Қаранг: Костинский Ю.М. Вопросы синтаксической парадигматики // Вопросы языкознания, 1969, № 5. С. 110.

² Қаранг: Ионова С.В. Вторичный текст в концепциях текстуальности и интертекстуальности // Филологические науки, 2006, №4. С. 92.

³ Шутова Е.И. Вопросы теории синтаксиса. М., 1984. С.70

ёндашиш тилнинг нутқда қўлланилиши муаммосини тадқиқ этишда энг нуфузли воситалардан биридир¹.

Шуни ҳам айтиш лозимки, парадигматик муносабат, унинг микро-ёки макроҳолатда эканлигидан қатъи назар, фақат бир турдаги тил ҳамда нутқ бирликларининг ички боғланишини тақозо этади. Бошқача айтганда, мазкур муносабат уларнинг горизонтал қаторга боғланишини ташкил этмайди. Шу боис парадигматик муносабатни фақат вертикал чизик доирасидагина ўрганамиз. Тил ёки нутқ бирликларининг горизонтал чизик (ёки қатор)даги муносабати синтагматик муносабат деб аталади. Бундай муносабат тилнинг асосий функциясини – коммуникатив функциясини воқелантирувчи асосий омил саналади. Зотан, тил бирликларининг синтагматик муносабати замирида нутқ бирлиги – гап шакланади. Бу эса, ўз навбатида, синтагматик муносабат тилнинг алоқа воситаси вазифасини таъминловчи асосий омил эканлигини кўрсатади². Синтагматик муносабат, албатта, ишимизнинг иккинчи бобида кўриб ўтилган **синтагма** тушунчаси билан узвий боғлиқ, зотан, синтагма – бу синтагматик муносабатнинг маҳсулини тақозо этувчи структур-семантик бутунлиқдир. Уни синтаксиснинг молекуласи, базал структур ячейкаси деб аташ мумкин³.

Синтагматик муносабатни, одатда, сўз бирикмаси ёки гап таркибидаги сўзларнинг ўзаро алоқаси билан боғлаб талқин этишади. Тўғри, сўзларнинг бирикма таркибида бўлса ҳам, гап таркибида бўлса ҳам ўзаро боғланиши синтагматик муносабатни тақозо этади. Бироқ бу жараёнда синтагматик муносабатнинг шаклланиши туркумлараро боғланишда намоён бўлади. Бошқача айтганда, от, феъл, сифат ва ҳ.к. туркумларининг шу туркумларга хос ўзаро муносабатга киришуви синтагматик боғланишни вужудга келтиради⁴. Масалан, *Бу улкан ишининг бошида Шоҳрух Мирзонинг ўзи турди, (П.Қодиров. Она лочин видоси)* гапида олмош, сифат, от ва феъл каби туркумларга хос сўзларнинг ўзаро синтагматик муносабатга киришаётганини кўрамиз.

Аммо шуни ҳам айтиш керакки, синтагматик муносабатни фақат сўзлар боғланишида эмас, балки тил бирликларининг барчаси мисолида кузатиш мумкин. В.М.Солнцев тўғри таъкидлаганидек, синтагматик муносабат фақат синтаксисда эмас, балки тилнинг барча сатҳлари бирликлари ўзаро боғланишида шакланади⁵. Буни морфема сатҳида фонемаларнинг, сўз сатҳида морфемаларнинг ўзаро боғланишида ҳам кўра

¹ Қаранг: Пономаренко Е.В. О развитии системного подхода в лингвистике // Филологические науки, 2004, №2. С. 25.

² Қаранг: Солнцев В.М. Кўрсатилган асар. 67 – бет.

³ Қаранг: Шутова Е.И. Кўрсатилган асар. 51 – бет.

⁴ Қаранг: Солнцев В.М. Кўрсатилган асар 68 – бет.

⁵ Қаранг: Ўша асар. Ўша бет.

оламиз. Шу боис Ю.С.Степанов ҳар бир сатҳ бирликларининг дистрибутив алоқасини синтагматика деб атайди¹. Масалан, *адолат* сўзи сатҳида *а-д-о-л-а-т* тарзидаги фонемалар, *тинчлик* сўзида *тин-ч-лик* ҳолатидаги морфемаларнинг синтагматик боғланишини кўрамиз.

Тил бирликларининг синтагматик муносабати шаклланишида уларнинг қўлланиш обьектидаги ўрни (позицияси) муҳим аҳамият касб этади, зотан, уларнинг ўринларини алмаштириш синтагматик муносабатнинг бузилишига олиб келади. Агар А ва Б бирликларининг ўзаро боғланиши нуқсонсиз бўлса, у ҳолда синтагматик муносабат ҳақида сўз юрита оламиз. Аммо бунинг учун энг аввал мазкур бирликларнинг муносабатга кириша олиш лаёқати мавжуд бўлиши шарт. Акс ҳолда синтагматик муносабат воқеланмайди².

Синтагматик муносабатнинг ўзига хос жиҳатларидан бирини унинг, парадигматик муносабатдан фарқли равишда, реал кузатилиши мумкинлигига кўрамиз. Фонемаларнинг, морфемаларнинг, сўзларнинг ва ҳ.к. ўзлари таркибига кираётган сатҳлар ичида ўзаро боғланиб, синтагматик занжир ҳосил қилаётганини bemalol кузатиш мумкин. Уларнинг синтагматик муносабатлари дистрибутив хусусиятларига ёхуд валентлик кучларига кўра воқеланади. Бошқача айтганда, фонемаларнинг синтагматик боғланиши дистрибутив хусусиятлари асосида шаклланса, морфема ва сўзларнинг ўзаро алоқага киришуви дистрибутив хусусиятларидан ташқари, синтактик валентлик даражаларига ҳам боғлиқдир³.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Л.Ельмслевнинг лингвистик таълимотига биноан кўп йиллар давомида тилшуносликда тил бирликларининг парадигматик муносабатини морфологик ҳодиса тарзида, синтагматик муносабатини эса синтактик ҳодиса сифатида талқин этилиб келинди. Бироқ Прага тилшунослик мактаби мазкур ғояни инкор этди ва парадигматика ва синтагматика фақат морфология ва синтаксисда эмас, балки тилнинг барча сатҳларида намоён эканлигини илмий асослаб берди⁴. Дарҳақиқат, парадигматик ва синтагматик муносабатни тилнинг энг кичик бирлиги фонемалар сатҳидан бошлаб энг катта сатҳларигача бўлган лингвистик ҳудудда қайд эта оламиз. Бироқ бажарилаётган тадқиқотнинг олдига қўйилган мақсади билан боғлиқ ҳолда, гоҳ парадигматик муносабатга, гоҳида эса синтагматик муносабатга кўпроқ эътибор қаратилади.

¹ Қаранг: Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. М., 1975. С. 227.

² Қаранг Сова Л.З. Аналитическая лингвистика. М., 1970. С. 97.

³ Морфемалар валентлиги ҳақида қаранг: Степанова М.Д. Проблемы теории валентности в современной лингвистике // ИЯШ, 1973, № 6.

⁴ Қаранг: Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. С. 448.

Америка дескриптив тилшунослигига тил бирликларининг синтагматик муносабатини ўрганиш устувор аҳамият касб этади. Бу, албатта, мазкур мактабнинг тил материалини тадқиқ этиш методлари билан боғлиқ. Зотан, дистрибутив, бевосита иштирокчилар ва трансформацион методларнинг ҳар бири синтагматик муносабат замирида иш юритади. Буни гапнинг бевосита иштирокчилари таҳлилида янада аникроқ кузатиш мумкин. Чунки БИ тушунчасининг луғавий маъносининг ўзи тилнинг бирор бирлигининг бошқа бирлик билан синтактик муносабатда эканлигини тақозо қиласди.

Айни пайтда биз *синтактик муносабат* тушунчасидан фойдаландик. Равшанки, синтагматик муносабат ва синтактик муносабат тушунчалари узвий боғлиқдир. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам горизонтал чизиқда тил бирликларининг ўзаро боғланишини назарда тутади. Бироқ мазкур тушунчаларнинг амалда қўлланилишида фарқ кузатилади. Масалан, фонемаларнинг, морфемаларнинг ўз сатхлари ичида муносабатга киришувини тадқиқ этганимизда синтактик муносабат тушунчасидан фойдалана олмаймиз. Бу ўринда синтагматик муносабат тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Сўз ва мустақил гапларнинг ўзаро боғланиши масаласи талқинида эса синтактик муносабат тушунчасидан фойдаланамиз. Умуман олганда эса, фонема, морфема, сўз ва гапларнинг ўзаро боғланиши синтагматик чизиқда рўй беришини назарда тутадиган бўлсақ, синтагматик муносабат тушунчасининг мазмуний қамрови синтактик муносабат тушунчасидан кенгроқ эканлиги намоён бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, парадигматик ва синтагматик муносабатларнинг бири вертикал, иккинчиси эса горизонтал чизиқларда ифода этилиши боис, улар муайян оппозицияни ташкил қилиши шубҳасиздир. Бироқ шу билан бирга, синтагматика ичида парадигматик муносабат, (масалан синтактик парадигматика ҳодисаси) воқеланиши каби парадигматика ичида синтагматик муносабат ҳам кузатилади. Морфема сатхида фонемаларнинг, сўз сатхида морфемаларнинг синтагматик муносабат ташкил этиши бунинг ёрқин далили бўла олади. Бу эса, ўз навбатида, парадигматик ва синтагматик муносабатлар, гарчи оппозицион ҳолатда яшаса-да, узвий боғлиқ ҳодисалар эканлигини кўрсатади.

Гапнинг бевосита иштирокчилар методи асосидаги таҳлили

БИ методининг тил материалига самарали қўлланиши мумкинлиги ва унинг айрим тамойиллари дескриптив тилшуносликда Л.Блумфилд томонидан айтилган ва кўрсатиб берилган эди. Аммо шуни ҳам айтиш лозимки, мазкур методнинг тамойилларида кўзда тутиладиган асосий

мақсад ва вазифаларга яқин ғоялар Ф.де Соссюрнинг лингвистик қарашларида ҳам кузатилади¹.

Бироқ БИ методининг дастлаб тил материалига татбиқ этилиши ва унинг асосий тамойилларининг ишлаб чиқилиши америкалик тилшунос К.Пайк номи билан боғлиқ. К.Пайк ўзининг “Таксемалар ва бевосита иштирокчилар” деб аталувчи мақоласида бу методни биринчи бор амалда қўллаган эди. Шундан сўнг, “Language” илмий журналида мазкур масала қизгин муҳокама этила бошлади ва бу, ўз навбатида, БИ методининг тадқиқотлар мундарижасидан кенгроқ ўрин олишига кўмаклашди².

Структур тилшуносликнинг тараққиёти кейинги даврларида БИ методининг назарий ва амалий масалалари америкалик тилшунослар Р.Уэллс, З.Харрис, Ч.Хоккет, Е.Найдалар томонидан янада мукаммалроқ талқин этилди ва бунинг натижаси ўлароқ, БИ методи фонологик тадқиқотлардан бошлаб, сўз ясалиши структураси, сўз бирикмалари ва гап структурасининг таҳлилида фаол қўлланила бошлади.

Мазкур методнинг фонологик тадқиқотларга татбиқ этилишини Ч.Хоккетнинг илмий ишларида кузатамиз. Бунда асосий эътибор сўзнинг бўғинларга ажратилишига қаратилади ва ҳар бир бўғинда унинг бошланиши, юқори нуқтаси ҳамда пасайиши каби интонация билан боғлиқ бўлган БИ қатламлар мавжуд эканлиги кўрсатиб берилади. Масалан, bit (бўлак, парча) сўзида бошланғич БИ тарзида [b], кейинги БИлар (юқори нуқта, оҳанг пасайиши) сифатида [:t] ажратилади. Мазкур сўзни [bi:], [t] ҳолатида БИларга бўлиб бўлмайди, зотан, бунда b ва i фонемалари [bi] тарзида муносабатга кириша олмайди³.

Албатта, бу сингари фонологик ҳолат барча тилларда бир хил кечмайди. Масалан, ўзбек тили материалида буни қуйидагicha тасаввур этиш мумкин: *тош* = бошланғич ва юқори нуқта [to], пасайиши [S]; *бел* = бошланғич ва юқори нуқта [be], пасайиши [l].

Берилган бир бўғинли сўзларнинг ҳар иккаласида ҳам иккитадан БИ мавжудлигини кўрамиз. Мазкур БИларнинг ҳар бири оҳанг воситасида белгиланади. Бундай вазиятни икки ёки кўп бўғинли сўзларда ҳам кузатиш мумкин, зотан, бўғиннинг қанча бўлишидан қатъи назар, фонологик БИлар ҳар сафар алоҳида бўғин таркибида белгиланади. Масалан, асал, амал сўзларининг ҳар бирида бир хил БИлар мавжудлигини кўрамиз: [a] – [sa] – [l]; [a] – [ma] – [l].

¹ Қаранг: Апресян Ю.Д. Непосредственно составляющих метод // Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. С. 332.

² Қаранг: Слюсарева Н.А. Лингвистический анализ по непосредственно составляющим // Вопросы языкоznания. 1960, №6.

³ Қаранг: Слюсарева Н.Д. Ўша журнал. 105-бет.

БИ методининг морфематик сатҳ бирликлари доирасида қўлланишида америкалик структуралистлар аксарият ҳолларда Л.Блумфилднинг лингвистик қарапшарига асосланишиди. Равшанки, Л.Блумфилднинг лингвистик концепциясида асосий морфологик бирлик сифатида морфема устувор аҳамият касб этади. Шу боис аксарият тилшуносалар гапнинг БИларга бўлинишида энг кичик бирлик сифатида сўзни эмас, балки морфемани эътироф этишади. Бунинг далилини С.Чатменнинг тадқиқот ишларида кўришимиз мумкин. С.Чатмен гапни БИларга ажратишда таҳлилнинг охирги босқичи морфема билан якунланишини таъкидлайди¹. Бу эса, ўз навбатида, морфемани синтактик таҳлил бирлигига айлантириб қўяди ва натижада морфология билан синтаксис ўртасидаги фарқни максимал даражада қисқартириш учун хизмат қиласди.

БИ методидан мустақил сўз сатҳида қўлланадиган морфемалар таҳлилида ҳам фойдаланиш мумкин: ўқитувчи. Бу ўринда қуйидаги БИлар мавжудлигини кузатамиз: ўқи + т = биринчи БИ; -ув + чи = иккинчи БИ.

Ёки одамгарчилик сўзи таркибидаги морфемалар БИ мақомида келишига эътибор қаратсан, қуйидаги вазиятни кузата оламиз:

Одам+гар = биринчи БИ; -чи+лик= иккинчи БИ.

Келтирилган мисолларда БИларнинг тўғри ёки нотўғри белгиланганлигини текшириб қўриш учун морфемаларнинг қўлланиш дистрибуцияларини ўзгартириб қарашимиз мумкин:

Одам+чи; -гар+лик; ўқи+ув; -т+лик.

Айни пайтда, албатта, БИларнинг нотўғри белгиланганлигини кўрамиз. Чунки мазкур морфемалар синтагматик муносабати бу тарзда воқеланмайди.

Юқорида айтилган фикр ва мулоҳазалар билан бир қаторда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, морфемалар доирасида БИларни белгилаш ҳар доим ҳам силлиқ кўчавермайди. Баъзи сўзлар таркибида морфема мақомида маъносиз унсурлар ҳам келиши мумкин. Н.Д.Слюсарева бунга рус тилидаги *пароход* сўзида қўлланаётган иккичи бўғиндаги о унлисини мисол келтиради². Дарҳақиқат, бу ўринда мазкур унли муаммо туғдиради. Уни *пар* ва *ход* морфемаларининг бирортасига қўшиш лозимми, ёки учинчи БИ тарзида белгилаш керакми, деган саволнинг кўндаланг туриши табиий, албатта. Рус тилшунослигига бундай унсурларни “пустой морф” деб атасалар, америка структурализмида бу ўринда “empty morph” терминидан фойдаланадилар. Бирок бу сингари маъносиз морф

¹ Қаранг: Chatman S. Immediate constituents and expansion analysis. «Wort», voll. 11, №3, 1955. P. 347.

² Қаранг: Слюсарева Н.Д. Кўрсатилган журнал. 104-бет.

тушунчасини нол морфема билан тенглаштирмаслик лозим. Нол морфеманинг морфологик ифодаси (реал ифодаси) бўлмайди ва шу боис у БИ мақомига эга бўла олмайди. Масалан, *китоб* сўзи ўзак морфемани ташкил этишидан ташқари, мазкур сўзнинг бирлик, турдош от, бош келишикда эканлигини кўрсатувчи нол морфеманинг (\emptyset) товуш билан белгиланувчи реал ифодаси йўқ. Айни пайтда биз маъносиз деб атаётган морфема эса ҳар доим реал ифодали бўлади ва БИ таҳлилида аҳамият касб этади: *электропоезд*. Бундай вазият ўзбекча сўзларда ҳам кузатилади. Масалан, *акаси, опаси* сўзларида –и эгалик аффикс морфемасидан олдин С ҳарфи (товуши)нинг келиши фикримиз далили бўлиши мумкин. Бироқ бу ўринда *с* –и морфемаси билан қўшилиб яхлитлигича –си тарзидаги морфемани ифода этади. Шу боис уни маъносиз морфема деб бўлмайди. Демак, *акаси, опаси* сўзлари таркибида *a – ka – si, o – pa – si* ҳолатидаги БИ морфемалар ажратилади.

Сўзларнинг синтагматик чизик сатҳидаги боғланиши эса, гарчи сиртдан морфемаларнинг ўзаро муносабатга киришувига ўхшаса – да, ўзига хос жиҳатлари билан алоҳида ажралиб туради. Буни биринчи галда морфемалар билан сўзларнинг ўз обьектлари сатҳидаги синтактик боғланишида кўрамиз. Морфемалар боғланиши ҳар доим кетма-кет келиши ва шу билан бирга, ўз синтактик позицияларининг барқарорлиги билан сўзлар боғланишидан фарқ қиласди. Бошқача айтганда, морфемалар муносабати контакт боғланиши тақозо этади. Уларда дистант боғланиш кузатилмайди. Сўзлар муносабатида, эса уларнинг динамиклик хусусияти муҳим аҳамият касб этади. Масалан, *Баҳор келди* жумласининг компонентларини алмаштириб қўллаш ҳам мумкин; *Келди баҳор*. Бундан ташқари, сўзлар контакт боғланиш билан бирга дистант боғланишли бўлиши ҳам мумкин: *Собир эртага келади*. Келтирилган мисолда *Собир ва келади* сўзлари, эртага сўзи орқали дистант ҳолатда қўлланилган бўлишига қарамай, бири грамматик субъект, иккинчиси эса предикат вазифаларида келмоқда. Бу, албатта, уларнинг нафақат синтактик, балки мантиқий-семантиқ жиҳатдан ҳам узвий муносабатда эканини кўрсатади. Бироқ сўз сатҳидаги мөфемаларнинг, гап таркибидаги сўзларнинг ўзаро боғланишининг ҳар иккаласи ҳам синтактик муносабатни тақозо этади. Америкалик тилшунос Г. Глисон шу боис сўз ясалиши, сўз ўзгариши ҳамда турли хил мураккаб структуралар шаклланиши тамойилларини синтаксис деб атайди ва синтаксис билан морфологиянинг чегараларини катъий тарзда белгилаш қийин эканлигини такидлайди¹.

Дарҳақиқат, аввал эслатиб ўтганимиз каби, синтактик муносабатлар морфологик структуралар ичida туғилади. Бу эса, ўз навбатида, синтаксис билан морфологиянинг бирмунча яқинлашувига сабаб бўлади. Масала

¹ Қаранг: Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. М., 1959. С.185.

моҳияти сўз сатҳида морфемаларнинг, гап таркибида эса сўзларнинг БИлар тарзида боғланишини тадқиқ этиш жараёнида янада аниқроқ намоён бўлади.

Тил бирликларининг муайян объект сатҳида ўзаро боғланиши ҳар доим ҳам мазкур объектнинг БИ унсурлари сифатида воқеланавермайди. Маълум бир объект таркибида қатнашаётган тил бирликлари БИ тарзида эмас, балки оддий иштирокчи сифатида фаоллик кўрсатиши ҳам мумкин. Бироқ энг муҳими, уларнинг БИ ёки оддий иштирокчилигига эмас, балки синтактик муносабатнинг ташкил этилишидадир. Синтактик муносабат эса баъзан бевосита воқеланса, аксарият ҳолларда спиралсимон кўринишда бўлади. Фикр далили учун қуидаги мисолга мурожаат этайлик: *Кўкимтири туман орасидан элас-элас кўринган довон ортида аждодларнинг юрти ётибди.* (О.Ёқубов. Улуғбек хазинаси).

Берилган мисолда ўнта сўз қатнашиб, уларнинг синтактик боғланиши қуидагича содир этилмоқда:

Бевосита боғланиши
кўкимтири туман
туман орасидан
элас-элас — кўринган
кўринганъ довон
довонъ ортида
аждодларъ юрти
юрти — ётибди


Билвосита боғланиши
кўкимтири-орасидан
восита: туман
элас – довон
восита: кўринган
кўринган – ортидан
восита: довон
аждодлар – ётибди
восита: юрти

Кўринадики, — белгиси орқали сўзлар ўртасидаги бевосита синтактик боғланиш белгиланиб, бунда тўғридан-тўғри муносабат вужудга келаётгани кузатилади. Сўзлар муносабатининг – белгиси орқали кўрсатилишида эса билвосита боғланиши кўрамиз. Масалан, *кўкимтири ва орасидан, довон ва элас-элас, кўринган ва ортида, аждодлар ва ётибди* сўзлари ўртасида бевосита синтактик алоқа кўзга ташланмайди. Улар ўртасида муайян морфологик воситалар ёрдамида синтактик муносабат шаклланмоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, гап компонентларининг бевосита синтактик муносабатда келишида сўзлар позицияларига кўра контакт муносабат касб этса ҳам, мазкур ҳолат асосий шартни тақозо этмайди. Чунки гап сатҳида сўзлар дистант ҳолатда ҳам узвий синтактик алоқада бўлиши мумкин. Буни берилган мисолдаги *ортида* ва *ётибди* сўзларининг синтактик боғланишида кузатамиз.

Келтирилган гап компонентларининг синтактик муносабатини схематик тарзда қуидагича кўрсатиш мумкин:

Кўкимтири туман орасидан элас-элас кўринган довон ортида ажд. юрт. ётиб.



Кўринадики, мазкур гап компонентларининг узвий синтактик муносабати дастлаб олтига бўғинда, кейин уч, охирги босқичда эса икки бўғинда (умумлашган ҳолда) содир бўлмоқда. Мазкур метод, албатта, гап компонентларининг қайдаражада синтактик муносабатга киришаётганини кўрсатишда устувор аҳамият касб этади. Бироқ, гап компонентларининг барчасини ҳам бир тарзда бевосита иштирокчилар деб бўлмайди. Мазкур масалани батафсил талқин этмоқ учун энг аввал қурилма тушунчасига изоҳ бериш лозим бўлади. Масалан, *Акам қишлоқда яшайди* ҳолатидаги структурани қурилма деб атай оламиз. Шу қурилма ичида келаётган *акам яшайди, қишлоқда яшайди* каби синтактик структуралар ҳам қурилма мақомида талқин этилиши мумкин. Аммо ушбу гапнинг *акам қишлоқда* ҳолатидаги бўлагини қурилма деб бўлмайди. Зотан, бунда икки сўз ўртасида синтактик муносабат йўқ. Г.Глисоннинг фикрига кўра, таркибида морфемалар боғланаётган сўзларни ҳам қурилма тарзида талқин этиш мумкин¹. Масалан, *китоблар, ўйинчи, пахтакор* сўзлари ҳам морфологик нуқтаи назардан қурилма саналади. Чунки берилган сўзларда ўзак ва аффикс морфемалар ўртасида синтагматик муносабат мавжуд: *китоб – лар, ўйин – чи, пахта – кор*.

Равшанки, кенг ҳажмли синтактик қурилмалар сўзлардан ҳамда микроқурилмалардан ташкил топади. Ана шу сўзлар ва микроқурилмаларнинг барчаси макроқурилманинг синтактик структураси *иштирокчилари* саналади. Масалан: *Ногаҳонда дарё томондан эсган шабададан хуржундан бўшаган елкаси ажабтовур яйраб кетди* (М.Али Сарбадорлар).

Келтирилган макроқурилманинг ўн битта сўз ва *ногаҳонда дарё томондан эсган шабада, хуржундан бўшаган елкаси, ажабтовур яйраб кетди* тарзида шаклланган учта микроқурилмадан ташкил топаётганини кўрамиз. Бунда, албатта, ҳар бир сўз ўзича иштирокчи бўлишидан ташқари, микроқурилмаларнинг шаклланиши учун ҳам хизмат қилмоқда. Бу эса уларнинг бир пайтнинг ўзида ҳам макро- ва ҳам микроқурилмаларнинг иштирокчилари эканлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, муайян бирлик бутуннинг қисми бўлиб келганда уни иштирокчи

¹ Қаранг: Глисон Г. Кўрсатилган асар. 190-бет.

деб, кичик қисмларнинг бирикувидан ташкил топган бутунликни эса қурилма деб атамиз¹.

Бевосита иштирокчи (БИ) деганда, муайян синтактик қурилманинг (айни пайтда, албатта, гап ва унинг таркибий қисмини ташкил этувчи бевосита иштирокчилар назарда тутилмоқда) бири иккинчиси билан узвий синтактик алоқада бўлган қисмларини тушунамиз: *Кичик ирмоқлардан катта дарёлар ҳосил бўлади.*

Мазкур гапда дастлаб қуйидаги БИларни ажратиш мумкин: *Кичик ирмоқлардан – катта дарёлар – ҳосил бўлади.* Таҳлилнинг иккинчи босқичида эса *Кичик ирмоқлардан – катта дарёлар ҳосил бўлади* тарзидаги икки БИ грух белгиланади. Айни пайтда шуни ҳам айтиш лозимки, макроқурилмада БИ мақомида келган бирликлар компонентлари микроқурилма сатҳида унинг БИлари эмас, балки оддий иштирокчилари ҳисобланади. Масалан, макроқурилмада БИ ҳисобланган *Кичик ирмоқлардан* қурилмаси алоҳида олинса, унинг *кичик* ва *ирмоқлар* компонентлари оддий иштирокчиларга айланади.

Ишимизнинг олдинги бобида эслатиб ўтилгани каби, структур тилшуносликда тил материалининг таҳлили жараёнида элементар математик тушунчалардан фойдаланилади. БИ методи билан иш юритганимизда ҳам, унинг фонологик, морфологик ёки синтактик бирликлар материалига қўлланишидан қатъи назар, ана шундай математик тушунчалардан бири – *алгоритмдан* фойдаланамиз.

Алгоритм термини аслида арабча бўлиб, у математикада бирор масалани ечиш учун қўлланадиган усуллар қатъий кетма – кетлигини тақозо этади². Мазкур тушунча структур тилшуносликда ҳам, хусусан, глоссематика ва дескриптив тилшуносликда айнан ана шу маънода қўлланилади. Фарқ фақат математик тушунчалар ўрнига лингвистик тушунчалар ишлатилишидадир. Аникроғи, математик усуллар лингвистик маъно касб этади.

Ю.Д.Апресян гапда сўз шакларининг синтактик боғланишида алгоритм икки қисмга бўлинишини такидлайди: 1) муайян тилнинг элементар синтактик қоидаларининг қўлланиши; 2) одатдаги тадқиқот моделидан фарқ қилувчи гапнинг синтактик структурасининг дарахтсимон (вертикал ҳолатдаги) шажарасини беришга асосланган алгоритм.

Гап синтактик структурасининг дарахтсимон шажарасини берувчи таҳлилда қуйидаги белгилар истеъмолга киритилади: N – от ва бош келишик шаклидаги кишилик олмошлари; A – сифат (адъектив), V – феъл, P – предлог; с – боғловчи ва ҳ.к. Бироқ мазкур белгилар (символлар)

¹ Қаранг: Глисон Г. Кўрсатилган асар. 190-бет.

² Қаранг: Словарь иностранных слов. М., 1988. С. 25.

мустақил гап компонентларининг ўзаро синтактик муносабатини кўрсатишида қўлланади. Шу боис агар қўшма гап берилган бўлса, у ҳолда дастлаб уни икки қисмга ажратувчи алгоритмдан, кейин эса мустақил гаплар таҳлили билан боғлиқ алгоритмдан фойдаланилади¹.

Шуни ҳам айтиш лозимки, гапнинг БИ таҳлилини беришда юқоридагилардан ташқари, GN (от гурӯҳи) ва GV (фөъл гурӯҳи) белгилари ҳам қўлланади. Бу белгилар гапнинг БИ таҳлили алгоритмининг асосини ташкил этади дейиш мумкин. Чунки ҳар қандай гап ҳам (албатта содда ёйик ҳолдаги) дастлаб номинал (от) ва вербал (фөъл) гурӯҳларига бўлинади. Агар грамматик субъект ва предикатдангина иборат гап берилган бўлса, уни БИларга эмас, фақат иштирокчиларгагина бўлиш мумкин. Масалан, *Гўзалар гуллади*, *Баҳор келди* жумлаларида фақат иштирокчилар мавжуд, холос. Бундай вазиятда N+V формуласидан фойдаланамиз. Лекин берилган минимал шаклли гапларни *Бизнинг далаларда гўзалар гуллади*, *Биз согинган баҳор келди* тарзида кенгайтирсак, N+V формуласига асосланувчи алгоритмни эмас, балки d (детерминатив - аниқловчи) + N₁ + N₂ + V; N₁ +d + N₂ + V формуулаларини тақозо этувчи алгоритмни қўллаш талаб қилинади.

Бундан ташқари, БИ методи билан қўшма гап (МСК) таҳлил қилинганида яна янги алгоритмга мурожаат этишга тўғри келади. Буни қўйидагича белгилаш мумкин: D (дискурс ёхуд микроматн), P₁ дискурснинг биринчи иштирокчиси, P₂ унинг иккинчи иштирокчиси. D = P₁ + P₂ формуласига асосланган алгоритмда эса P₁ ва P₂ яхлитлигича тасаввур этилади ва БИ саналади. Куйида БИ таҳлилиниң конкрет тил материалларига татбиқ этилишига тўхталаамиз:

Сунбулнинг ҳар баргидан тиниқ булоқ суви томиб туради.
(А.Мухтор. Чинор).

БИ методининг шартига кўра, берилган гап таҳлилиниң ҳар бир босқичида иккига бўлинади ва сўнгги босқичга келиб, бўлинмайдиган унсурлар қолади. Бу ҳолат БИ таҳлилиниң қатъий алгоритмини тақозо этади².

Сунбулнинг ҳар баргидан / тиниқ булоқ суви томиб туради.

Мазкур бўлиниш натижасида от ва феъл гурӯҳларидан иборат БИларга эга бўламиз. Буни формула билан қўйидагича ифодалаш мумкин:

$$P(\text{гап}) = GN + GV$$

Гапнинг БИ таҳлилиниң биринчи босқичида ҳосил бўлган от ва феъл гурӯҳлари таҳлилниң иккинчи босқичида яна иккига бўлинади:
Сунбулнинг // ҳар баргидан / тиниқ булоқ суви // томиб туради.

¹ Қаранг: Апресян Ю.Д. Кўрсатилган асар. 130-132 - бетлар

² Қаранг: Турниёзов Н., Хайруллаев Х. Структур таҳлил методлари ва трансформация назарияси хақида // Xorijiy filologiya. 2007, 1-сон. 42-бет.

Кўринадики, таҳлилнинг ҳар бир босқичи таёқчалар (чизиқча) билан кўрсатилади ва бу таёқчалар таҳлилнинг муайян босқичини белгилайди:
Сунбулнинг // ҳар /// баргидан / тиник /// булоқ /// суви // томиб туради.


Бажарилган БИ таҳлили натижасини формуулалар воситасида қўйидагича кўрсатиш мумкин:

1. $P = GN + GV$.
2. $GN = d + GN$; $GV = GN + V$.
3. $GN = d + N$; $GV = d + GN$
4. $d + N$.

Синтактик структураларни БИларга бўлишда ҳар бир БИ таркибидаги унсурларнинг бири базал (ядровий) характерли, унинг ёнидаги унсурлар эса тобе характерли бўлади¹. Келтирилган мисолда буни қўйидагича тасаввур қила оламиз: сунбулнинг ҳар бир баргидан → базал унсур *барг*; тиник булоқ суви томиб туради → базал унсур *томиб туради*.

Базал ёки ядовий ва унинг тасарруфидаги тобе унсурларни белгилаш БИ гурухлар ва уларнинг чегарасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади, зотан, базал унсур мустақил ҳолда, яъни тобе унсурларнинг иштирокисиз ҳам қўлланиши мумкин. Тобе унсур эса ҳар доим базал унсурнинг кўмагига муҳтоҷ бўлади ва шу тарзда қўлланади. Шунинг учун тобе унсурларни маргинал характерли деб юритилади².

Гапнинг БИ методига асосланган таҳлилини икки хил усулда – горизонтал ва вертикал усулларига кўра бажариш мумкин. Юқорида берилган гапнинг горизонтал усулдаги таҳлилини кўриб ўтдик. Унинг вертикал усулдаги таҳлили эса қўйидагича бўлади:



Сунбулнинг ҳар баргидан

тиник

булоқ суви томиб туради

¹ Березин Ф.М., Головин В.Н. Общее языкознание. М., 1970. С. 336.


² Қаранг: Березин Ф.М., Кўрсатилган асар. 336-бет.

Горизонтал усулда берилган операцияни **БИ анализи**, вертикал усулдаги операцияни эса **БИ синтези** деб юритилади. Горизонтал усулдаги операцияда асосий эътибор гапнинг БИ гурухларга бўлинишига қаратилади, вертикал усулда эса БИ гурухларнинг қайтарзда шаклланаётганини кўрсатиб бериш устувор аҳамият касб этади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, БИ унсурлар ҳар доим ҳам контакт муносабатли бўлавермайди. Бу эса уларни белгилашда муайян қийинчилик туғдиради: *Бу йил рамазон саратон ойига тўғри келди* (*П.Қодиров. Она лочин видоси*).

Келтирилган гапда рамазон ва тўғри келди сўзлари БИ хисобланса ҳам, улар дистант ҳолатда эканини кўрамиз. Бу эса, ўз навбатида, БИ таҳлилини қисман мураккаблаштиради:


Бу // йил / рамазон // саратон /// ойига // тўғри келди.




Кўринадики, берилган гап БИ таҳлилиниң горизонтал усулида ҳам, вертикал усулида ҳам гап структурасининг энг муҳим бевосита иштирокчиларидан бири (анъанавий грамматик субъект ва предикат) дистант ҳолатда боғланмоқда. Бироқ бу вазият мазкур унсурларнинг БИ мақомида келишига тўсиқ бўла олмайди. Юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш керакки, баъзи нутқ муҳитида узвий контакт муносабатда бўлган БИ унсурларни мутлақо ажратиб қўйиш ҳам мумкин. Бундай вазият нутқда оҳанг (пауза) билан, ёзувда эса вергул воситасида вужудга келади:

Сиз ахмоқ одам эмассиз.

Келтирилган мисолда БИлар боғланишини қуйидаги икки усулда кўрсатиш мумкин:



Сиз ахмоқ одам эмассиз




Сиз ахмоқ одам эмассиз

Биринчи шажарада сиз ахмоқ тарзида муносабатда бўлган БИ унсурлар, иккинчи шажарада сиз эмассиз, ахмоқ одам ҳолатида БИ муносабатини ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, шажараларнинг ҳар бири берилган гап БИ таҳлилини ўзича мустақил алгоритмга асосланган ҳолда ифода қилмоқда.

БИ методи мураккаб синтактик қурилмага (қўшма гапга) қўлланилганда мустақил гап БИ таҳлили алгоритмидан фарқли қоидалар кетма-кетлигига асосланилади. Бунда БИ таҳлилининг биринчи босқичи МСҚни мустақил гапларга ажратишдан боғланади¹. Таҳлилнинг кейинги босқичларида эса юқорида берилган мустақил гаплар таҳлилида асосланилган алгоритмдан фойдаланилади: *Баҳор келди ва гуллар очилди*.

Келтирилган тенг компонентли МСҚ икки БИ гуруҳдан ташкил топган бўлиб, мазкур гуруҳларнинг ҳар бири мустақил элементар гапларни тақозо этади. Аммо айни пайтда МСҚ таркибида ва боғловчиси бўлгани боис, таҳлил учун горизонтал усулни эмас, балки вертикал усулни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг асосий сабаби МСҚ таркибида икки БИ гуруҳнинг бирортаси таркибига ҳам кирмайдиган боғловчининг қатнашаётганидадир. Боғловчи МСҚ структурасининг оддий иштирокчиси саналади, уни БИ тарзида кўрсатиб бўлмайди:


¹ Қаранг: Turniyozov N.Q. Xorijiy mamlakatlar lingvistik nazariyaları. Samarqand. 2007, 23 – бет; Турниёзов Б. Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси. Самарқанд. 2008, 37-38 бетлар.



Демак, мазкур МСҚ синтактик структурасининг БИ таҳлили қолдиқлидир. Бундай вазият МСҚнинг айрим кўринишларида янада кескинроқ бўлиши мумкин. Масалан, қуйидаги МСҚни БИларга ажратганимизда —ю ва аммо унсурларининг ҳар иккиси ҳам бевосита иштирокчилар таркибиغا кирмайди:

Мария Васильевна калта-калта жавоб бериб турибди-ю, аммо ич-ицидан қийналиб кетаётгани билиниб қоларди (A.Мухтор. Чинор).

Бироқ бу билан МСҚ синтактик структураси БИларга бўлинганда ҳар доим ҳам қолдиқли бўлади, деб бўлмайди. Компонентлари боғловчисиз боғланган МСҚ структурасининг БИ методига асосланган таҳлилида бунинг тасдифини кўришимиз мумкин: *Гузар, кўчалар ҳовиллаб қолган, бирон кимса кўринмас эди (A.Мухтор. Чинор).*



Гузар, кўчалар ҳовиллаб қолган бирон кимса кўринмас эди

Бундай вазият тобе компонентли мураккаб синтактик қурилмаларда ҳам кузатилади:

Бугдойи ўриб олинган сап-сариқ қирлар тугаб, узоқда қорайиб кўринган ҳайбатли тоғлар тез яқинлаша бошлиди (A.Мухтор. Чинор).

Мазкур мисолда МСҚнинг тобе компонентли кесими таркибида келаётган равищдош шаклини ясовчи –б аффикс морфемаси сўз ўзагига қўшилиб унинг грамматик шаклини ясаётгани боис, қолдиқ ҳосил қилмайди. Тобе компонентли МСҚ структурасида боғловчи вазифасида келадиган кўпгина морфологик воситалар, масалан, –гач, –са, –ган, –гандан, –ки, –дай, –дек ва х.к. кабилар таркибида ўзлари келаётган сўзлар доирасида БИлар шаклланиши учун хизмат қиласи ва улар билан бирикиб кетади.

Юқоридагилар билан бир қаторда шуни ҳам айтиш лозимки, МСҚ структурасини БИларга ажрататганда бевосита иштирокчи гурухлар компонентлари дистант алоқада бўлиши ҳам кўп кузатилади. Аммо мазкур ҳодиса мустақил гаплардагидан бу ўринда кескин фарқ қиласи. Чунки айни пайтдаги дистант муносабат сўзлар доирасида эмас, балки гаплараро характер касб этади:

... Умида касалга яқинлашишига юраги дов бермай, кечгача ўзини иложи борича четга олди (А.Мухтор. Чинор.)

Мазкур МСҚда Умида сўзи ўзи қатнашаётган тобе гап таркибида келаётган сўзлар билан эмас, балки ҳоким мавқедаги гап таркибида кесим вазифасидаги четга олди сўзлари билан БИ гуруҳ ташкил этмоқда. Буни Умида сўзини ҳоким гап таркибига кўчирсан, янада яхшироқ кузатиш мумкин: *Касалга яқинлашишига юраги дов бермай, Умида кечгача ўзини иложи борича четга олди*. Бироқ БИ методининг шартига кўра, бундай операция ман этилади, зотан, синтактик структура қандай берилган бўлса шундайлигича таҳлил этилиши лозим.

Бизнингча, МСҚ структурасининг БИ таҳлили билан боғлиқ баъзи масалалар изоҳталабдир. Хусусан, МСҚ таркибий қисмларини боғловчи морфологик воситалар, юқорида кўриб ўтганимиз каби БИларнинг гаплараро дистант муносабати масала тавсифига муайян ўзгаришлар киритишни талаб қиласи.

МСҚнинг БИ таҳлилида боғловчилар қолдиқ ҳосил қилиши мумкинлиги, уларни БИ гурухларга киритиб бўлмаслиги айтиб ўтилган эди. Ҳар ҳолда, бу жиддий муаммога сабаб бўла олмайди. Чунки боғловчиларни БИ эмас, балки оддий иштирокчи сифатида талқин этиш мумкин. Лекин гаплараро дистант алоқада бўлган БИ унсурлар масаласи анча катта муаммо туғдиради. Шу боис бундай вазиятда, назаримизда, БИ таҳлилиниң биринчи босқичи билан боғлиқ алгоритмга ўзгариш киритиш лозим. Унга кўра, гаплараро дистант муносабатда бўлган унсурлар таҳлил жараёнида бир гапдан иккинчисига кўчирилади. Акс ҳолда, узвий БИ алоқада бўлган сўзларни бир – биридан ажратиб таҳлил этишга тўғри келади. Бундай қилиш албатта, БИ таҳлилиниң мақсадига ҳам футур етказиши табиийдир.

Шундай қилиб, гапнинг БИ методига асосланган таҳлилида унинг компонентлари ўртасидаги синтактик муносабатни анъанавий усулдагига нисбатан аникроқ кўрсатиб бериш мумкинлигини кўрамиз. Бунда, энг муҳими, соф лингвистик тушунчаларга таянамиз ва шу асосда гапнинг синтактик структураси қайтарзда вужудга келганини, бу жараёнда нафақат сўзлар, балки морфемаларнинг ҳам қайҳолатда вазифа бажараётганини аниқ ва равshan тасаввур этиш имкониятига эга бўламиз. Бироқ шу билан бир қаторда, айтиш лозимки, БИ методи ҳам нуқсонлардан ҳоли эмас. Бу ҳақда ишимизнинг биринчи бобида мукаммал маълумот келтирилган эди.

Гапнинг трансформацион метод асосидаги таҳлили

Гапнинг бевосита иштирокчилар методи асосидаги таҳлили дистрибутив таҳлил қоидаларини ўзида мужассам қилгани каби, трансформация ҳам БИ алгоритмини тўлиқ ўз ичига олади. Бироқ БИ методи дистрибутив таҳлил билан том маънода бирикиб кета олмайди, улар ўртасида узилиш кузатилади, трансформация эса БИ методини ўзининг иш механизми сифатида қамраб олади ва ундан ҳосилалар шажараларини беришда фойдаланади. Аммо айни пайтда шуни ҳам айтиш лозимки, БИ методи ёлғиз бир гапнинг дарахтсимон шажарасини беради ва бунда мазкур шажаранинг шу гап билан муносабатда бўлган бошқа гаплар шажаралари билан алоқаси бўлмайди. Бу жиҳатдан БИ методи автоном характерлидир. Трансформацияда эса муайян гапнинг дарахтсимон шажараси бошқа гаплар шажаралари билан ҳам муносабатда, боғланишда бўлади. Шу боис бу ўринда нафақат муайян гапнинг дарахтсимон шажараси, балки мазкур шажаранинг деривацион тарихи ҳам ўз ифодасини топади. Албатта, гап структурасининг деривацион тарихи деганда, унинг тарихий келиб чиқиши, шаклланишини эмас, балки бошқа аналогик структуралар ўртасида тутган ўрнини, шу структуралар дарахтсимон шакллари билан муносабатини тушунмоқ лозим¹. Бошқача айтганда, трансформацион метод ўз фаолиятини таҳлил учун олинган гапнинг энг аввал таянч (ядровий) структурасини белгилашдан бошлайди. Таянч структура ўз характеристига кўра, бошқа бир структуранинг ҳосиласи ҳисобланмайди, балки у ўз семантик салоҳияти билан боғлиқ ҳолда бошқа ҳосила структураларнинг шаклланиши учун хизмат қиласи.

Шуни ҳам айтиш керакки, таянч структурани туб структура билан тенглаштириб бўлмайди. Зотан, туб структура аввал эслатиб ўтилгани

¹ Қаранг: Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. М., 1966. С. 25.

каби, бўш ўринлари тўлдирилиши лозим бўлган абстракт характерли тафаккур структурасини тақозо этади. Таянч структура эса муайян ҳосила структураларнинг шаклланиши учун асос бўла оладиган структурадир. Мазкур структураларнинг шаклланиши ўз навбатида, трансформацияни вужудга келтиради. Шу боис таянч структура асосида шаклланган синтактик структуралар трансформалар деб аталади.

Таянч структура, одатда, N+V модельда бўлади. Мазкур модель эса элементар структурали гапларни тақозо этади. Масалан, *Собир келди. Гул очилди. Дарс бошланди. Мевалар пишиди* ва ҳ.к. каби элементар гапларнинг барчаси шу моделга тўғри келади. Бу сингари элементар гаплар трансформалар шаклланиши учун асос бўлади ва трансформация жараёнида уларга таянган ҳолда қатор ҳосила структуралар (трансформалар) вужудга келади. Айни пайтда, Ю.Д. Апресяннинг қуйидаги фикрини келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик: «Это представление пояснить сравнением синтаксической системы языка таблицей Менделеева: громадное число «молекул» (сложных синтаксических типов) описывается с помощью небольшого числа «элементов» (ядерных типов) и небольшого числа «реакций» (трансформаций)¹. Бунинг далилини қуйидаги мисолда кўришимиз мумкин:

- I. 1. Баҳор келди. 2. Гуллар очилди. (таянч ёки инвариант структуралар).
- II. Баҳор келгач, гуллар очилди. (трансформа).
- III. Баҳор келди-да, гуллар очилди. (трансформа).

Шуни ҳам айтиш керакки, таянч (ядровий, инвариант) структурани асос структурадан фарқламоқ даркор. Таянч структура инвариант характерли бўлади ва у муайян нутқ муҳитида шаклланиши мумкин бўлган барча трансформалар учун бирдай хизмат қиласи. Асос структура эса ҳар сафар муайян трансформа шаклланиши учун хизмат қилувчи бир марталик тиргакдир. Масалан, юқорида берилган *Баҳор келгач, гуллар очилди. Баҳор келди-да, гуллар очилди* трансформаларининг қайси бири олдин келса, ўшениси кейинги трансформанинг шаклланиши учун асос саналади. Бироқ аксарият ишларда масаланинг бу жиҳатига эътибор қаратилмайди. Ваҳолонки, бунинг аҳамияти каттадир. Чунки ҳар қандай нутқ муҳитида ҳам шаклланиши мумкин бўлган трансформалар бир йўла берилмайди. Бундан ташқари, гапнинг муайян моделга асосланган шакли нутқ жараёнида сўзловчи томонидан танланади. Бундай имконият, албатта, тил

¹ Апресян Ю.Д. Кўрсатилган асар. 181-бет.

меъёри талаблари билан ҳам мослашган бўлмоғи лозим¹. Бошқача айтганда, тил ва нутқ бирликларининг, шу жумладан, синтактик структураларнинг ҳам танланиши ва меъёр бир-биридан ажралмас тушунчалар саналади. Шу боис Ф.П. Филин: «Қаерда танлаш имконияти йўқ бўлса, у ерда меъёр муаммоси ҳам бўлмайди», - деганида ҳақлидир².

Трансформациянинг тил ҳодисаларига статик нуқтаи назардан ёндашувчи анъанавий таҳлил методларидан фарқи ва устунлигини унинг мазкур ҳодисаларга процессуал, динамик нуқтаи назардан ёндашувида кўрамиз³. Дарҳақиқат, сўзловчи ихтиёрида синтактик структураларни нутқ мухити талабига кўра танлаш имконияти мавжуд экан, шунинг ўзи трансформациянинг динамик хусусиятидан далолат беради.

Нутқ жараёнида синтактик структураларнинг танлаб қўлланилиши, албатта, механик тарзда рўй беради. Зотан, сўзловчи ўз она тилида жумла тузайтганида ҳеч қачон қайси бир структур шаклдан фойдаланиш лозимлиги хақида ўйлаб ўтирумайди. У нутқий кўникмаси ва тажрибасига таянган ҳолда зарурий синтактик структураларни қўллайверади. Равшанки, бундай имконият сўзловчининг кўп йиллар давомида шаклланган тажрибаси ва кўникмаси билан узвий боғлиқдир. Айнан ана шу нарса сўзловчи ихтиёрига таянч (ядровий) қурилмаларни ва улар асосида вужудга келувчи трансформаларни ҳавола қиласи.

Биз *трансформа* тушунчасидан фойдаланаётган эканмиз, энг аввал унга қисқача изоҳ беришга тўгри келади. Равшанки, трансформация маъно тушунчаси билан бевосита боғланади, зотан, муайян бир таянч структура асосида шаклланган синтактик структуралар мазмунан муштарак бўлгандагина трансформация вужудга келади. Бу эса, ўз навбатида, трансформацион жараёнда шаклланган барча синтактик структуралар мазмунан муштарак бўлишини тақозо этади. Ана шундай синтактик структураларни трансформалар деб атаемиз. Трансформаларда аффиксал морфемалар қисман фарқланса ҳам, лексик морфемалар (сўзлар) бир хиллиги ҳамда мазкур морфологик воситалар (лексик морфемалар – сўзлар) ўртасидаги бевосита синтактик муносабат сақланмоғи зарур. Бундан ташқари, трансформация жараёнида жумла таркибидан айрим сўзлар тушиб қолиши, баъзан эса айрим сўзлар қўшилиши ҳам мумкин. Лекин бу операциялар маънога таъсир этмаслиги лозим: *Китобни келтиринг. У стол устида → Стол устида турган китобни келтиринг →*

¹ Қаранг: Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш. Самарқанд. 1989, 41-бет.

² Филин Ф.П. Несколько слов о языковой норме и культуре речи //Вопросы культуры речи. –Вып. 7. М., 1966. С. 7.

³ Қаранг: Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. С. 253.

Стол устидаги китобни келтириң → Қайси китоб стол устида турған бўлса, ўша китобни келтириң.

Берилган мисолда икки элементар гапнинг бирикувидан дастлаб -ган сифатдош шаклини ясовчи восита ёрдамида мураккаб шаклли мустақил гап трансформацияси, мазкур гап асосида -даги (сифат ясовчи) воситаси орқали иккинчи мураккаб шаклли мустақил гап трансформацияси ва ниҳоят, кейинги гап асосида мураккаб синтактик қурилма трансформацияси вужудга келганини кўрамиз. Агар бу ўринда трансформацияни уч босқичли деб оладиган бўлсак, мазкур босқичларда шакланаётган трансформацияларнинг морфологик таркиби бир-бираидан айrim морфемалар ва сўзларнинг тушиб қолиши ва баъзи морфологик воситаларнинг қўшилиши билан фарқ қилмоқда. Аммо маъно муштараклиги сақланмоқда, бизнингча, бу жуда муҳимdir, зотан, трансформация биринчি галда трансформалар ўртасидаги бир хилликка асосланмоғи лозим. Бироқ баъзи тилшунослар синтактик деривациянинг аппликатив усулини ҳам трансформация тарзида талқин этадилар. Фикр далилини В.Г. Гакнинг трансформация ҳодисаси синонимик ҳамда бири иккинчисининг маъносига кўра синоними бўлмаган усулларда воқеъниши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазаларида кузатиш мумкин. В.Г. Гак қуидаги жумлалар бири иккинчисининг трансформаси эканлигини таъкидлайди: *Pierre parle russe* (Пьер русча гапиради) → *Pierre parle russe très bien* (Пьер жуда яхши русча гапиради)¹.

Бизнингча, айни пайтда деривацион муносабатдаги гаплар ҳақида сўз юрита оламиз. Чунки келтирилган гапларнинг иккинчиси трансформациянинг эмас, балки аппликатив усулда гап шаклининг кенгайишини тақозо этувчи синтактик деривациянинг натижаси саналади. Гап структурасини исталганча кенгайтириш мумкин ва бу жараёнда ҳар сафар олдингисига нисбатан кенгроқ ҳажмли дериватлар шаклланаверади: *Собир келди* → *Дўстим Собир келди* → *Дўстим Собир бугун келди* → *Дўстим Собир ниҳоят бугун келди* ва ҳоказо. Бу ўринда таянч структуранинг юзаки синтактик структурага кўчиши ва кенгайиши аппликатив усулда амалга оширилмоқда. Гап структурасининг бу тарзда кенгайиши синтактик қурилма таркибида X унсурларнинг ортиши билан характерланади: $P=N+V \rightarrow X+N+V \rightarrow P=X_1+N+X_2+V \rightarrow X_1+N+X_2+X_3+V$.

Албатта, бу орқали трансформация билан деривацияни автоном ҳодисалар демоқчи эмасмиз. Улар бир-бири билан узвий боғлиқдир. Аниқроғи, трансформация синтактик деривациянинг иш механизмларидан бирини тақозо этади. Чунки деривация ҳодисаси кенгқамровли бўлиб, у

¹ Карап: Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. М., 1981. С. 26.

трансформацияни ҳам ўз ичига олади¹. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, баъзи олимлар трансформация билан деривацияни кескин фарқламоқ лозимлигини таъкидлайдилар. Буни В.С. Храковскийнинг қўйидаги мулоҳазаларида кўришимиз мумкин: «Деривация деганда биз муайян гапнинг иккинчи бир гапга айланиши ва бу жараёнда ҳосила гап ўзининг грамматик статуси ҳамда маъносига кўра асос гапдан жиддий фарқланишини тушунамиз»².

Кўринадики, В.С. Храковский деривациянинг маҳсули асос гапдан мутлақо фарқланиши лозимлиги тарафдоридир. Олим буни қўйидаги мисоллар воситасида асослашга ҳаракат қиласди: *Таня деразани очди* → *Бувиси Таняни деразани очишига ундади*; *Бека полни ювди* → *Бека пол ювишини бошлиди*³.

Равшанки, мазкур мисолларда синтактик деривация ҳодисаси аппликатив усулда воқеланмоқда ва мазкур хусусиятига кўра трансформациядан фарқланади, албатта. Бу ҳақда юқорида айтиб ўтилган эди. Бу ўринда фақат шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, аппликатив усул мураккаб лингвистик объектларнинг содда лингвистик объектлардан шаклланишини кўрсатиб беришда ўз алгоритмiga эга бўлган энг кучли лингвистик воситалардан биридир⁴.

В.С. Храковский трансформацияни деривациядан фарқлаш лозимлиги ҳақидаги фикрини аслида Д.М. Насилов билан ҳамкорликда ёзган мақоласида (1970) баён этган эди. Бироқ мазкур мақоладаги трансформация ва унинг айрим турлари ҳақида эътиборга молик фикрлар ҳам мавжудлигини кўрамиз. Муаллифлар, хусусан, трансформаларнинг мазмунан муштарак бўлиши, ташқи структураларига кўра эса фарқланишини тўғри таъкидлайдилар⁵.

Н.З. Гаджиеванинг «Туркий тиллар синтактик структуралари тараққиётининг асосий йўллари» асарида туркий тиллар материалига трансформацион методни қўллаш борасида анча ижобий мулоҳазалар билдирилган. Бироқ, шу билан бирга, бунда айрим ғализ фикрлар ҳам қўзга ташланади. Энг аввал трансформа тушунчасининг талқин этилишига тўхтайлик. Аввал айтиб ўтилганидек, трансформа деганда, муайян таянч (асос) структура замирида шаклланган ва у билан маъносига кўра

¹ Қаранг: Турниязов Н.К. О трансформационном и деривационном процессах //Советская тюркология, 1989, № 2. С. 81-84.

² Храковский В.С. Трансформация и деривация //Проблемы структурной лингвистики – 1972. М., 1973. С. 492.

³ Қаранг: Ўша асар. Ўша бет.

⁴ Қаранг: Шаумян С.К., Соболева П.А.Основания порождающей грамматики русского языка. М.,1968. С.8.

⁵ Қаранг: Насилов Д.М., Храковский В.С. Применение принципа деривации к описанию синтаксических структур предложения в тюркских языках // Советская тюркология, 1970, № 5. С. 25-35.

муштарак бўлган ҳосила структурани тушунамиз. Н.З. Гаджиева эса анъанага кўра эргаш гапли қўшма гаплар деб аталиб келинаётган синтактик қурилмаларнинг номустақил қисмини (компонентини) *тобе трансформа* деб номлайди. Бизнингча, қўшма гап яхлитлигича (бўлинмаган ҳолда) бир трансформани тақозо этади. Агар яхлит синтактик структуранинг бир қисмини тобе трансформа деб номласак, у ҳолда иккинчи қисмини ҳоким трансформа деб аташга тўғри келади. Ваҳолонки, ҳар қандай жумла ҳам бутунлигича бир трансформа мақомида келиши изоҳ талаб қилмайди.

Юқоридагилардан ташқари, мазкур асарда «трансформируется вспомогательное средство – глагол ол-/ бол», « трансформируются слова бар, йок» ва шу каби кўплаб жумлалар қўлланганини кўрамиз. Мазкур морфологик воситалар маълум бир жумла компонентлари саналар экан, сўз фақат шу жумлаларнинг трансформация қилиниши ҳақида юритилмоғи лозим. Бундай морфологик воситалар эса жумла трансформациясини вужудга келтирувчи транспозиторлар саналади. Н.З. Гаджиева эса бир пайтнинг ўзида уларни трансформация қилинувчи унсурлар ҳамда трансформантлар тарзида талқин этади¹. Назаримизда, олима трансформация ва транспозиция ҳодисларининг фарқланувчи лингвистик табиатини эътиборга олмаган кўринади.

Умуман олганда, Н.З. Гаджиеванинг мазкур асарида трансформация ҳодисасининг талқини анча саёз берилганини кўрамиз. Асарда трансформация назариясининг муаллифлари З. Харрис ва Н. Хомскийларнинг, шунингдек, рус тилшунослигига шу бобда катта тадқиқот ишлари олиб борган С.К. Шаумян, Ю.Д. Апресян каби олимларнинг номлари тилга ҳам олинмаган, уларнинг бирорта ҳам асари адабиётлар рўйхатига кирилмаган.

Ўзбек тилшунослигига трансформация ҳодисаси талқинига бағишлиланган монографик тадқиқотлардан бири С. Маҳматқуловнинг «Ўзбек тилида предиктив синтагманинг трансформацияси» номли асари бўлиб, бунда муаллифнинг асосий эътибори предиктив синтагмаларнинг ҳосила структуралар тарзидаги ҳолати тавсифига бағишлиланади. Мазкур асарда кесими феъл билан ифодаланган, кесим аъзоси феъл бўлмаган предиктив синтагмалар трансформациялари ҳамда уларнинг трансформация усуллари ҳақида кенг маълумот берилади. Аммо мазкур ишда ҳамон мунозарали бўлиб келаётган синтагма термини ҳақида бирор илмий маълумот келтирилмайди ва натижада синтагма деганда муаллиф нимани тушуниши ноаниқ бўлиб қолади². Бундан ташқари, асарда

¹ Қаранг: Гаджиева Н.З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. М., 1973. С. 215-216.

² Қаранг: Махматқулов С. Ўзбек тилида предиктив синтагманинг трансформацияси. Тошкент. 1998.

«бевосита иштирокчилар» термини ўрнига «бевосита таркиб топтирувчи» терминининг қўлланиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бизнингча, Ж. Бўронов томонидан истеъмолга киритилган «бевосита иштирокчилар» термини бу соҳада қўллаш мумкин бўлган энг муносиб атамадир¹.

Юқоридагилардан ташқари, С. Махматқулов предикатив синтагмаларнинг муайян гап сатҳида келаётган кўринишини трансформа сифатида талқин этади. Ваҳолонки, трансформани аниқлаш учун асос гапга таяниш лозим. Трансформацион назарияда асос гапни, тўғрироғи, таянч (ядровий) структурани аниқлаб олиш анча мураккаб юмушлардан саналади. Бошқача айтганда, қайси структура бирламчи ва қайсиниси иккиламчи (ҳосила) эканлигини белгилаш қийин кечади. Бундан ташқари, транспозиция ҳодисаси ҳам мавжудки, унинг таъсирида сўзлар туркумлараро функционал кўчиш ҳодисасига учрайди ва бунинг натижасида гапда трансформация ҳодисаси вужудга келади: *Санобар ашула айтди. Ашула ҳаммамизга ёқди → Санобар айтган ашула ҳаммамизга ёқди.*

Берилган мисолда икки элементар гап асосида мураккаб шаклли мустақил гапнинг воқеланганигини кузатамиз. Айни пайтда трансформация жараёнида биринчи элементар гапнинг кесими соф феъл категориясидан сифатдош категориясига кўчиб, функционал транспозиция ҳодисасини вужудга келтирмоқда. Бошқача айтганда, феълнинг функционал шакли сифатдош сифатга хос бўлган аниқловчи вазифасини бажармоқда. Бунинг натижасида (яъни сифатдошнинг –ган аффикси воситасида) трансформация вужудга келмоқда. Бу эса транспозиция ҳодисаси трансформацион жараённинг шаклланиши учун восита бўлаётганини кўрсатади.

Трансформациянинг мазкур тури *контаминация* номи билан аталади. Контаминацияга асосланган трансформацияда ҳосила структура икки ёки ундан ортиқ элементар гапларнинг ўзаро қоришувидан ташкил топади: *Бухоро ва Фиждувонда Улугбек мұхташам мадрасалар қурдириди. Бу мұхташам мадрасалар онасига жуда маъқул бўлди → Бухоро ва Фиждувонда Улугбек қурдирган мұхташам мадрасалар онасига жуда маъқул бўлди.* (*П.Қодиров. Она лочин видоси*).

Трансформация синтактик деривациянинг иш механизмини тақозо этиши боис, бу ўринда трансформация ва деривация ҳодисалари кесишади. Агар келтирилган мисолдаги элементар гаплар ҳамда ҳосила структурани формулалар воситасида ифода этсак, асос гаплар ва ҳосила таркибида қатнашаётган лексик унсурлар ҳақида янада яхшироқ маълумот

¹ Қаранг: Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси. Тошкент. 1979, 35-бет.

олишимиз мумкин: $P = N_1 + d_1 + N_2 + N_3 + d_2 + N_4 + V$; $P = d_1 + d_2 + N_1 + N_2 + d_3 + V = P = N_1 + d_1 + N_2 + N_3 + d_2 + d_3 + N_4 + N_5 + d_4 + V$.

Контаминация трансформациясида ўзаро қоришаётган элементар гапларнинг иштирокчилари сони қисқаради. Мазкур ҳодиса транспозиция билан боғлиқлиги табиийдир, зотан, функционал транспозиция жараёнида синтактик вазифасига кўра икки элементар гапдаги бир хил унсурларининг бири (баъзан иккитаси) туширилади ёхуд бириктирилади. Фикр далилини элементар гаплар формулаларида символлар сони 12 та, ҳосила қурилмада эса 10 эканлигига кўришимиз мумкин.

Конверсия номи билан аталувчи трансформацияда берилган гап сатҳида ички ўзгаришлар вужудга келиши кузатилади. Бироқ мазкур ўзгаришлар гапнинг лексик компонентлари таркибида эмас, балки грамматик қурилиши доирасида рўй беради: *Кейинги хабар бирдан Спитаменning қонини қайнатиб юборди* (*М.Осим. Аждодларимиз фожиаси*) → *Кейинги хабардан бирдан Спитаменning қони қайнаб кетди*.

Трансформация жараёнида келтирилган гапларнинг лексик компонентлари таркибида қарийб ўзгариш кузатилмайди. Лекин мазкур гапларнинг грамматик структурасида конверсия ҳодисаси рўй бераетганини кўрамиз. Бошқача айтганда, биринчи гапда грамматик субъект вазифасини бажараётган *хабар* сўзи иккинчи гапда тўлдирувчи мақомида, биринчи гапда воситасиз тўлдирувчи функциясида келаётган *қонини* сўзи иккинчи гапда субъект вазифасида келмоқда. Грамматик предикат вазифасидаги сўзлар эса лексик жиҳатдан муштарак бўлмаса ҳам, семантик салмоқларига кўра бир-бирига яқиндир. Мазкур гапларнинг иштирокчи унсурларини символлар воситасида қуидагича бериш мумкин: $P = d_1 + N_1 + d_2 + N_2 + N_3 + V \rightarrow P = d_1 + N_1 + d_2 + N_2 + N_3 + V$.

Кўринадики, бу ўринда ҳар икки гапнинг лексик компонентлари таркибида ўзгариш бўлмагани боис, символлар сонида ҳам ўзгариш кузатилмайди. Аммо бундай бўлиши шарт эмас. Баъзи трансформаларда иштирокчилар сони асос гапдагидан кам ёки ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Масалан, қуидаги мисолда субъектнинг икки лексик унсур воситасида ифодаланганилиги сабабли трансформа формуласида символлар сони асос гапдагига нисбатан биттага кўп эканлигини кўрамиз: *Йўллар кесишиган жойда ногоҳ катта машина тўхтади* (*Ойбек. Куёши қораймас*) → *Ногоҳ катта машина тўхтаган жойда икки йўл кесишиган эди*: $P = N_1 + d_1 + N_2 + d_2 + N_3 + V \rightarrow P = d_1 + d_2 + N_1 + d_3 + N_2 + d_4 + N_3 + V$.

Номинализация трансформациясида юқоридаги сингари қоришув кузатилмайди. Бунда муайян жумла структурасининг кенг маънодаги отлашуви аҳамият касб этади¹: *Дарс бошланди* → *Дарснинг бошланиши*; *Акмал мактабда ўқийди* → *Акмалнинг мактабда ўқиши*.

¹ Қаранг: Turniyozov N.Q. Xorijiy mamlakatlar lingvistik nazariyalari. 25-bet.

Мазкур синтактик структураларнинг формулаларини қуидагида бериш мумкин: 1. $N+V \rightarrow N+N_2$. 2. $N_1+N_2+V \rightarrow N_1+N_2+N_3$.

Берилган символлар воситасида феъл иштирокида шаклланган жумлаларнинг трансформация натижасида номинатив қурилмаларга айланганлигини осон кузатиш мумкин. Бошқача айтганда, номинатив қурилмалар айни пайтда V символининг иштирокисиз фақат N_1+N_2 ҳамда $N_1+N_2+N_3$ тарзида белгиланмоқда. Бироқ шуни ҳам айтиш лозимки, номинатив қурилмалар нутқда аксарият ҳолларда мустақил ҳолда эмас, балки гап таркибида унинг БИ гурухи сифатида қўлланади: *Дарснинг бошланиши барчанинг эътиборида бўлди. Акмалнинг мактабдан келиши бизни қувонтирди.*

Ж.Б. Бўронов юқорида биз контаминация трансформацияси номи билан талқин этган синтактик операцияни номиналлаштириш трансформацияси деб атайди. Бунда, албатта, икки ва ундан ортиқ гапларнинг ўзаро қоришуви натижасида ёпиқ шаклли гапнинг вужудга келиши назарда тутилади. Ж.Б. Бўронов бу ўринда қуидаги мисолни келтиради: *Баҳромнинг укаси бор. У жуда ёши → Баҳромнинг жуда ёши укаси бор*¹.

Бизнингча, айни пайтда номинализация ҳодисаси рўй берадигани йўқ. Чунки ҳосила структура таркибида биринчи гап тўлиқ кўчирилиб, иккинчи элементар гапдан эса у олмоши туширилмоқда, холос. Бу эса, ўз навбатида, контаминация трансформациясини тақозо этади.

Алмашинув (субституция) трансформацияси ҳам ўзига хос сифатларга эга бўлиб, унда муайян гап таркибидаги бирор иштирокчининг бошқа бир муқобил унсур билан алмаштирилиши назарда тутилади. Мазкур метод дескриптив тилшуносликда анча фаол қўлланади: *Зайнаб эгачиси Хушрўйдан етти ёши кичик эди (А.Қодирий. Ўткан кунлар) → Зайнаб опаси Хушрўйдан етти ёши кичик эди.*

Алмашинув трансформацияси, асосан, синонимик воситаларга таянади. Бу эса гап структурасини символлар воситасида бергандা бирор ўзгариш бўлишига монелик қиласи: $P=N_1+N_2+N_3+d+N_4+V \rightarrow P=N_1+N_2+N_3+d+N_4+V$.

Бироқ шундай бўлишига қарамай, айрим нутқий жараёнда жузъий ўзгариш рўй бериши ҳам мумкин. Масалан, бундай вазият трансформациянинг шаклланишига олмош восита бўлганида кузатилади: *Аҳмад, Собир ва Акмал университетда ўқишиади → Улар университетда ўқишиади*. Агар айни пайтда келтирилган гаплар структураларини символлар орқали ифодаласак, ҳосила структурада таянч структурадагига нисбатан иккита N кам қўлланилади: $P=N_1+N_2+d+N_3+N_4+V \rightarrow P=N_1+N_2+V$.

¹ Каранг: Бўронов Ж.Б. Кўрсатилган асар. 58-бет.

Пассив трансформацияда актив қурилманинг пассив қурилмага айланиши назарда тутилади: ...жанғчилар янги меҳмонларни илиқ ҳазил билан қарши олдилар (Ойбек. Қуёш қораймас) → Янги меҳмонлар жанғчилар томонидан илиқ ҳазил билан қарши олинди.

Пассив трансформацияда ҳосила (трансформа) билан таянч структуралар лексик компонентлари муштарак бўлади. Улар ўртасидаги фарқ фақат трансформацияни вужудга келтирувчи морфологик восита (томонидан) билангина белгиланиши мумкин. Шу боис трансформа структурасининг моделини символлар орқали белгилаганимизда фақат битта d ортирилади, холос: $P=N_1+d_1+N_2+d_2+N_3+d_3+V \rightarrow P=d_1+N_1+N_2+d_2+d_3+N_3+d_4+V$.

Газна ва Балхдан чиққан душман қўшини Жайхун дарёси бўйлаб шимолга томон юриши бошлади (М. Осим. Аждодларимиз фожиаси) → Газна ва Балхдан чиққан душман қўшини томонидан Жайхун дарёси бўйлаб шимолга томон юриши бошланди.

Юқоридагилардан ташқари, трансформация ҳодисаси талқини берилган лингвистик адабиётларда сўроқ ва бўлишсизлик трансформациялари ҳақида ҳам мулоҳаза юритилади¹. Масалан: *Акмал ишдан қайтди* → *Акмал ишдан қайтдими? Адолат мактабда ишлайди* → *Адолат мактабда ишламайди*.

Бизнингча, сўроқ ва бўлишсизлик трансформацияларини кенг маънода шу ном билан аташ мумкин, зотан, бу ўринда таянч (ядровий) структура билан трансформа ўртасида маъно муштараклигини мутлақ характерли деб бўлмайди. Чунки сўроқ трансформацияси ҳам, бўлишсизлик трансформацияси ҳам таянч структурада берилаётган хабар ифодасининг айнан ўзини тақозо этмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, доимий равишда трансформа тарзида қўлланадиган синтактик структуралар ҳам мавжуд. Улар жумласига анъанага кўра қўшма гап деб аталиб келинаётган мураккаб синтактик қурилмаларни киритиш мумкин. Бунинг асосий сабаби мазкур структуралар камида икки гапни ўз сатҳида бирлаштиришлари билан боғлиқдир: *Дунёни зулм ва золимлардан тозалайман ва бу тозалик барқарор бўлиб қолади* (С. Айний. Эсадаликлар).

Келтирилган мисол боғловчили тенг компонентли МСҚни тақозо этиб, унда компонентлар муносабати *ва* боғловчиси билан амалга оширилмоқда. Айнан ана шу унсур трансформацияни ташкил этувчи восита ҳам саналади. Бошқача айтганда, мазкур восита МСҚнинг синтактик деривацияси оператори вазифасини бажаради². Аммо қизиги

¹ Қаранг: Апресян Ю.Д. Кўрсатилган асар. 186-187- бетлар; Бўронов Ж.Б. Кўрсатилган асар. 50-55-бетлар.

² Қаранг: Турниёзов Б.Н. Кўрсатилган автореферат. 13-14-бетлар.

шундаки, у МСҚ компонентларининг биронтасининг ҳам таркибиға кирмайди. Шу боис МСҚнинг БИ таҳлилини берганимизда, бундай вазиятда операция қолдиқли бўлиши хақида айтилган эди. Буни МСҚ структурасининг формуласида янада аниқроқ қўришимиз мумкин: $P=N_1+N_2+d+N_3+V \rightarrow Op (va) \leftarrow P=d_1+N_1+d+V$.

Кўринадики, МСҚнинг ҳар икки қисми ҳам трансформацион жараёнда оператор (Op) билан боғланади ва натижада дериват (ҳосила) вужудга келади. Аммо тенг компонентли МСҚда боғловчи воситасида зидлов ёки айирув боғловчилари ёхуд юклама қўлланганда, мазкур унсурлар МСҚ компонентларининг бирининг таркибида келади ва шу ҳолатда деривация оператори вазифасини бажаради. 1. У гавдасини ликиллатиб чиқиб кетти-ю, лекин *Ғойибжонов ўйланиб қолди (А. Мираҳмедов. Құдрат)*. 2. Ё опа лоғчи бўлиб кетибди, ё биз маориф ишилари билан шуғулланмай қўйганмиз (*Ҳ.Ғулом. Қорадарё*).

Ҳар иккала МСҚ ҳам боғловчили тенг компонентли мураккаб структураларнинг трансформациясини тақозо этади. Бироқ бу ўринда, юқорида берилган МСҚдан фарқли равища, қўшалоқ боғловчи қўлланилмоқда. Бундай боғловчи деривацион нуқтаи назардан дубльоператор деб аталади¹.

Тенг когмпонентли МСҚ трансформацияси реал операторсиз шаклланиши ҳам мумкин. Мазкур МСҚларни, одатда, боғловчисиз деб юритилади: *Мамат унга ёрилиб, хато қилганини дарров англади, вужудига титроқ тушибди (А.Мухтор.Илдизлар)*.

Мазкур МСҚ трансформацияси реал ифодали операторга асосланмаган. Айни пайтда трансформацион жараён семантик оператор воситасида шаклланмоқда. Семантик оператор бирор морфологик восита билан ифодаланмайди. Бу ўринда ўзаро муносабатга киришаётган гапларнинг мазмунига кўра боғланиши назарда тутилади. Шу боис (реал ифодали бўлмагани учун) семантик операторни ноль оператор деб ҳам юритилади².

Тобе компонентли МСҚлар трансформацияси реал оператор воситасида воқеланади. Айни пайтда МСҚ компонентларининг боғланиши қандай семантик мақсад учун хизмат қилишига қараб турли хил операторлардан фойдаланиш мумкин: 1. Умарқулда дастлаб чўпон бўлиши нияти пайдо бўлганда, у тўққизинчи синфда ўқир эди (*О.Хусанов. Тақилмаган узук*). 2. Дарахт барги тагидан тўқилса, қиши енгил келади (*Ў.Усмонов. Гирдоб*).

Келтирилган мисолларнинг биринчисида МСҚ трансформацияси -да операторига, иккинчи мисолда эса -са операторига асосланаётганини

¹ Қаранг: Турниёзов Н.Қ. Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш. Самарқанд. 1990, 42-бет.

² Кўрсатилган асар. 17-бет.

кузатамиз. Мазкур воситаларнинг ҳар иккиси ҳам МСҚнинг тобе компоненти кесими таркибида келмоқда ва бу орқали нафақат МСҚ тобе компоненти структурасини, балки унинг умумий шаклини ҳам формаллаштирумокда¹. Бироқ баъзи МСҚлар трансформацияси дубльоператор қўлланилишини тақозо этади: 1. *Ака қайси йўлдан юрса, ука ҳам ўша йўлдан юриши керак* (*М.Исмоилий. Фаргона тонг отгунча*). 2. *Арра ўткир бўлса ҳам, темир трубани қирқиши осон эмас эди* (*О. Ёқубов. Билур қандиллар*).

Биринчи МСҚ трансформациясининг воқеланиши бир йўла уч компонентли операторга (қайси, -са, ўша), иккинчи МСҚ трансформациясининг шаклланиши эса дубльоператорга (-са...ҳам) асосланмоқда. Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, биринчи МСҚ моделидаги синтактик структураларнинг деривацион тарихини қўрсатиб бериш анча қийин кечади, зотан, бундай МСҚлар ҳар доим тайёр ҳолдаги модель асосида трансформация қилинган бўлади. Бошқача айтганда, бу хилдаги МСҚларни алоҳида қисмларга бўлиб ўрганиш қийин: *Ака қайси йўлдан юради+Ука ҳам ўша йўлдан юради*. Албатта, МСҚ деривацион тарихини бу тарзда кўрсата олмаймиз. Чунки тобе қисм мақомини олиш керак бўлган биринчи гап семантик нуқтаи назардан мукаммал эмас.

Иккинчи (дубльоператорли) МСҚ деривацион тарихини эса кўрсатиш осон: *Арра ўткир+Аммо темир трубани қирқиши осон эмас эди*.

Баъзи нутқ мұхитида муайян бир маъно ифодасини бир неча синтактик структура орқали бериш ҳам мумкин. Бундай вазиятда трансформалар парадигмаси ҳосил бўлади: *Файтон тайёр бўлганлигига қарамасдан, Сайд Аҳмад ичкарига киришни хоҳламади* (*Ойбек. Улуғ йўл*) → таҳлил учун олинган асос гап.

Трансформалар парадигмаси

1. Файтон тайёр бўлишига қарамай, Сайд Аҳмад ичкарига киришни хоҳламади.
2. Файтон тайёр бўлса ҳам, Сайд Аҳмад ичкарига киришни хоҳламади.
3. Файтон тайёр бўлса-да, Сайд Аҳмад ичкарига киришни хоҳламади.
4. Файтон тайёр бўлгани билан, Сайд Аҳмад ичкарига киришни хоҳламади.
5. Файтон тайёр бўлсин-бўлмасин, Сайд Аҳмад ичкарига киришни хоҳламади.

Трансформалар парадигмаси сўзловчи учун синтактик структураларни танлаш имкониятини кенгайтиради ва нутқ мұхитининг талаби ҳамда прагматик куршовнинг таъсирида улардан бири танланади.

¹ Қаранг: Шульскис С.А. Сохраняется ли сложное предложение при устной форме его порождения? //Филологические науки, 2005, № 4. С. 51.

Трансформалар парадигмаси катта ёки кичик бўлишидан қатъи назар, маъно муштараклиги мавжуд бўлгани учун уларнинг барчаси ягона туб структурага таянади¹. Туб структура, албаттa, тобе компонентли МСҚларда ҳоким компонент таркибида бўлади, зотан, тобе компонентлар ўзлари ўзлари учун эмас, балки ҳоким компонент учун яшайди. Тенг компонентли МСҚлар эса икки туб структура замирида трансформация қилинади. Бунинг асосий сабаби МСҚ компонентларининг ҳар бири семантик салмоғига ва синтактик мавқеига кўра нисбий мустақил эканлигидадир.

Айни пайтда нисбий мустақил тушунчасидан фойдаланмоқдамиз, зотан, матн таркибида унинг компоненти сифатида фаоллик кўрсатувчи ҳар қандай гап ҳам, гарчи маъноси ва грамматик қурилишига кўра мукаммал бўлса-да, мазмунан ва синтактик ўрни жиҳатидан ўзидан олдин ёки кейин келаётган гаплар билан узвий муносабатда бўлади.

¹ Қаранг: Турниёзов Н.К. Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш. 57-бет.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Гап компонентларининг структур-функционал таҳлили

Одатда, тил бирликларининг функционал таҳлилини Прага тилшунослик мактаби номи билан боғлайдилар. Дарҳақиқат, мазкур мактабда олиб борилган тадқиқот ишларининг барчасида тил бирликларининг ҳар қандай таҳлили тилнинг система эканлиги ва унинг белгиларининг муайян функция бажариши масаласига бағишлиланади. Бунда тил ҳодисаларининг бирортаси ҳам система тушунчасидан айри ҳолда ўз ифодасини топа олмаслиги алоҳида уқтирилади¹.

Прага тилшунослик мактаби тилшунослик фани тараққиёти учун самарали ҳисса қўшганлиги шубҳасизdir ва буни тил илми билан шуғулланувчи барча олимлар тан олади. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, мазкур мактабда бажарилган тадқиқот ишларининг аксариятида тил бирлигининг функционал таҳлили фонология муаммолари доирасида олиб борилганини кўрамиз. Шу боис бунда гап компонентларининг функционал таҳлили борасида салмоқли тадқиқот ишлари амалга оширилмади. Бу соҳада биргина В. Матезиуснинг гапнинг актуал бўлаклари таҳлилига бағишлиган илмий мақоласини биламиз, холос².

В. Матезиуснинг мазкур мақоласида ҳар бир жумлада берилаётган хабарнинг бошланиш нуқтаси (основа высказывания) ва унинг мазмuni марказида турувчи асосий нуқтаси (ядро высказывания) мавжуд бўлиши таъкидланади. Хабарнинг бошланиш нуқтаси тарзида эътироф этиладиган сўз мазмuni эътиборига кўра нафақат сўзловчига, балки тингловчига ҳам олдиндан, ҳеч бўлмаганда, нутқ ижро этилаётган муҳитда маълум бўлади. Шунга кўра, гапнинг бундай бўлаги ифода этилиши лозим бўлган янги хабарнинг асоси, унинг таянч нуқтаси деб аталади. Берилаётган хабарнинг мазмuni марказида турган асосий маъно эса жумланинг семантик вазни мағзини ташкил этувчи сўз орқали ифодаланиб, у тингловчига олдиндан маълум бўлмайди, балки нутқ жараёнида равшанлашади.

Кўринадики, гапнинг актуал бўлаклари назарияси икки тушунчага – хабарнинг асоси ва ядрою асосланади. Мазкур тушунчалар ҳозирги тилшуносликда «тема» ва «рема» терминлари орқали номланмоқда. Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, гапнинг актуал бўлаклари назарияси В. Матезиус томонидан фанда қилинган янги ихтиро эмас. Зотан, мантиқий

¹ Қаранг: Тезисы Пражского лингвистического кружка // Пражский лингвистический кружок. М., 1967. С. 17.

² Қаранг: Матезиус В. О так называемом актуальном членении предложения // Пражский лингвистический кружок. С. 239-246.

субъект, мантикий предикат тушунчалари антик даврлар файласуфлари (Платон, Аристотель) томонидан қўлланилган бўлса, кейинчалик *психологик эга, психологик кесим тушунчалари* (Ф. Фортунатов) истеъмолга киритилгани маълум¹. Ш. Балли эса бевосита «тема» ва «сабаб» (повод) атамаларидан фойдаланади². Бунда В. Матезиуснинг хизмати шундан иборатки, у масала моҳиятига янгича тус берди ва уни лингвистик муаммо даражасига кўтарди.

Тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврига келиб, гапнинг актуал бўлаклари назариясини баъзи тилшунослар функционал таҳлил учун асос қилиб олмоқдалар. Фикр далилини Н. А. Слюсарева, М.К.А. Хэллидлернинг (ва бошқаларнинг) тадқиқот ишларида қўришимиз мумкин³. Мазкур ишларда «тема» ва «рема» терминлари қўлланилиб, уларнинг биринчиси хабарнинг асоси тарзида, иккинчиси эса хабарнинг мазмуни марказини ташкил этувчи унсур сифатида талқин этилмоқда.

Бизнингча, бундай мулоҳазага қўшилиш қийин, зотан, гапнинг актуал бўлаклари ўз функцияларига кўра семантик салмоқ касб этиши изоҳ талаб қилмайди. Уни гап компонетларининг синтактик вазифаларини белгиловчи лингвистик назария сифатида талқин этиш қийин. Чунки гапнинг актуал бўлаклари «тема» ва «рема» жумла таркибида барқарор характер касб эта олмайди. Синтактик вазифа бажарувчи гап компонентлари эса функцияларига кўра ҳар доим барқарордир. Масалан, қўйидаги гап компонентларининг актуал бўлакларга бўлинишига эътибор берайлик: *Акмал қизиқарли ҳикоя ўқимоқда*.

Келтирилган гапнинг ҳар бир компонетини *тема* сифатида ҳам, *рема* сифатида ҳам талқин этиш мумкин. Буни қайси сўз мантикий ургу олишига кўра белгилаймиз. Агар диққат марказимизда ҳикоянинг қандай эканлиги турган бўлса (сифати), қизиқарли сўзи, ким томонидан ўқилаётгани турган бўлса, *Акмал* сўзи, Акмалнинг нима қилаётгани эътиборда бўлса, *ўқимоқда* сўзи, Акмалнинг нимани ўқиётгани назарда тутилганда эса, ҳикоя сўзи рема функциясида келиши табиийдир. Бундай ҳолат гапнинг коммуникатив вазифаси билан узвий боғланади. Шу боис мазкур назарияни синтактик нуқтаи назардан эмас, балки семантик мақсадда қўллаш мумкин. Бу ҳақда мулоҳаза билдирганида К.Г. Крушельницкая гапнинг актуал бўлакларга бўлиниши масаласи ўз моҳиятига ва тилдаги ифодаланишига кўра, гарчи у синтаксисда

¹ Қаранг: Фортунатов Ф.Ф. О преподавании грамматики русского языка в средней школе. Избранные труды, т.2, М., 1957.

² Қаранг: Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М., 1955. С. 44-46.

³ Қаранг: Слюсарева Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. М., 1981. С. 111; Слюсарева Н.А. Об английском функционализме М.К.А. Хэллидея // Вопросы языкознания, , 1987, №5.

үрганилаётган бўлса ҳам, семантик мақом касб этишини алоҳида таъкидлаган эди¹.

Масала тавсифига У.Л. Чейф ҳам бирмунча тўғри ёндашади. У гапнинг актуал бўлаклари муаммосини тўғридан-тўғри сўзловчи ва тингловчининг психик фаолияти билан боғлайди. Унинг фикрига кўра, ҳар қандай семантик структура ҳам киши онгида фонологик шаклларга айлана олади. Демак, тил ақлий жараённи тақозо этади. Тилга оид ҳар қандай масалани ҳам киши онгида нималар кечеётгани билан ҳисоблашмасдан туриб тадқиқ этиш қийин². У.Л. Чейфнинг мазкур фикри ҳам гапнинг актуал бўлаклари назарияси структур-функционал таҳлилдан кўра кўпроқ семантик таҳлилга яқин эканлигидан ва бундан ташқари, у билан психолингвистика шуғулланиши лозимлигидан далолат беради. Бизнингча, бу ерда икки йўл бўлиши мумкин: масала моҳиятига мантиқий нуқтаи назардан қаралса, у билан семантик синтаксис, киши руҳияти нуқтаи назаридан ёндашилса, у билан психологик тилшунослик шуғулланиши лозим.

Шуни ҳам айтиш керакки, гапнинг актуал бўлаклари муаммолари бобида И.П. Распопов, В.Г. Гак каби таниқли олимлар ҳам тадқиқот ишлари олиб бордилар. Бироқ шундай бўлишига қарамай, масала моҳияти мукаммал ёритилганини далиллай олмаймиз. Ҳар ҳолда, шу нарса равшанки, актуал бўлаклар муаммолари семантик синтаксис ёхуд психолингвистиканинг текширув объекти бўлмоғи даркор.

Гап компонентларининг структур-функционал таҳлили масаласи бобида француз тилшуноси Андре Мартине томонидан олиб борилган тадқиқот ишлари эътиборга молиқдир ва улар жаҳон тилшунослигига тўлиқ тан олинди. Турк тилшуноси А. Дилячар тил бирликларининг функционал таҳлили хусусида сўз юритганида, тил ҳодисаларига функционал нуқтаи назардан ёндашаётган тилшунослар швециялик Адольф Нуренни ўзларининг устозлари сифатида билмоқлари кераклигини, кейинчалик эса Отто Есперсен ва Андре Мартине ҳам бу соҳада шуҳрат қозонганини алоҳида таъкидлайди³. Таниқли рус тилшуноси Л.И. Илия ҳам Мартиненинг функционал назарияси ўзига хос синтактик йўналишни тақозо этишини жиддий эътироф этган эди⁴.

Дарҳақиқат А. Мартине тил бирликларининг функционал таҳлили бобида улкан ютуқларга эришди. Бу ҳақда унинг қатор асарлари далолат

¹ Қаранг: Крущельницкая К.Г. К вопросу о смысловом членении предложения// Вопросы языкознания, 1956, №5. С. 58.

² Қаранг: Чейф У.Л. Значение и структура языка. М., 1975. С.28; 47.

³ Қаранг: Дилячар А. Заметки о синтаксисе и грамматических функциях в турецком языке // Turcologica. М., 1978. С. 70.

⁴ Қаранг: Илия Л.И. Очерки по грамматике современного французского языка. М., 1970. С. 133.

беради¹. Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мартиненинг функционал назарияси, анъанавий тилшунослик назарияларидан фарқли равишда, мантикий қоидалар исканжасидан холидир. Бошқача айтганда, мазкур назария тил унсурларининг соф лингвистик тушунчалар замиридаги талқинини тақозо этади.

Мартиненинг функционал таҳлил назарияси тил бирликларининг нутқда конкрет қўлланиши билан боғлиқ масалаларнинг илмий талқинига бағишлиланган бўлиб, у тил бирликларининг икки босқичли характеристига асосланади. Биринчи босқич ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатларига эга бўлган бирликлар мажмуасини, иккинчи босқич эса фақат ифодаловчи жиҳатига эга бўлган бирликлар парадигмасини белгилашни тақозо этади. Бошқача айтганда, гап компонентларининг функционал қийматини белгилашда тилнинг икки жиҳатли бирликлари, уларнинг моддий томонини белгилашда эса бир жиҳатли бирликлари аҳамият касб этади. Аммо тил бирликларининг функционал қийматини белгилашда ҳам, уларнинг тил системасидаги ўрнини аниқлашда ҳам товуш ва маъно ифодасини айри ҳолда тасаввур этиш қийин, зотан, тилнинг амалдаги фаолияти тил бирликлари талаффузи ва улар воситасида ифода қилинадиган маъно билан узвий боғлиқдир. Шу боис тил тизимиға оид ҳар қандай тадқиқот унинг дуаллик хусусиятини эътиборга олиши лозим².

Гап компонентларининг функционал қийматини намоён этувчи икки жиҳатли тил бирликларини Мартине монема номи билан атайди. Бу ҳақда мазкур ишнинг биринчи бобида қисқача маълумот берилган ва муаллифнинг бу термин хусусидаги фикри ҳам келтирилган эди. Айни пайтда ҳам зарурат нуқтаи назаридан шу фикрга яна бир бор мурожаат этамиз: «Un monème est le plus petit segment du discours auquel on peut attribuer un sens» («Муайян бир маънони англатувчи нутқнинг энг кичик сегментини монема деб атаймиз»)³. Кўринадики, Мартине монема деганда нутқнинг энг кичик сегментини тушунади. Дарҳақиқат, *discours* сўзи французча бўлиб, у қўйидаги маъноларда қўлланади: 1. Прагматик, социокультурологик, психологик омиллар билан бевосита боғлиқ матн. 2. Когнитив жараён компонентини тақозо этувчи нутқ. 3. Ижтимоий турмуш шаклларини (формаларини) ўзида акс эттирувчи нутқ⁴.

Дискурс терминини кўпчилик таникли тилшунослар ҳам нутқ маъносида қўллаганини кузатамиз. Буни З. Харрис тадқиқотларида унинг боғланишли нутқ парчаси тарзида, Э. Бенвенист томонидан нутқ

¹ Қаранг: Martinet A. Elements of Functional Syntax //Word, vol 16, № 1, 1960; Eléments de linguistique générale. –Р., 1961; La linguistique synchronique (Etudes et recherches). –Р., 1968; Langue et fonction. –Р., 1969.

² Қаранг: Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент. 2008, 14-бет.

³ Martinet A. La linguistique synchronique (Etudes et recherches). –Р., 1968 –Р.5.

⁴ Қаранг: Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. С. 136-137.

маҳсулоти, В.А. Звегинцев ишларида икки ва ундан ортиқ гапнинг бирикувини тақозо этувчи нутқ материали, А.Н. Мороховскийнинг илмий кузатишларида эса боғланишли матн каби маъноларда қўлланганида кўриш мумкин¹.

Бироқ айни пайтда шуни ҳам айтиш лозимки, *дискурс* тушунчаси *матн* тушунчасининг айнан муқобили бўлиши қийин. Чунки юқорида кўриб ўтганимиз каби, дискурс кенгқамровли тушунчадир. Бу ҳақда Ш. Сафаров қуидагиларни тўғри таъкидлайди: «Сўзиз, «дискурс» «матн»га нисбатан кенгроқ мазмунда талқин қилинмоғи лозим. ... Дискурс инсон онги фаолиятини маълум бир тури, туркуми бўлса, матн унинг бир кўринишидир»². Аммо шунга қарамасдан, Мартине асарларининг таржимасида кўп ўринларда *монемани* тил бирлиги сифатида кўрсатишади. Агар шундай бўладиган бўлса, унинг тил бирлиги – морфемадан фарқи қолмайди. Бу эса, ўз навбатида, тадқиқотчилар учун талай қийинчиликлар туғдирмокда.

Мартине назариясида *монема* термини нутқнинг энг кичик сегменти тарзида талқин этилгани боис, *hier* (кеча), *le dimanche* (якшанба) каби мустақил сўзлар ҳам монема мақомида тавсифланади. Равшанки, мазкур сўзларнинг морфема эмаслиги изоҳ талаб қилмайди. Бироқ шуни ҳам айтиш жоизки, монеманинг материал ифодаси кўп пайтларда морфема билан муштарак бўлиши ҳам мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги келишик аффикслари тилда морфема, нутқда бажараётган вазифасига кўра эса монема мақомида келади. Бундай вазиятда, албатта, монема ва морфема тушунчалари коришиб кетмайди, улар материал ифодаси, яъни ифодаловчи ва ифодаланувчи жиҳатларига кўра кесишиди, холос. Аммо функционал қийматларига кўра кескин фарқланади. Морфема тил бирлиги саналади ва шу ҳолда вазифа бажаради. Ҳатто тил системасининг морфематик сатҳини ташкил этади. Монема эса нутқда вазифа бажаради, унинг номи билан аталувчи тил ёки нутқ сатҳи мавжуд эмас.

Мартине назариясида монемалар учга бўлинади: 1. Мухтор (автоном) монема. 2. Функционал монема. 3. Қарам (тобе) монема³.

Мазкур монемаларни белгилаш масаласи ҳар бир тилнинг ўз ички қонун-қоидалари билан узвий боғлиқдир. Масалан, аналитик қурилишили тилларда мавжуд бўлган предлог, артикль каби морфологик воситалар туркий тилларга хос эмас. Ёки аксинча, туркий тилларга хос бўлган грамматик вазифа бажарувчи аффикслар ҳинд-оврупо тилларининг кўпларида кузатилмайди. Шу боис биз Мартиненинг функционал таҳлил

¹ Қаранг: Петрова Н.В. Текст и дискурс // Вопросы языкознания, 2003, № 6. С. 127.

² Сафаров Ш. Прагмалингвистика. 226-бет.

³ Қаранг: Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике, вып. 3. М., 1963. С. 462-470.

назариясидан асос сифатида фойдалансак ҳам, фактик тил материалининг таҳлили жараёнида аксарият ҳолларда мустақил мулоҳаза юритамиз.

Мухтор монема

Аввало шуни айтиш лозимки, *монема* деганда синтагматик қатор занжирида кўлланаётган тилнинг бирор белгисига синтагматик ва функционал фаоллик бериб, уни тилдан нутқقا кўчираётган ёки функционал қийматга эга бўлиши тилнинг бошқа бир белгисига қарам ёхуд мустақил ҳолда синтактик функция бажараётган нутқнинг маълум бир сегментини тушунамиз. Монема мустақил сўз билан ёки турли морфологик воситалар билан ҳам ифодаланиши мумкин.

Мухтор монема тушунчасининг мазмуни шарҳи ҳам ана шу қоидага асосланади. Мухтор монема ўзининг синтактик, семантик ва функционал фаоллиги жиҳатидан бошқа бирор монемага қарам бўлмайди. У феълдан ташқари барча туркumlардаги сўзлар орқали ифодаланиши мумкин. Факат феъл туркумидаги сўзлар бундай вазифада келмайди. Зотан, улар мудом қайтарзда бўлмасин, воқеликка муносабат билдиради. Мухтор монема эса мазкур муносабатнинг бирор белгиси ёки сифатига ишора қиласди:

Рост, Аирафжон бултур ҳам бир-икки ой дом-дараксиз кетиб, бирдан қалқиб чиққанди (О. Ёқубов. Эр бошига иш тушса).

Берилган мисолда *рост* сўзи мухтор монема вазифасида келмоқда. Мазкур монеманинг гап таркибида қатнашаётган иштирокчиларининг бирортаси билан ҳам синтактик алоқаси йўқ. Бу эса, унинг гап компонентларининг бирортасига ҳам синтактик фаоллик бермаётгани ва шу билан бирга, уларнинг бирортасидан ҳам синтактик фаоллик олмаётганини кўрсатади. У ўзини-ўзи тилдан нутқقا кўчирмоқда ва ўзига-ўзи нутқий фаоллик бермоқда. Ана шу жиҳатларига кўра мазкур сўз мухтор монема саналади. Мухтор монема гапнинг бошида, ўртасида ва охирида ҳам келиши мумкин:

1. Албатта, унинг бундай иши эл-юртни анча чўчитиб қўйди (Ҳ.Ғулом. Қорадарё).
2. Дарҳақиқат, Зуфаров билан Йўлдошева узун столнинг икки ёнида юзма-юз сўзлашиб ўтиришарди (Ҳ. Ғулом. Қорадарё).

Қиёсланг:

1. Унинг бундай иши эл-юртни чўчитиб қўйди, албатта – Унинг бундай иши, албатта, эл-юртни чўчитиб қўйди.
2. Зуфаров билан Йўлдошева, дарҳақиқат, узун столнинг икки ёнида юзма-юз сўзлашиб ўтиришарди - Зуфаров билан Йўлдошева узун столнинг икки ёнида, дарҳақиқат, юзма-юз сўзлашиб ўтиришарди.

Мухтор монема мустақил сўз билан ифодаланиши ҳам мумкин. Аммо қандай сўз билан берилишидан қатъи назар, у синтактик мақомига кўра мухторлигича қолаверади: *Эрталаб аввал келинлар, кейин ўғиллар... дастурхон тузатган оналарига салом бердилар* (Х. Ғулом. Корадарё).

Келтирилган мисолда эрталаб сўзи мухтор монема вазифасини бажармоқда. У мустақил туркумдаги (рав.) сўз бўлишига қарамай, гап таркибидаги бирор сўзга синтактик фаоллик бераётгани йўқ ва бирор сўз нутқий фаоллик олиш учун бирор сўзга қарам ҳам эмас.

Шуни ҳам айтиш лозимки, ўзбек тилида мухтор монема вазифасида кўпроқ кириш сўз ва бирикмалар келади. Бундай морфологик воситалар эса анаъанавий тилшуносликда гап бўлаги саналмайди. Бунинг асосий боиси уларнинг гап таркибидаги бошқа сўзлар билан грамматик муносабати йўқлигидадир. Бироқ бу ўринда бир жиддий ғализликка дуч келамиз: гапнинг синтактик структураси таркибида қатнашаётган сўзни нега гап бўлаги ҳисобламаймиз? У ҳолда уни қандай номлаш мумкин? *Кириш сўз* дегани эса унинг синтактик вазифасига кўра берилган ном эмас. Бу унинг морфологик системадаги номини тақозо этади.

Дарҳақиқат, масала талқинига анъанавий тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, бу сингари морфологик воситалар (масалан, ундалмалар ҳам) на гапнинг бош бўлаклари, на унинг иккинчи даражали бўлаклари мақомига тўғри келади. Ана шуларни ҳисобга олган проф. А.Р. Сайфуллаев бу сингари гапнинг иштирокчи унсурларини учинчи даражали бўлак номи билан аташни таклиф қиласди¹. Агар масала тавсифига анъанавий тилшунослик нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, А.Р. Сайфуллаевнинг фикрига тўлиқ қўшилиш мумкин, зотан, гапнинг синтактик структурасида қатнашаётган ҳар бир сўз унинг маълум бир бўлаги саналмоғи лозим. А.Р. Сайфуллаев бу ҳақда қўйидагиларни тўғри таъкидлайди: « ...ундалма ва киритмани гап бўлаги ҳисоблаш, гап бўлаклари қаторига киритиб, уларга мандат бериш мақсадга мувофиқдир. Албатта, ундалма ва киритма гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлаги бўла олмайди, лекин уларни гап бўлаклари қаторига киритмаслик ҳам тўғри келмайди. Ундалма ва киритмани семантик хусусияти, грамматик ифодаланиши, состави, семантик-грамматик боғланиши ва гапдаги ролига қараб, гапнинг учинчи даражали бўлаклари деб атадик»².

А.Р. Сайфуллаевнинг кириш сўз ва бирикмалар, шунингдек, ундалмани гапнинг учинчи даражали бўлаги тарзида тадқиқотлар кун

¹ Қаранг: Сайфуллаев А.Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. Ташкент, 1984. С. 70-98; Шу муаллиф: Семантика и грамматика членов предложения в современном узбекском языке // Автореф. докт. дис. Ташкент, 2001, С. 14.

² Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлакларининг семантикаси ва грамматикаси. Тошкент. 2000, 85-бет.

тартибига киритгани анъанавий тилшуносликда катта бурилиш бўлгани шубҳасиздир. Уларни гап компонентларининг структур-функционал талқини нуқтаи назаридан мухтор монемалар деб номлаётганимиз эса масала тавсифининг шу йўналишдаги тадқиқи билан боғлиқдир. Бошқача айтганда, структур-функционал таҳлил назариясида асосий эътибор гап бўлакларига эмас, балки тил бирликларининг нутққа кўчирилиши ва бир пайтнинг ўзида уларнинг функционал қиймат касб этиши нималарга боғлиқ эканлигига қаратилади: *Ҳа, дўстлар, бу ерда қад кўтарадиган янги шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам бизнинг зижмамиизда* (Ҳ. Ғулом. Қорадарё).

Айни пайтда *дўстлар* сўзининг тилдан нутққа кўчирилиши ва гап таркибида қўлланилиши учун бирор морфологик унсур восита бўлаётгани ўйқ. У синтагматик қатор занжирида қўлланиш учун ўзига-ўзи имконият яратмоқда. Демак, унинг синтактик фаоллашуви автоном ҳолатда рўй бермоқда. Шу боис у мухтор монемадир. Мухтор монема берилаётган хабарга модал маъно, ёки унга замон нуқтаи назаридан бирор қўшимча изоҳ бериш, ёхуд сўзловчининг унга муносабатини билдириш мақсадида тилдан нутққа кўчирилади.

Мухтор монема гапнинг бошида, ўртасида ёки охирида келишидан қатъи назар, ўз функционал салмоғини ўзгартирмайди. Бундан ташқари, уни тушириб қолдирилганда ҳам гапнинг грамматик бутунлиги ва маъно ифодаси бекам-кўстлиги тўлиқ сақланади. Бу эса, ўз навбатида, мухтор монема гапнинг туб структураси ва унинг синтактик структурага айланиши жараёни билан алоқаси йўқлигини кўрсатади¹.

Ниҳоят, мажслис қарорининг хомаки лойиҳаси тайёр бўлди (Ҳ. Ғулом. Қорадарё) = *Мажслис қарорининг хомаки лойиҳаси, ниҳоят, тайёр бўлди* = *Мажслис қарорининг хомаки лойиҳаси тайёр бўлди, ниҳоят* = *Мажслис қарорининг, ниҳоят, хомаки лойиҳаси тайёр бўлди.*

Кўринадики, мухтор монема гапнинг юзаки синтактик структурасининг компоненти саналади. Шу боис гапнинг грамматик нуқтаи назаридан шаклланишида унга эҳтиёж бўлмайди. Умуман, мазкур монеманинг гап сатҳида қўлланиши сўзловчининг ўз нутқида воқеликка қайтарзда муносабат билдириши билан боғлиқ.

Нутқда мухтор монемалардан ташқари мухтор синтагмалар ҳам қўлланади. Мухтор синтагма икки ёки ундан ортиқ монеманинг бирикувидан (муносабатидан) ташкил топади². Бундай вазиятда синтагма таркибига кираётган монемаларнинг мухтор ҳолатга келиши функционал

¹ Каранг: Турниёзов Н., Турниёзова К. Функционал синтаксисга кириш. Тошкент. 2003, 62-бет.

² Каранг: Мартине А. Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике, вып. 3. М., 1963. С. 464.

монема воситасида амалга ошади: *Бизнинг фикримизча, шанбалик барчага тегишили. Бахтга қарши, омадимиз юришимади.*

Берилган мисолларда *бизнинг фикримизча, баҳтга қарши* синтагмалари гапнинг синтактик структураси таркибида муҳтор ҳолатда фаоллик кўрсатмоқда. Биринчи синтагманинг муҳтор ҳолат касб этиши унинг таркибий қисмларини ўзаро боғлаётган *-нинг* функционал монемаси билан, иккинчи синтагманинг бундай мақомга эга бўлиши *-га* функционал монемаси билан боғлиқ. Зотан, мазкур функционал монемалар берилаётган синтагмаларнинг синтактик бутунлигини ташкил этиб турган воситалардир. Бошқача айтганда, мазкур функционал монемалар вазифасини бажараётган морфологик воситалар шу синтагмалар синтактик деривациясининг оператори сифатида фаоллик кўрсатмоқда.

Ундалма ҳам муҳтор синтагма қолипида келиши мумкин. Масалан, менинг *жажжси дўстларим, тинчлигимиз посбонлари* ва ҳ.к. бирикмалар ундалма тарзида қўлланганда ҳам юқорида кўриб ўтганимиз каби ҳолатни кузатиш мумкин.

Шундай қилиб, муҳтор монема ўзини-ўзи тилдан нутққа кўчириши ва нутқнинг ўзини-ўзи синтактик функция билан таъминловчи минимал сегменти эканлигини кўриб ўтдик. Бу жиҳатлари билан улар қуйида талқин этиладиган функционал ва қарам монемалардан кескин фарқ қиласи.

Функционал монема

Равшанки, гапнинг синтактик структураси том маънода сўзлар муносабатидан ташкил топади. Бунда, албатта, мазкур сўзларнинг тилдан нутққа кўчирилиши муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳодиса бир қарашда содда ва тушунарли кўринса-да, аслида у мураккаб жараённи тақозо этади, зотан, гап компоненти (иштирокчиси) вазифасида келаётган ҳар бир сўз сўзловчининг хоҳиши ва муайян тилдаги нутқий кўникоғаси ва нутқ муҳитининг талаби билан тилдан нутққа кўчирилади. Албатта, сўзловчининг хоҳиши, нутқий кўникоғаси, тажрибаси, нутқ муҳити кабилар ташқи тилшунослик билан алоқадор бўлган прагматик омиллардир. Бундан ташқари, тил белгиларининг нутқий фаоллигини таъминловчи ички тилшуносликка хос бўлган факторлар ҳам мавжуд бўлиб, биз уларни тил белгиларининг ўзларидан қидирмоғимиз лозим. Улардан энг муҳими ва устивор аҳамият касб этувчиси белгининг белгига муносабатидир. Бошқача айтганда, тилнинг муайян бир белгисининг парадигматик қатордан синтагматик қаторга кўчирилиши иккинчи белгининг кўмаги ва иштирокига боғлиқ бўлади. Бу ўринда Е.В. Падучеванинг қуйидаги фикрини келтириш мақсадга мувофиқдир: «Одно

слово... проливает свет на другое, позволяет увидеть в нем свойство, которое раньше не привлекали внимания»¹.

Тил белгисининг нутққа кўчирилиши аксарият ҳолларда унинг ўзи учун эмас, балки иккинчи бир белгининг синтактик фаоллик олиши учун хизмат қиласи. Шу боис А. Мартине бирор бир монеманинг функционал фаоллик олиши учун хизмат қиласидан монемани функционал монема деб атайди².

Юқорида муҳтор монемалар гапнинг грамматик бутунлигини таъминлашда иштирок этмаслиги эслатиб ўтилган эди. Функционал монема эса гапнинг синтактик шакли вужудга келишида фаол қатнашади. Унинг иштирокисиз гап компонентлари нафақат синтактик фаолликка, балки функционал қийматга эриша олмайди. Қизиги шундаки, функционал монема ўзи функцияли бўлишидан ташқари, бошқа бир монемага ҳам бир йўла синтактик, семантический и функционал фаоллик улашади.

Фикрни тил ёрдамида ифода этишда гапнинг барча иштирокчилари фаол қатнашади. Бироқ бу жараёнда ҳар бир иштирокчи ўзига хос вазифа бажаради ва шу жиҳатдан бошқа иштирокчилардан функционал салмоғига кўра фарқланади. Баъзи иштирокчи унсурлар мустақил ҳолда функция бажарса, айримлари бошқасининг кўмагига муҳтож бўлади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, тил бирликларининг гапдаги функционал вазифалари уларнинг морфологик ҳолати билан боғлиқ бўлмайди. Масалан, мустақил сўзлар морфологик хусусиятларига кўра номустақил сўзлар ва морфемаларга нисбатан юқори поғонада туриши табиийдир. Бу жиҳатдан уларни қиёслаш учун асос йўқ, албатта. Бу ҳақда мулоҳаза билдириган Луи Ельмслев суффикс асоснинг мавжудлигига таянишини, асос эса суффикссиз ҳам қўллана олишини таъкидлаган ва буни *дeterminация* тамойили номи билан атаган эди³.

Бироқ фактический тил материалининг функционал таҳлили тилдан нутққа кўчирилиши ва муайян функция бажариши нуқтаи назаридан асос аффиксга тобе бўлиши мумкинлигини ҳам кўрсатмоқда: *Бектемирнинг юрагини эзган қандайдир бир тош гўё эриб кетди* (*Ойбек. Қуёш қораймас*).

Келтирилган мисолдаги *Бектемирнинг* ва *юрагини* сўзларига эътибор қаратайлик. Айни пайтда *-нинг* ва *-ни* аффикс морфемалари от туркумидаги мустақил сўзларга тиркалиб келишига кўра, бошқача айтганда, қўлланиш объектини шу сўзларда топгани боис уларга тобедир.

¹ Падучева Е.В. Глаголы создания образа: лексическое значение и семантическая деривация // Вопросы языкоznания, 2003, № 6. С. 30.

² Қаранг: Мартине А. Основы общей лингвистики. С. 463.

³ Бу ҳақда қаранг: Turniyozov N.Q. Xorijiy mamlakatlar lingvistik nazariyalari. Samarqand. 2007, 31-bet.

Бирок шу аффикс морфемаларнинг иштирокисиз мазкур мустақил сўзлар тилдан нутқка кўчирилмаган ва нутқий фаоллик ололмаган бўларди. Бу жиҳатдан эса мустақил сўзлар (асос) аффиксларга тобедир. Ана шу боис -ning ва -ni аффикслари айни пайтда функционал монема вазифасини бажармоқда. Уларнинг бу мақомда келиши қуидаги вазифалари асосида белгиланади: 1. Муайян сўз бирликларини тилдан нутқка кўчириш. 2. Мазкур бирликларнинг синтагматик қатор занжиридаги ўринларини белгилаш. 3. Уларга функционал фаоллик бериш.

Кўринадики, функционал монемалар ўзлари функцияларига кўра фаол бўлишларидан ташқари, бошқа монемаларга ҳам функционал фаоллик беради. Натижада, бундай монемалар функционал монемаларга қарам бўлиб қолади. Шу боис А. Мартине назариясида функционал монемаларга таяниб функция оладиган бу сингари тил бирликлари қарам монема номи билан аталади¹.

Қарам монема мақомида, асосан, мустақил сўзлар келади, зотан, уларнинг нутқда функционал қийматга эга бўлиши аксарият ҳолларда аффикслар, қўмакчи ва боғловчи воситаларга боғлиқ бўлади. Бирок гапда субъект ва предикат вазифасида келувчи сўзлар хусусида бундай деб бўлмайди. Чунки грамматик субъектнинг функционал фаоллиги қанчалик даражада предикатга тобе бўлса, предикатнинг ҳам функционал фаоллиги шу даражада субъектга тобедир. Бошқача айтганда, уларнинг тилдан нутқка кўчирилиши ҳам, функционал қиймат касб этиши ҳам бири иккинчиси билан узвий боғлиқдир: *Бугун йигитлар шаҳардан барвақтроқ қайтишиди* (*О. Ёқубов. Эр бошига иш тушиса*).

Берилган гапда грамматик субъект (йигитлар) предикат воситасида функционал фаоллик олмоқда ва предикат ҳам, ўз навбатида, субъект орқали функционал қийматга эга бўлмоқда (қайтишиди). Бирок предикат таркибида -ди функционал монемаси ҳам мавжуд бўлиб, мазкур восита унга қўшимча функция бераётганини кузатамиз. Айни пайтда -ди монемаси предикатнинг замонга муносабатини кўрсатмоқда ва бу орқали бир пайтнинг ўзида унинг субъект билан боғланишини ҳам ташкил этмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, нутқий муҳитнинг талаби ва тил системаси бирликларининг қўлланиши меъёри билан боғлиқ ҳолда кўп пайтларда грамматик субъект гап таркибидан туширилади. Бундай вазиятда, албатта, предикатнинг функционал фаоллиги янада ошади, чунки туширилган субъектнинг барча функциялари энди предикат зиммасида бўлади: *-Биламан. Мана шу тўғрида гаплашгани кетяпман* (*О. Ёқубов. Эр бошига иш тушиса*).

Мазкур мисолда берилган ҳар икки гапда ҳам грамматик субъект туширилган ва шу боис уларнинг синтактик функциялари ҳам, семантик

¹ Қаранг: Мартине А. Основы общей лингвистики. С. 470.

салмоғи ҳам предикат вазифасидаги сўзларга юклатилмоқда. Демак, бундай вазиятда грамматик предикат бир йўла икки функционал монеманинг вазифаларини бажаради.

Равшанки, гапни сўзловчи нутқ муҳитининг талабига кўра имкон қадар ихчам ва шу билан бирга, аниқ шакллантиришга ҳаракат қиласди. Бу эса, ўз навбатида, гап таркибида келаётган функционал монемаларнинг синтактик вазифаларини янада оширади. Шунинг учун баъзи туширилган монемаларнинг функционал залвари ҳам реал қўлланаётган монемаларга тушади. Баъзи нутқ муҳитида эса бунинг аксини қўриш мумкин. Бунда берилаётган хабар ифодасининг мазманий салмоғи кенгайиши билан боғлиқ ҳолда унинг синтактик ифодаси иштирокчилари сони ҳам орта боради: *Эрталаб Тоҳирнинг уйига меҳмонлар кела бошлади* (*К. Икромов. Ўқчи кўчаси*).

Берилган гапнинг туб структурасини *кела бошлади* тарзида шаклланган грамматик предикатда, таянч (ядровий) структурасини *меҳмонлар кела бошлади* синтактик қурилмасида кўрамиз. Айни пайтда таянч структуранинг компонентлари грамматик субъект ва предикатдан иборат бўлганлиги учун улар функционал монемаларни тақозо этади. Гапнинг бошқа компонентларининг функционал қийматини эса қуидагича белгилаш мумкин: *эрталаб сўзи муҳтор монема вазифасида келиб, грамматик предикатга замон нуқтаи назаридан қўшимча маълумот бермоқда. Тоҳирнинг уйига бирикмаси мучаларининг биринчисида Тоҳир қарам монема, -нинг функционал монема, иккинчисида эса уй қарам монема, -га функционал монема мақомида келмоқда*¹.

Келтирилган гапнинг умумий синтактик структурасини (юзаки структурасини) X3 SV формуласи билан ифодалаш мумкин². Формуланинг биринчи белгиси гапнинг умумий синтактик структураси сатҳига кирса, кейинги икки белги таянч структуруни тақозо этади. Айни пайтда нутқ муҳитнинг талаби ва сўзловчининг хоҳиши билан боғлиқ ҳолда (прагматик омиллар қуршовида) берилган гапнинг умумий (юзаки) синтактик структурасини исталганча кенгайтириш мумкин. Бу жараёнда кенгайиш майдони, асосан, формуладаги SV символлари тасарруфида бўлади. Ҳаракат обьекти ҳам кенгайиши мумкин, албатта. Аммо обьект ҳаракат билан боғлиқ бўлгани учун унинг кенгайиши ҳам V тасарруфида кечади: *Эрталаб (қўшинимиз) Тоҳирнинг(янги) уйига (мажслисдан кейин) меҳмонлар кела бошлади → X7 SV.*

Мазкур мисолнинг қуидаги янада кенгайтирилган шаклида эса ҳаракат обьекти ва грамматик предикатнинг синтактик майдонлари янги

¹ Уй қарам монемасига тиркалиб келаётган –и эгалик аффиксининг функционал қиймати ҳақида ишнинг кейинги саҳифаларида маълумот берилади.

² Формулада X гапнинг умумий синтактик структурасини ташкил этувчи воситаларни, рақам воситалар сонини, S субъект, V эса предикатни тақозо этади.

монемалар эвазига мураккаблашганидан ташқари, предикатнинг ифодаланиш ҳолати ҳам мукаммаллашганини ва натижада, уларнинг ҳар бири учун алоҳида синтактик ифода майдони ҳосил бўлганини кузатамиз: *Самарқанддан кўчиб келган қўшинимиз Тоҳирнинг сой бўйидаги янги уйига эрталаб мајслисдан кейин таклиф қилинган меҳмонлар тўп-тўп бўлиб кела бошлади.*

Айни пайтда ҳаракат объекти, субъект ва предикат ифодалари майдонлари қўйидаги тарзда шаклланмоқда: *Самарқанддан кўчиб келган қўшинимиз Тоҳирнинг сой бўйидаги янги уйига* = ҳаракат ифодаси синтактик майдони; *мајслисдан кейин таклиф қилинган меҳмонлар* = грамматик субъектнинг синтактик ифодаси майдони; *тўп-тўп бўлиб кела бошлади* = грамматик предикатнинг синтактик ифодаси майдони.

Гап таркибиға кирувчи ҳар бир унсур биринчи галда синтагматик қатор шаклланишининг ички структураси талабларига мос бўлмоғи лозим. Шундагина улар функционал фаоллик даражасида бўлади ва гапнинг коммуникатив функциясини таъминлаш учун хизмат қиласи. Гапнинг коммуникатив функцияси, ўз навбатида, компонентларининг функционал фаоллиги билан узвий боғлиқдир. Мазкур компонентларнинг функционал фаоллиги эса турли хил морфологик воситалар таъсирида воқеланади. Масалан, юқорида келтирилган гапнинг ҳаракат ифодаси объекти вазифасида келаётган *уйига* сўзига эътибор қаратайлик. Мазкур сўз уч таркибий қисмдан иборат бўлиб, функционал қийматига кўра биринчиси қарам (уй) монема, иккинчиси (-и эгалик аффикси) сўзнинг тилдан нутқа кўчишини таъминловчи ёрдамчи восита, учинчиси эса (-га) функционал монема мақомларида келмоқда.

Ана шу таркибий қисмлар бир бутун ҳолда келгандагина сўзнинг (уйига) функционал фаоллиги таъминланади ва у орқали ҳаракат объекти ифодаси синтактик майдонини ташкил этаётган бутун бир қурилмага гапнинг синтактик структураси таркибиға кириши учун имконият яратилади. Фараз қилайлик. Сўз таркибида –га функционал монемаси қатнашмаган. У ҳолда мазкур қурилма компонентларининг синтактик фаоллиги сусаяди ва нутқдан ташқари ҳолатдаги сўз бирикмаси ҳосил бўлади (*Самарқанддан кўчиб келган қўшинимиз Тоҳирнинг сой бўйидаги янги уйи*). Шунинг учун функционал монемани синтагматик қатор занжирини ташкил этувчи ҳалқа деб аташ мумкин.

Ўзбек тилида келишик аффикслари нутқда ҳар доим функционал монема вазифасида келади. Улар сўзнинг ўзаги ёки негизига тиркалиб қўлланиши жараёнида шу сўзни қарам монемага айлантиради. Бошқача айтганда, келишик аффиксини олаётган сўзнинг нутқда бажарадиган синтактик ва семантик функциялари мазкур аффиксга боғлиқ бўлиб қолади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, аксарият ҳолларда келишик аффикси эгалик аффикси билан бирга (ундан кейин) қўлланади. Аммо эгалик аффикси муайян сўзни тилдан нутқقا кўчириб, унга функционал қиймат улашганда тўлақонли функционал монема мақомида бўлади, келишик қўшимчаси билан бирга қўлланганда эса унинг функционал салмоғи қисман пасаяди. Чунки бундай вазиятда асосий функционал залвар келишик аффиксига тушади:

1. *Бир қушига ҳам дон керак, ҳам сув керак, деган гапни онаси кўп қайтарар эди* (*Ойбек. Қуёш қораймас*).

2. *Машраб уйилиб ётган бузгой ғарамларини айлана-айлана булоқ бошига зўрга етиб борди* (*О. Ёқубов. Эр бошига иш тушса*).

Берилган мисолларнинг биринчисда -си эгалик аффикси она сўзига функционал фаоллик бериб, тўлақонли функционал монема вазифасини бажармоқда. Иккинчи мисолда эса -и эгалик аффикси ғарамларини, бошига сўзларида -ни ҳамда -га келишик аффикслари билан қўлланмоқда. Агар биринчи мисолда -си аффикси ўзи тиркалиб келаётган сўзнинг кейинги сўзлар билан синтактик муносабатини мустақил ҳолда таъминлаётган бўлса, кейинги мисолдаги -и аффикси ҳар икки қўлланилиши ҳолатида ҳам келишик аффикслари қуршовида бўлгани учун, функционал қиймати қисман пасайганини кўрамиз. Аникроғи, бу ўринда синтактик муносабат масаласи келишик аффикслари зиммасига тушмоқда. Бундай ҳолат *олдида, ичида, ичига, устига, устига, остида, остида тагида* сингари кўмакчи вазифасида келадиган сўзларда ҳам кузатилади.

Юқоридагилардан ташқари шуни ҳам айтиш лозимки, эгалик аффикси қаратқич келишиги қуршовида келганда ҳар икки морфологик восита ҳам функционал монема мақомида бўлишига қарамай уларнинг функционал қиймати бири иккинчиси билан боғлиқ бўлади. Маълум бир сўзни келишик аффикси тилдан нутқقا кўчириши жараёнида эгалик аффиксини талаб қиласи ва аксинча, эгалик аффиксининг қўлланилиши ҳам келишик аффиксига эҳтиёж туғдиради. Бошқача айтганда, бу ўринда бир пайтнинг ўзида икки функционал монеманинг қўлланилиши Л. Ельмслев истеъмолга киритган интердепенденция ҳодисаси қуршовидадир:

1. *Тешабой энди Алининг аламини Валидан олди* (*М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча*).

2. *Ҳамидахоннинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди* (*М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча*).

Мазкур мисолларда қўлланилган *Алининг алами*, *Ҳамидахоннинг кўзлари* синтагмаларининг мазмуний салмоғи аниқловчи+аниқланмиш муносабати қуршовида шаклланаётганини кузатамиз. Мазкур муносабат, албатта, қаратқич ва қаралмиш ҳодисалари доирасида рўй беради. Шунинг учун айни пайтда -нинг ва эгалик аффиксларининг ўзаро муносабатда

бўлган функционал фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Тўғри, келишик аффикси туширилиши ҳам мумкин. Лекин бундай вазиятда ҳам у функционал фаоллигини тарқ этмайди: *Полк штаби олдида Николин отдан чаққонлик билан тушиб, жиловни Асқар полвонга тутқазди* (*Ойбек. Қуёш қораймас*).

Келтирилган мисолда *полк* сўзи таркибидан -нинг аффиксининг туширилганини кўрамиз. Бироқ, шундай бўлишига қарамай, мазкур аффикс функционал монема мақомини тўлиқ сақлаб қолмоқда. Т.П. Ломтевнинг фикрига кўра, аналогик ҳолларда муайян морфологик воситанинг туширилиши ёки фикран англашилиши ҳақида мулоҳаза юритиш нотўғри. Чунки у берилган структура сатҳида ўзининг белгисиз шакли орқали (ёки ноль ифодаси билан) тўлиқ қатнашади¹. Бундай мулоҳазани С.С. Ваулина ва Г.И. Берестневларнинг тадқиқотларида ҳам кузатамиз².

Ф. Абдуллаевнинг эътироф этишича, бирикмани ташкил этган икки мучанинг орасига сўз ёки бирикма киритилмаган бўлса, қаратқич қўшимчасининг тушиб қолиши қоида тусига кириб қолган. Бироқ бирикма мучалари орасига бирор сўз ёки бирикма киритилган бўлса, -нинг аффикси туширилмайди. Бошқача айтганда, қаратқич билан қаралмиш контакт муносабатда бўлганида -нинг аффиксининг туширилиши учун имконият яратилади. Аммо улар дистант муносабатда бўлса, мазкур аффиксни ишлатиш учун эҳтиёж бўлади: *Ойнисанинг ёшдан хира тортган кўзлари*³. Бундан ташқари, кишилик олмошлари қаратқич вазифасида келганда ҳам -нинг туширилмайди. Қаратқич келишигининг аффикси туширилиши ёки қўлланиши ҳақида А.Ғ. Ғуломов тадқиқотларида янада кенгроқ ва батафсил маълумот берилган⁴.

Ноль ифодалилик нафақат келишик, балки эгалик аффиксларида ҳам кузатилади: *дераза парда, тахта кўприк, пахта завод* ва ҳ.к⁵. Бироқ бундай вазиятда ҳам туширилган аффикслар функционал монема сифатида тўлиқ фаолият кўрсатаверади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, келишик ва эгалик аффикслари функционал монема сифатида фақат бир сўзга (гапнинг бир компонентига) функционал фаоллик бера олади. Улар бир йўла икки ва ундан ортиқ сўзга функционал қиймат улаша олмайди.

¹ Қаранг: Ломтев Т.П. Структура предложения в современном русском языке. М., 1979. С. 57.

² Қаранг: Ваулина С.С., Берестнев Г.И. Семантико-дискурсивные исследования языка: эксплицитность/имплицитность выражения смыслов // Вопросы языкоznания, 2006, № 6. С.129-132.

³ Қаранг: Абдуллаев Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади? Тошкент. 1974, 48-бет.

⁴ Қаранг: Ғуломов А. Ўзбек тилида аниқловчилар. Ўзбек тили илмий грамматикаси учун материаллар. Тошкент. 1940.

⁵ Қаранг: Абдуллаев Ф. Кўрсатилган асар. 45-46-бетлар.

Нутқда кўмакчилар ҳам функционал монема вазифасида келади. Бироқ улар аффиксал монемалардан функционал фаоллиги жиҳатидан фарқ қиласи:

1. *Ашурмирзо... хўжайин билан бузуқ турк тилида гаплашиб ўтирган қора кўзойнакли бир кишини кўриб, юраги ғалати бўлди (М. Исмоилий. Фаргона тонг отгунча).*

2. ...дўндиққина бир қиз у билан овора бўлди (*Ойбек. Қуёш қораймас*).

3. *Қизлар қуёш қиздириши билан дарҳол барг ёзадиган гунчага ўхшайдилар (Х. Гулом. Қорадарё).*

4. *Ҳабиба аллақандай гилтиллаган аразли кўзлари билан эрига ялт этиб қаради (Х. Гулом. Қорадарё).*

Келтирилган мисолларнинг биринчи ва иккинчисида *билин* кўмакчиси гап синтактик структурасининг фақат бир иштирокчисига (*хўжайин билан, у билан*) функционал фаоллик бермоқда. Бу жиҳатдан мазкур монеманинг функционал қиймати аффикслар бажарадиган вазифага қиёс қилиниши мумкин. Лекин учинчи ва тўртинчи мисоллардаги унинг функционал фаоллигини аффикс билан тенглаштириб бўлмайди. Агар учинчи гапда билан функционал монемаси воситасида *қуёш қиздириши* бирикмаси (синтагмаси) синтактик ва функционал фаоллик олаётган бўлса, тўртинчи гапда унинг бевосита кўмаги таъсирида янада салмоқлироқ бирикма қолипидаги синтактик структура шундай фаоллик олмоқда.

Бу ўринда шунга аҳамият бермоқ лозимки, *билин* функционал монемасининг таъсири доираси кенглиги уни аффикс монемалардан кескин фарқлайди. Зотан, унинг ёрдамида гап структурасининг алоҳида иштирокчиларидан ташқари, бутун бир синтагма синтактик ва функционал фаолликка эришади. Аммо, кўмакчи функционал монема мақомида синтагмага синтактик фаоллик бериши жараёнида синтагма структураси компонентларининг функционал монемалар воситасида шаклланган ички боғланишини инкор этмайди, чунки мазкур ички боғланиш синтагма синтактик структурасини вужудга келтириш учун хизмат қиласи. Кўмакчи эса синтагманинг тайёр ҳолдаги синтактик шаклининг гап сатҳида қўлланилиши ва функционал фаоллигини таъминловчи восита сифатида вазифа бажаради. Бундай функционал фаоллик бошқа кўмакчиларда ҳам кузатилади:

1. *Бектемир чиқиш учун қўзгаларкан, қулоқларига ўзбекча сўзлар туюлди (Ойбек. Қуёш қораймас).*

2. ...шошимасдан, довдирамасдан пишиқ иши кўришилари учун ўзини қўлга олишига тиришиди (*Ойбек. Қуёш қораймас*).

Учун функционал монемаси биринчи гапда фақат бир сўзга (чиқиш) синтактик фаоллик бераётганини кўрамиз. Бунда у ўзи бошқараётган сўз

билин бирикиб, нутқнинг алоҳида сегментини ташкил этмоқда. Аммо иккинчи гапда катта салмоққа эга бўлган бутун бир системани тақозо этувчи синтагма у орқали функционал қиймат касб этмоқда: *шошимасдан, довдиритасдан, пишиқ иши қўришилари учун*. Бу жиҳатдан кўмакчи функционал фаоллик бераётган синтагма система ичидаги системани ташкил этади. Бундай вазият қуйидаги мисолда янада аникроқ кўзга ташланади: *Бахтсиз оналарнинг кўз ёшлари, болаларнинг қони, қизларнинг таҳқирланган номуси учун сўнгги нафасгача курашинг!* (*Ойбек. Қуёш қораймас*).

Берилган мисолда учун функционал монемаси учта салмоқли синтагмадан ташкил топган анча йирик синтактик қурилмани бошқариб, унга функционал фаоллик бераётганини кузатамиз. Бу жараёнда ҳар бир синтагманинг ички структураси ташкил этилишида фаол қатнашаётган аффиксал функционал монемалар ҳам унинг синтактик-функционал майдони иштирокчиларига айланниб қолмоқда.

Кўмакчилар турли хил: сабаб, восита, ўхшатиш ва х.к. семантик вазифаларни бажариши билан алоҳида ажралиб туради, албатта. Аммо мазкур ишда уларнинг синтактик-функционал вазифаларининг тадқики асосий мақсад бўлгани учун семантик вазифалари тавсифига эътибор қаратилмаяпти. Умуман, мазкур масала тадқики алоҳида текширув обьекти бўлиши мумкин. Қуйида ўхшатиш маъноси ифодаси билан боғлиқ *каби* функционал монемаси иштирокида бир мисол келтирайлик: *Одамлар жон қафаслари бўлган уйларидан аждарнинг оғзидан қочган каби жон ҳовучлаб югурадилар* (*Ойбек. Қуёш қораймас*).

Айни пайтда *аждарнинг оғзидан қочган* биримаси *каби* функционал монемаси воситасида нутққа киритилиб, синтактик фаоллик олмоқда. Мазкур функционал операция юқоридаги мисолларда берилган *билан*, учун функционал монемалари орқали бажарилган операциялардан формал-синтактик характерига кўра фарқ қилмайди. Улар ўртасидаги фарқ монемаларнинг мазманий вазифалари доирасида кўзга ташланади, холос.

Кўмакчи билан ифодаланган баъзи функционал монемалар қуршовида аффиксал монемалар ҳам қатнашиши мумкин: *Улар кабинетдан чиқиб, пароход томонга юришиди* (*М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча*).

Берилган мисолда *пароход* сўзи *томон* кўмакчи монемаси воситасида функционал фаоллик касб этиб, қарам монемага айланмоқда. Кўмакчига қўшилиб келаётган -га функционал монемаси бу ўринда синтактик вазифасига кўра фаол эмас. Шу боис уни гап таркибидан тушириш ҳам мумкин: *Улар пароход томон юришиди*. Мазкур аффиксал монемани *пароход* сўзига тиркаганда ҳам функционал нуқтаи назардан вазият ўзгармайди: *Улар пароходга томон юришиди*. Шу боис бундай

ҳолатда -га аффиксал монемасининг қўлланилиши факультатив характерли бўлади. Бошқача айтганда, сўзларнинг аналитик усулда муносабатга киришувида кўмакчи устувор аҳамият касб этади. Шундай бўлгач, аналитик-синтетик усулни шакллантириш ҳам факультатив характерли бўлиб қолади.

Бироқ томон функционал монемаси билан синонимик маъно касб этувчи *сари* монемаси дистрибуциясида аффиксал функционал монема қўлланмайди. Агар уни қўллаш лозим бўлса, у ҳолда кўмакчи монема туширилади: *Эртагаёқ сиз билан Хўжанд сари жўнашга тайёрман* (*M. Осим. Аждодларимиз фожиаси*) → *Эртагаёқ сиз билан Хўжандга жўнашга тайёрман*.

Гапнинг трансформацияси жараёнида томон кўмакчиси ва -га аффиксал монемаси *сари* функционал монемасининг субститутлари бўла олади: *Хаёл уни студентлик йиллари сари етаклади* (*С. Кароматов. Сўнгги бархан*) → *Хаёл уни студентлик йиллари томон етаклади* → *Хаёл уни студентлик йилларига етаклади*.

Юқоридагилардан ташқари, *сари* функционал монемаси –ган аффиксал монемаси ёрдамида шаклланган қарам монемадан кейин келганда, *сайнин* функционал монемаси билан алмаштирилиши мумкин:

1. *Уйига яқинлашган сари адойи тамом бўлиб борарди* (*Н. Қобул. Овчи*) → *Уйига яқинлашган сайин адойи тамом бўлиб борарди*.
2. *Ишлаган сари ишлагим келарди* → *Ишлаган сайин ишлагим келарди*.

Бу ўринда шу нарса характерлики, -ган аффиксал функционал монемаси ўзи тиркалиб келаётган сўзни, ёки ўзининг иштироқида шакланаётган бирикмани нутққа мустақил ҳолда олиб кира олмайди. Шу боис бундай вазиятда *сари*, *сайнин* функционал монемаларининг ёрдамига эҳтиёж туғилади.

Кўра кўмакчи монемаси ҳам, одатда, аффиксал монемалар куршовида қўлланади. Лекин юқорида кўриб ўтилган кўмакчи монемалардан фарқли равишда, мазкур кўмакчи қарам монема мақомида келиши ҳам мумкин:

1. *Апрел қуёши бугун ҳар галгидан кўра кучлироқ қиздирмоқда* (*В. Гафуров. Сўнгги пушаймон*).
2. *Бу йигин мажлисдан кўра кўпроқ тўйхонага ўхшарди* (*Ф. Фозилов. Шоирнинг баҳти*).

Берилган мисолларнинг биринчисида *кўра* монемаси функционал фаоликка -дан монемаси орқали эришмоқда. Бу эса унинг қарам монема мақомида келаётганидан далолат беради. Бу ўринда -дан аффиксал монемасининг функционал вазни *кўра* монемасига нисбатан залварлироқ эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Мазкур аффиксал монеманинг ёлғиз ўзи ҳам (кўмакчисиз) қўлланиши мумкин: *Апрел қуёши бугун ҳар галгидан*

кучлироқ қиздирмоқда. Бироқ иккинчи мисолда кўра кўмакчиси функционал монема мақомидадир. Зотан, айни пайтда -дан аффиксал монемасининг функционал фаоллиги унга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис уларнинг ҳар иккаласини ҳам гап таркибидан тушириб бўлмайди.

Нутқда -дан кўра бирикмаси ўрнига -га қараганда, -га нисбатан каби қарам ва функционал монемалар комплексидан фойдаланиш ҳам мумкин: ...Ҳар галгига қараганда (нисбатан) кучлироқ...; ...мажслисга қараганда (нисбатан) кўпроқ тўйхонага...

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидллаш лозимки, тил бирликларининг нутқда қайдараждада фаоллашуви кўп жиҳатдан тил системаси белгиларининг қандай функционал мақомда келиши билан узвий боғлиқдир. Масалан, юқорида кўриб ўтилган -дан ва -га аффиксал монемаларининг қарам ҳолатда келиши фикримиз далили бўла олади. Мазкур аффикслар келишик қўшимчалари грамматик маъносини берганида, сўзсиз, функционал монема мақомини олган бўларди. Келтирилган мисолларда эса улар келишик маънолари нейтраллашгани сабабли қарам монема вазифасини бажармоқда. Бундай вазият *кейин*, *олдин*, *бурун*, *илгари*, *аввал*, *сўнг*, *бери*, *буён*, *муқаддам* каби равишларнинг қўлланишида ҳам кузатилади. Мазкур морфологик воситалар юқорида кўриб ўтилган кўра, қараганда кўмакчилари сингари -дан аффиксал монемаси билан ишлатилади:

1. *Шарофат хола шундагина унинг келгандан бери оғиз очиб бир гап айтмаганини эслади* (А. Мухтор. Чинор).
2. *Бундан ўн ипллар муқаддам чўлқуварлар учун қурилган уйлар кўз олдимга келди* (О. Ёкубов. Биллур қандиллар).
3. *Бу йигит Ҳафизадан икки-уч йил аввал мактабни тамомлаган* (Мирмуҳсин. Умид).
4. *Ҳофиз Куйкий икки кундан буён шу карвон саройда муқим эди* (Х. Султонов. Бир оқшом эртаги).

Келтирилган гапларнинг биринчисида *кейин* равиши -дан аффиксал монемасини қарам ҳолатга келтириб, функционал монема вазифасини бажармоқда. Бу жиҳатдан уни *кўра*, *қараганда* функционал монемаларига қиёслаш мумкин. Иккинчи мисолда *муқаддам* функционал монемаси -дан қарам монемаси билан дистант ҳолатда боғланмоқда: *бундан ... муқаддам*. Кўриб ўтилгани каби дистант боғланиш учинчи гапда *аввал* ва -дан (*Ҳафизадан*) функционал ва қарам монемалари ўртасида ҳам кузатилади. Тўртинчи гапда эса *буён* ва -дан (*кундан*) монемалари ўртасида яна контакт боғланиш намоён этилмоқда.

Шундай қилиб, функционал таҳлил назариясида қўлланадиган мухтор, функционал ва қарам монемалар тушунчалари ҳақида қисқача тасаввурга эга бўлдик. Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, Мартиненинг функционал таҳлил назариясида мазкур тушунчалар ҳақида умумий

маълумот берилгани ва масала моҳияти француз тили материали асосида ёритилгани боис, биз монемаларнинг ҳар бир тури тавсифига мустақил ёндашдик. Бундан ташқари, Мартине назариясида эътибордан четда қолган тил бирликларининг нутққа кўчирилиши масаласига ҳам имкон қадар аҳамият беришга ҳаракат қилдик.

Айтиш лозимки, Мартине назариясида фактik тил материалининг таҳлили тил билан нутқ бирлиги ва қарама-қаршилиги тамойилларига асосланмайди. Бу ҳақда Мартиненинг турмуш ўртоғи Ж. Мартине қуидагиларни ёзди: «...мы не уверены, что Соссюр, имея возможность продолжать свои размышления, стал бы настаивать на необходимости различать язык и речь. Мартине отбрасывает это противопоставление»¹. Аслида эса Ф. де Соссюрнинг тил ва нутқ дихотомиясининг четлаб ўтилиши Мартине назариясидаги жiddий камчиликлардан бири эди.

Дарҳақиқат, Мартиненинг функционал таҳлил назариясида монемалар ўзаро муносабати ва уларнинг нутқдаги вазифалари хусусида мукаммал маълумот берилганига қарамай, унда тил бирликларининг синтагматик қатор сатҳига киритилиши масаласи тилга олинмайди. Ваҳолонки, тилнинг ҳар бир бирлиги нутқий фаолликни парадигматик қатордан синтагматик қаторга ўтиши жараёнида олади. Бу, албатта, ўз-ўзидан рўй бермайди. Бошқача айтганда, ҳар қандай тил унсурининг нутққа кўчирилиши инсон омили, нутқий муҳит кабилар билан, бир сўз билан айтганда, прагматик омиллар билан узвий боғлиқдир. Масаланинг бу жиҳатлари ҳам, албатта, «тил ва нутқ» дихотомияси эътиборга олинмагач, назардан четда қолиши табиийдир.

Юқоридагилардан ташқари, Мартине назариясида функционал монеманинг гап структурасини шакллантиришдаги нуфузи эслатиб ўтилган бўлса-да, унинг баъзи қирралари эътиборга олинмаганини кузатамиз. Тўғри, функционал монема мухтор ва қарам монемаларга нисбатан муҳим синтактик вазифа бажаради, зотан, унинг иштирокисиз синтагматик муносабатнинг вужудга келиши амри маҳолдир. Бироқ функционал монемалар бажарадиган вазифалари салмоғига кўра бир хил эмас. Буни биз мазкур монемаларнинг бир сўзга, бир неча сўзга ва бутун бир синтагмага функционал фаоллик беришида кўриб ўтдик. Масаланинг бу жиҳатлари ҳам Мартине назариясининг эътиборидан четда қолган. Аммо бу билан А. Мартиненинг функционал таҳлил назариясини яроқсиз демоқчи эмасмиз. Бундай мулоҳаза юритиш мутлақо нотўғри бўларди. А. Мартине функционал таҳлил назариясининг асосчисидир. Зотан, у мазкур соҳада олиб борилаётган тадқиқот ишлари учун назарий асос яратган олимдир².

¹ Бу ҳақда қаранг: Веденина Л.Г. Функциональное направление в зарубежном языкоznании // Вопросы языкоznания, 1978, № 6. С.83.

² Қаранг: Веденина Л.Г. Кўрсатилган мақола. 76-бет.

Мазкур ишда Мартиненинг функционал таҳлил назариясига таянган ҳолда, ўта катта функционал нуфузга эга бўлган монемалар ҳақида ҳам мулоҳаза юритмоқчимиз. Бундай монемалар жумласига мураккаб синтактик қурилмаларда деривацион мавқеига кўра катта салмоқ касб этувчи морфологик воситаларни киритамиз.

Суперфункционал монема

Маълумки, анъанавий тилшуносликда *қўшима гап* номи билан аталувчи синтактик қурилмаларни ўрганиш жараёнида уларнинг таркибий қисмларини ўзаро боғловчи воситаларни ёрдамчи унсурлар деб аталиб келинади. Бизнингча, бундай воситаларни ёрдамчи унсурлар деб аташ мақсадга номувофиқдир. Кўшма гап шаклланишининг семантик жиҳатларини назарда тутганимизда ҳам, унинг структур-синтактик нуқтай назардан воқеланишини эътиборга олганимизда ҳам боғловчи воситаларни ёрдамчи омил сифатида талқин этиш мутлақо ноўриндир. Агар қўшма гапни кўп қаватли бино билан қиёслайдиган бўлсак, боғловчи воситалар унинг бўсағасидан бошлаб энг юқори қаватигача бўлган ҳудудда ҳоким мавқега эга эканлигини кўрамиз. Зотан, уларнинг иштирокисиз қўшма гап таркибий қисмларининг синтактик фаоллашуви ҳам, ўзаро боғланиши ҳам, полипредикативлик ва устпредикативлик характеристи ҳам шаклланмайди.

Юқоридагилардан ташқари, қўшма гап структурасида яна бир хусусият мавжуд бўлиб, уни матн тушунчаси орқали изоҳлаш мумкин. Бошқача айтганда, қўшма гапнинг ҳар қандай турида ҳам матн мақомини кўрамиз. Шу боис улар мазкур ишда микроматн салмоғини тақозо этувчи мураккаб синтактик қурилма (МСК) деган ном билан аталмоқда¹. Бу ўринда, албатта, нутқ бирликларининг поғонали муносабатлари қонуниятлари ҳам ҳисобга олинмоқда. *Қўшима гап* тушунчаси эса поғонали муносабат қонуниятларига зиддир (бу ҳақда ишимизнинг иккинчи бобида батафсил маълумот берилган).

Мураккаб синтактик қурилмалар боғловчили тенг компонентли, боғловчисиз тенг компонентли ҳамда тобе компонентли алоҳида турларга бўлинади. Айни пайтда анъанавий тилшуносликда қўлланилиб келаётган боғловчили, боғловчисиз ҳамда тобе (эрғаш) компонентли каби терминологик тушунчаларни саклаб қоламиз. Чунки МСК матн мақомида бўлишидан қатъи назар, ана шу тушунчалар билан боғлиқ тамойиллар асосида шаклланади. МСК компонентларининг функционал таҳлили ҳақида сўз юритилганда шунга эътибор бериш лозимки, уларда мустақил гаплардан фарқли равишда, алоҳида сўзлар, синтагмалар ёки сўз

¹ Қаранг: Турниёзов Б. Кўрсатилган монография.

бирикмаларининг синтактик фаоллашуви ҳақида эмас, балки энг аввал таркибий қисмларни ташкил этувчи гапларнинг синтактик фаоллашуви тўғрисида мулоҳаза юритмоқ лозим бўлади. Зотан, мазкур қисмлар фақат МСҚ компонентлари сифатида фаоллик кўрсатиб қолмасдан, уларнинг функционал фарқларини намоён этувчи воситалар ҳам саналади. Боғловчили тенг компонентли МСҚ (анъанавий боғланган қўшма гап) лар грамматик жиҳатдан тобе бўлмаган, тенг хуқуқли предикатив қисмлардан ташкил топган қурилмалар сифатида таърифланади¹. Ана шунинг ўзи ҳам тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар таркибига киритилаётган гапларнинг нисбий мустақиллигидан далолат беради. Тўғри, уларда воқеа-ҳодисалар ифодасининг кетма-кетлиги ҳам кузатилади. Бошқача айтганда, семантик нуқтаи назардан боғловчили тенг компонентли МСҚ қисмлари бири иккинчисини талаб қиласди, бири иккинчисининг асосида келиб чиқади, ҳар икки қисм ҳам умумий фикр ифодаси учун хизмат қиласди². Аммо шундай бўлса-да, бу хилдаги семантик муносабатни нисбий тушунмоқ мақсадга мувофиқдир. Чунки боғловчили МСҚ қисмларининг семантик салмоғи нисбий мустақил бўлади. Бундай вазият, бизнингча, мазкур қисмларнинг функционал фаоллашуви характеристи билан узвий боғлиқдир:

1. *Бектемир... унинг шу тобда дилгир ва кайфсиз эканини пайқади, лекин чурқ этишига тоби йўқ (Ойбек. Қуёш қораймас).*
2. *Генералнинг ўзи келгани ҳақидаги хабар қулоқдан-қулоқча ўтди ва шу заҳотиёқ солдатлар ўринларидан туриб, генерални зўр мамнуният билан кутиб олишиди (Ойбек. Қуёш қораймас).*

Берилган мисолларнинг биринчисида *ва* боғловчиси функционал монема сифатида икки сўзга (*дилгир, кайфсиз*) синтактик фаоллик бермоқда. Бироқ МСҚ таркибидаги лекин боғловчисининг айни пайтда *ва* боғловчисига нисбатан функционал фаоллиги анча юқори эканлигини кўрамиз. Зотан, мазкур морфологик восита сўзларга эмас, балки МСҚ таркибий қисмларини ташкил этаётган гапларга синтактик *ва* функционал фаоллик бермоқда. Бу, албатта, унинг МСҚ структурасидаги дастлабки функциясини тақозо этади. Мазкур воситанинг яна бир улкан вазифаси бўлиб, уни МСҚнинг умумий структурасига функционал фаоллик беришида кузатиш мумкин. Ана шу боис бу ўринда лекин боғловчисини *суперфункционал* монема тарзида талқин этамиз.

Бундай морфологик восита МСҚ таркибида мантикий-грамматик функцияси жиҳатидан ҳам алоҳида ажralиб туради. Бошқача айтганда, унинг бевосита иштирокида МСҚ устпредикатив қурилма мақомига эга бўлади.

¹ Қаранг: Фуломов А., Аскарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент. 1987, 163-бет.

² Қаранг: Абдураҳмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. Тошкент. 1964, 59-бет.

Иккинчи мисолда аналогик функционал вазифани *ва* боғловчиси бажармоқда. Мазкур боғловчи билан *лекин* боғловчиси ўртасида функционал қийматига кўра фарқ йўқ, зотан, уларнинг ҳар иккиси ҳам полифункционал хусусиятга эга. Улар ўртасида фарқ бажараётган семантик вазифалари ҳамда МСҚ таркибидаги позицияларида кузатилади.

Зидлов боғловчиларининг МСҚ таркибида бирининг ўрнига иккинчиси қўллана олиши уларнинг функционал қийматларини ўзгартира олмайди: *Узоқ-узоқларда дўмбиралар гумбури тинмади, аммо биз уларни топа олмадик (М. Қориев. Спитамен) → ...дўмбиралар гумбури тинмади, лекин биз..., ...дўмбиралар гумбури тинмади, бироқ биз...*

Кўринадики, субституцион ўзгариш боғловчиларининг функционал фаоллигига таъсир этмайди. Бирининг ўрнига қўлланилган иккинчи боғловчи ҳам олдингиси қандай суперфункционал монема вазифасида келган бўлса, шу ҳолатни тўлиқ сақлаб қолади. Аммо улар ўртасида синтактик ва функционал вазифаларига кўра фарқ бўлмаса ҳам, услубий хусусиятлари доирасида фарқ кузатилади: *аммо ва лекин боғловчилари аммо лекин тарзида МСҚ синтактик деривациясининг дубльоператори вазифасида кела олади. Бироқ уларни лекин аммо, аммо бироқ, бироқ лекин тарзида қўллаб бўлмайди.* Бу ўринда Е.В. Падучеванинг қўйидаги фикрини келтириш мақсадга мувофиқдир: «Почему, скажем, запомнить сочетается с обстоятельством срока (надолго, навсегда, на полчаса) – притом, что такие сочетания невозможны для близкого по значению *припомнить?..* Слова как люди: нет и не может быть двух в точности одинаковых»¹.

Айрим нутқ муҳитида бириктирув ва зидлов боғловчиларининг субститути юклама бўлиши мумкин. Бундай вазиятда юклама ҳам суперфункционал монема мақомида фаоллик кўрсатади: *Мамараим афандининг хумордан юмилган кўзлари мошдай очилиб кетди-ю, ярқ этиб ҳид келган томонга қаради (М. Исмоилий. Фарғона тонг отгунча).*

Келтирилган мисолда *-ю* юкламаси *ва* суперфункционал монемасининг ўрнига қўлланилиб, у билан бир хил вазифа бажармоқда. Қўйидаги мисолда эса мазкур юклама зидлов боғловчисининг субститути сифатида фаоллик кўрсатаётганини кузатамиз: *...оғзимга бир гап келди-ю, кўпчиликни ўйладим (Р. Файзий. Асарлар).*

Бу ўринда келтирилган МСҚнинг иккинчи компонентига зидлов боғловчиларидан бирини киритиш орқали *-ю* юкламасининг функционал фаоллигини аниқлаш мумкин: *...оғзимга бир гап келди, аммо (лекин, бироқ) кўпчиликни ўйладим.*

Кўринадики, *-ю* юкламаси МСҚ таркибида зидлов боғловчиси билан бир хил функционал қиймат касб эта олади. Ҳатто МСҚ

¹ Падучева Е.В. Глаголы создания образа: лексическое значение и семантическая деривация // вопросы языкознания, 2003, № 6. С. 30.

компонентларининг олдингисида юклама, кейингисида эса зидлов боғловчиси қўлланганда, боғловчининг функционал фаоллигини қисман чегаралаб ҳам қўяди: *Ўз ерларига қараб солмоқчи бўлди-ю, аммо бия алангадан ҳуркиб, қир томонга олиб қочди* (*А. Мухтор. Чинор*).

Бундай пайтларда юклама зидлов маъносини кучайтиргани боис боғловчининг функционал фаоллиги анча сусайиб қолади. Бошқача айтганда, юкламанинг функционал фаоллиги туфайли боғловчи МСҚ таркибидан туширилиши ҳам мумкин. Бу эса айни пайтда юклама суперфункционал монема мақомида, боғловчи бўлса оддий функционал монема тарзида келишидан далолат беради.

Шуни ҳам айтиш керакки, бириктирув ва зидлов боғловчилари нуқтадан кейин иккинчи гапнинг бошида қўлланганда ҳам суперфункционал монема вазифасини бажаради. Бунинг асосий боиси шундаки, бундай ҳолатда боғловчи ўзи қатнашаётган гапдан олдинги жумланинг функционал фаоллик олиши учун ҳам хизмат қиласи: *Дилишод эса унинг чақиришини итоат билан кутарди. Аммо Тўтиқиз чақирмас, ўртада бирор шарпа эшиштилмас эди* (*М. Исмоилий. Фаргона тонг отгунча*).

Зидлов боғловчилари аммо лекин тарзида қўшалоқ келганда уларнинг ҳар бири алоҳида функционал монемаларни эмас, балки яхлитлигича ягона суперфункционал монемани тақозо этади: *Аввал икки йилгина шоли экамиз, аммо лекин Найманга кўчиши ихтиёрий* (*С. Аҳмад. Уфқ*).

МСҚ компонентларининг биринчиси таркибида юклама, иккинчисида эса аммо лекин боғловчиси қўлланганда, юкламанинг мавжудлиги факультатив характерли бўлади ва шунинг учун уни суперфункционал монема эмас, балки оддий функционал монема жумласига киритиш мақсадга мувофиқдир: *Мен ҳам унинг қилмишларини хушламайман-у, аммо лекин урушдан кўкси тўла орден-медаллар билан қайтиб келди* (*О. Ёқубов. Диёнат*).

Айирув ва инкор боғловчилари ҳам МСҚ таркибида фаол қўлланади, аммо улар, зидлов ёки бириктирув боғловчиларидан фарқли равища, ҳар доим МСҚ компонентларининг бошида тақрорланиб келади:

1. *Назаримда, ё одамлар бошқача бўлиб қолишган, ё мен унча қовушишай турибман* (*М. Исмоилий. Фаргона тонг отгунча*).

2. *Гоҳ танбур нола қилар, гоҳ гижжак ииғлаб физон қиларди* (*С. Аҳмад. Уфқ*).

3. *Йигит эса дом-дараксиз. На қўшиши эшиштилади, на изи топила қолади* (*Ж. Абдуллахонов. Борса-келмас*).

Кўринадики, боғловчи воситалар МСҚ компонентларининг ҳар бири таркибида якка ҳолда қўлланилиб, суперфункционал монема вазифасини бажармоқда. Шу боис улар функционал мақомларига кўра мустақилдир.

МСҚ синтактик деривациясининг воқеланишида эса мазкур боғловчилар оператор вазифасини якка ҳолда эмас, балки жуфт ҳолда бажаради. Бошқача айтганда, улар МСҚ синтактик деривациясининг дубльоператори сифатида фаоллик кўрсатади. Бундай операторни *ё...ё, ёки...ёки, гоҳ...гоҳ, бир...бир, дам...дам, на...на* ва ҳ.к. тарзида белгилай оламиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, айирув боғловчиси МСҚ компонентларининг фақат иккинчисида қўлланиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда боғловчи ўзи қатнашаётган гапдагина суперфункционал монема тарзида фаоллашади. Зотан, у фақат ана шу гапдагина функционал қиймат беради, МСҚнинг биринчи компонентининг синтактик ва функционал қиймат касб этиши эса бошқа бир монема билан боғлиқ бўлади: *Одамлар бошқача бўлиб қолишган, ё мен унча қовушмай турибман.*

Айни пайтда ё боғловчиси иккинчи гап таркибида келиб, унга синтактик ҳамда функционал фаоллик бермоқда. Биринчи гапнинг синтактик фаоллашуви ва функционал қиймат касб этиши *-ган* аффикси билан боғлиқ эканлигини кўрамиз. Мазкур аффиксни ўзи қатнашаётган гапнинг кесимига боғланиб келиб, унинг (гапнинг) МСҚ таркибида кириши ва функционал қиймат касб этиши учун хизмат қилаётгани боис, суперфункционал монема деб атаемиз.

Тобе компонентли МСҚ ларда ҳам муайян морфологик воситалар суперфункционал монема мақомида келади. Бироқ бунда МСҚ компонентлари тенг ҳуқуқли бўлмагани учун функционал фаоллиги тенг компонентли МСҚлардагига қараганда бошқачароқ кўриниш касб этади. Буни қуйидагиларда кузатиш мумкин: а) синтактик ва семантик жиҳатдан мустақил бўлган гапни дастлаб номустақил гапга айлантиради ва шундан сўнг унга МСҚнинг тобе компоненти функциясини беради; б) ҳоким мавқедаги МСҚ компонентининг мустақиллигини нисбийлаштиради. Зотан, МСҚ компоненти бўлиши ва мазкур муракаб структуранинг муайян мучасига айланиши учун у суперфункционал монемага тобе бўлиб қолади; в) МСҚнинг синтактик деривациясини шакллантириб, ҳосила структуранинг мутлақ ҳоким унсурига айланади: *Мехри опа кийиниб бўлгунча, Назира ўғлининг қўзичоқ билан ўйнашганини томоша қилиб турди (Р. Файзий. Асарлар).*

Берилган МСҚнинг иккинчи компоненти синтактик нуқтаи назардан ҳам, семантик жиҳатдан ҳам мустақил эканлиги изоҳ талаб қилмайди. Шу боис бундай гапларни анъанага кўра қўшма гапнинг ҳоким компоненти деб аташади. Бундан ташқари, қўшма гап таркибий қисми бўлгани учун унинг нисбий мустақил эканлиги ҳам таъкидланади. Аммо бундай мулоҳазаларга тўлиқ қўшилган ҳолда шуни ҳам айтмоқчимизки, одатда ҳоким деб аталиб келинаётганидан қатъи назар, бундай гап функционал қиймат касб этишига кўра, тобе гап таркибида (аксарият ҳолларда унинг кесимига қўшилиб) келаётган боғловчи воситага қарамдир. Бошқача

айтганда, мазкур гапнинг МСҚ компоненти мақомида келиши ва ҳоким гап мавқеини олиши ана шу боғловчига боғлиқ. Шундай бўлгач, боғловчи восита нафақат тобе гапга, балки ҳоким гапга ҳам функционал фаоллик беришини алоҳида таъкидлаш лозим, деб ўйлаймиз. Келтирилган мисолда -гунча аффикси ана шундай мақомга эгадир. Шу боис у функционал монема саналади.

Тобе компонентли МСҚ синтактик шаклининг вужудга келишида бошқа боғловчи воситалар ҳам юқорида берилган мисолдаги -гунча аффикси сингари функцияларига кўра ўта фаолдир:

1. *Афзалов хонадан чиқиб кетгач, Узоқов... дераза тавақаларини кенг очиб юборди (Ҳ. Ғулом. Қорадарё).*
2. *Абдуллаев навбатдаги нотиқни эълон қилмоқчи бўлиб турганда, энг орқа қаторда ўтирган кимдир сўз сўради (Ҳ. Ғулом. Қорадарё).*
3. *Жангчилар ўзларини пухта яшира олганлари учун талофат жуда оз бўлди (Ойбек. Қуёш қораймас).*
4. *Машраб, тишлаган нони томогидан ўтмай, сакраб ўрнидан турди (О. Ёқубов. Эр бошига иши тушса).*
5. *Кўз олдига ғалати нарсалар келиб, юраги питирлаб қолди (О. Ёқубов. Эр бошига иши тушса).*
6. *Қаерда паранжидан гап очилиб қолса, ... бир хил бўлиб кетарди (Р. Файзий. Асарлар).*

Юқоридагилардан ташқари, суперфункционал монема мақомидаги боғловчи восита МСҚ ҳоким компоненти кесимиға қўшилиб келиши ҳам мумкин. Форс-тожик тилидан ўзлашган -ки боғловчиси бунга мисол бўла олади:

1. *Бахтиёрлик ўрнини шундай оғир қайгу босдики, Зуҳуржонни гангитиб қўйди (Р. Файзий. Асарлар).*
2. *Қўшичилигимизнинг боиси шуки, баҳмалликлар мўл-кўлчилик яратишга аҳд қилдилар (И. Раҳим. Тақдир).*

Келтирилган гапларининг ҳар иккаласида ҳам -ки боғловчиси суперфункционал монема вазифасини МСҚ ҳоким компонентининг кесимиға боғланаган ҳолда бажармоқда. Ана шу сабабдан ҳоким гапнинг синтактик шакли тобе гапнинг синтактик шаклига нисбатан номукаммал ҳолат касб этмоқда. Албатта, бундай вазиятнинг вужудга келиши -ки суперфункционал монемаси таъсирида воқеланмоқда. Бошқача айтганда, суперфункционал монема МСҚ таркибий қисмларининг энг аввал биринчисига ва шундан сўнг иккинчисига функционал фаоллик бермоқда.

Баъзи МСҚларда, хусусан, анъанавий тилшуносликда аниқловчи эргаш гапли қўшма гап деб номланиб келинаётган синтактик қурилмаларда -ки боғловчиси шундай ва бундай нисбий олмошлари куршовида қўлланади. Бироқ, бундай МСҚ таркибий қисмларининг ўзаро синтактик муносабатида мазкур олмошлар ҳеч қандай аҳамият касб

этмайди. Бунда МСҚ таркибий қисмларининг синтактик муносабати ҳам, уларинг функционал салмоқ касб этиши ҳам фақат -ки суперфункционал монемаси билан боғлиқ бўлади: *Жаннатнинг ҳам чехрасида Содик ҳеч қачон кўрмаган шундай жозиба бор эдики, бундай жозиба, одатда, одам баҳтини топганда пайдо бўлади* (*Шуҳрат. Олтин зангламас*).

Шуни ҳам айтиш керакки, МСҚ тобе компоненти таркибида (унинг бошланишида) боғловчи восита қўлланганда, ҳоким гап таркибида келаётган -ки боғловчисининг функционал фаоллиги нейтраллашиб, у услугий воситага айланиб қолади. Чунки, айни пайтда тобе компонентдаги боғловчи суперфункционал монема вазифасини бажаради: *Сўғдиёнанинг ҳамма жойига шундай тузоқ қўйиб ташлайликки, токи душман эркин юролмасин* (*М. Қориев. Спитамен*).

Берилган мисолда МСҚнинг ҳам, унинг компонентларининг ҳам синтактик ва функционал фаоллиги *токи* суперфункционал монемаси орқали воқеланмокда. Бунда ҳоким компонент таркибидаги -ки боғловчиси оддий монема тарзида фаоллик кўрсатади. Уни айни пайтда ҳатто факультатив характерли дейиш ҳам мумкин.

Пайт маъносини ифодаловчи МСҚнинг айрим қўринишида -ки боғловчиси суперфункционал монема вазифасини тобе компонент таркибида қўлланиб бажаради. Бундай нутқ муҳитида буён, бери, каби морфологик воситалар унинг субститути бўла олади: *Мана, бир йилдирки, Чирчиқдаги машинасозлик заводида мастер бўлиб ишлаб турибди* (*P. Файзий. Асарлар*).

Мазкур гапда қўлланган -ки боғловчисини субститутлари билан алмаштириб қўрайлик:

1. *Мана, бир йилдан буён, Чирчиқдаги...*
2. *Мана, бир йилдан бери, Чирчиқдаги...*

Бу ўринда буён ва бери сўзлари суперфункционал монема вазифасини -дан аффикси кўмагида бажараётганини кўрамиз. Шу боис айни пайтда -дан буён, -дан бери тарзида фаоллик кўрсатувчи суперфункционал монема ҳақида мулоҳаза юрита оламиз.

Тобе компонентли МСҚ синтактик деривациясининг бу сингари таркибли морфологик воситалар билан воқеланишини -са-да, -са ҳам каби дубльоператорлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бундай вазиятда ҳам дубльоператорлар функционал салмоқларига кўра суперфункционал монемаларни тақозо этади:

1. *Зарурати бўлмаса-да, супага чиқиладиган зина қилинган* (*Э. Усмонов. Номус*).
2. *Умринг тугаб бораётса ҳам, эртанги кунга умид билан боқасан* (*Н. Қобул. Овчи*).

Тўсиқсизлик маъносини ифода этувчи бу хилдаги гапларнинг трансформацияси жараёнида *феълнинг бўлишили-бўлишилиз шакли*, билан,

қарамай, қарамасдан каби деривацион воситалар ёрдамида трансформалар парадигмаси шаклланиши ҳам мумкин:

Зарурати бўлсин-бўлмасин, супага чиқиладиган зина қилинган →
Зарурати бўлмагани билан, супага чиқиладиган зина қилинган →
Зарурати бўлмаганига қарамай, супага чиқиладиган зина қилинган.

Бироқ мазкур воситалардан билан, қарамай, қарамасдан кўмакчилари -гани билан, -га қарамай, -га қарамасдан тарзида кўлланиладиган таркибли суперфункционал монемаларни тақозо этади.

Юқоридагилардан ташқари, тобе компонентли МСҚ синтактик структураси ва унинг нутқий фаоллиги чунки, шунинг учун, шунингдек, -дек, -дай каби морфологик воситалар қўмагида воқеланиши ҳам мумкин. Мазкур воситаларнинг барчаси суперфункционал монема мақомида қўлланади.

Шундай қилиб, фактик тил материалининг функционал таҳлили муаммосининг баъзи қирралари билан қисқача танишиб ўтдик. Бизнингча, муҳтор, функционал, қарам монемалар тушунчасига асосланган ҳолда гап ва МСҚ компонентларининг функционал салмоғини ўрганиш тил системаси бирликларининг нутққа кўчирилиши масаласи билан боғлиқ муаммолар ечими учун ҳам катта аҳамият касб этади. Энг муҳими, кўриб ўтганимиз сингари, тил материалининг таҳлили мантикий ва психологик тушунчалардан холи эканлигидадир.

Х У Л О С А

Структур тилшунослик муаммолари бобида эришилган барча ютуқлар бугунги тилшунослигимизда самарали қўлланилмоқда. Бунда Прага, Копенгаген лингвистик мактаблари ҳамда Америка дескриптив тилшунослигининг улушлари бекиёс эканлигини, тил материалининг функционал таҳлили, тил бирликларининг парадигматик, синтагматик ҳамда иерархик муносабатлари, дистрибутив, бевосита иштирокчилар, трансформацион методлар, деривация назарияси ҳамда тил материали таҳлилида математик методлардан фойдаланиётганида бевосита кузатиш мумкин.

Мазкур методлар ва назариялардан айниқса синтактик структуралар ва уларнинг турлари талқини ҳамда бу структураларнинг шаклланиши масалалари тадқиқи жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, синтактик структуралар ҳақида сўз юритилганда, энг аввал *синтагма* ҳақида маълумот бермоқ мақсадга мувофиқдир. Зотан, синтагманинг минимал шаклини аниқловчи-аниқланмиш муносабатидаги икки компонентли бирикмаларда, максимал шаклини эса, матн мақомидаги МСҚларда кўриш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, синтагма фонетик ҳодиса эмас, балки синтактик ҳодиса эканлигидан далолат беради.

Синтагма ва парадигма (ассоциация) тушунчалари дастлаб Соссюр томонидан истеъмолга киритилган бўлса ҳам, уларнинг мукаммал функционал хусусиятлари тавсифи глоссематика ҳамда дескриптив тилшунослик доирасида бажарилган ишларда ўз ифодасини топди.

Синтактик структуралар ичida сўз бирикмалари (эркин сўз бирикмалари) лингвистик табиатини ўрганиш масаласига талай тадқиқот ишлари бағишлиланганлигига қарамай, бу соҳада ҳамон эътиrozли фикрлар ва нуқсонли хулосалар мавжуд. Бундай фикр ва хулосалар жумласига уларни қатъий равишда номинатив ва нопредикатив бирлик сифатида талқин этиш, компонентлари таркибини фақат мустақил сўзлар орқали белгилаш, компонентлари муносабатининг тобеликка асосланиши лозимлиги, бирикма гапнинг қурилиш материали тарзида талқин этилиши каби қатор масалаларни киритиш мумкин. Фактик тил материалининг тадқиқи эса сўз бирикмаси коммуникатив бирлик (феълли бирикмалар) ва предикативли қурилма тарзида ҳам фаоллик кўрсатиши

мумкинлигини, компонентлари таркибида номустақил сўз ҳам бўлиши, уларнинг ўзаро синтактик муносабати тенгликка асосланиши мумкинлигини, бундан ташқари, сўз бирикмаси гапнинг қурилиш материали бўлолмаслигини қўрсатади.

Синтактик структуралар амалда қўлланилганда кичиги каттасининг таркибига кириб, поғонали муносабат ташкил этади. Аммо бу жараёнда ҳар бир қурилма мучалари горизонтал чизикда ўзаро синтагматик боғланишда бўлади, поғонали муносабат эса сатхлараро воқеланиши боис, вертикал йўналиш касб этади.

Синтактик структуралар доирасида гапнинг лингвистик мақоми алоҳида аҳамиятга моликдир. Бунинг асосий сабаби шундаки, у чап томонидан тил, ўнг томонидан эса нутқ бирликлари билан узвий муносабат қуршовида яшайди. Бу эса унинг тил бирликлари (фонема, морфема, сўз) учун реал қўлланиш обьекти, нутқ бирликларининг (МСҚ, абзац) эса қурилиш материали вазифасида келишини қўрсатади.

Гап компонентларининг ўзаро синтагматик муносабати аксарият ҳолларда аппликатив усулга бўйсунади. Бунинг реал ифодасини гапнинг бевосита иштирокчилар методи асосидаги таҳлилида қузатамиз. Лекин аппликатив усулни трансформация билан муштарак ҳодиса деб билмаслик лозим. Зотан, аппликатив усулда шаклланган гап ўзининг таянч структурасидан мазмунига кўра фарқ қиласа, трансформация воситасида шаклланган гап таянч структура билан мазмунан муштаракдир. Бундан ташқари, аппликатив усул гапнинг семантик-синтактик шаклини кенгайтирувчи хусусияти, трансформация эса синтактик синонимия ҳодисаси билан боғлиқлигига кўра фарқланади. Бироқ синтактик деривация назариясининг иш механизмларини ташкил этишларига кўра, улар ўзаро боғлиқ ҳамдир.

Структур синтаксис муаммолари тил бирликларининг функционал таҳлил масаласини ҳам ўз ичига олади. Айниқса монема тушунчасига асосланувчи структур-функционал таҳлил бу жиҳатдан устувор аҳамият касб этади. Чунки мазкур тушунча орқали функционал қиммат касб этувчи тилнинг ҳар бир унсури нутқа кўчирилиши ва бу жараёнда қайдаражада функционал салмоқли бўлиши каби масалалар математик аниқликда ўз ифодасини топади. Мазкур таҳлил усулининг мантикий-семантик қоидалар исканжасида бўлган анъанавий синтактик таҳлил усулидан фарқи ва устунлиги ҳам ана шундадир.

Тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврида муҳим аҳамиятга эга бўлган тилнинг систем характери билан алоқадор тадқиқот ишларининг қарийб барчаси структур тилшунослик масалаларини тақозо этади, зотан, структур тилшунослик тил системасининг ички муаммолари тадқики билан шуғулланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаев Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланади? Тошкент: Фан, 1974.
2. Абдураҳмонов F.A. Кўйма гап синтаксиси. Тошкент, 1964.
3. Амирова Е.О., Олховиков Б.А., Рождественский Ю.В. Очерки по истории лингвистики. М.: Наука, 1975.
4. Андреева С.В. Типология конструктивно-синтаксических единиц// Вопросы языкоznания, 2004, №5.
5. Алпатов В.М. Лингвистическая концепция А.И.Смирницкого// Вопросы языкоznания, 2004, №5.
6. Апресян Ю.Д. Идеи и методы современной структурной лингвистики. М.: Просвещение, 1966.
7. Апресян Ю.Д. Неподсредственно составляющих метод// Лингвистический энциклопедический словарь. М.: Советская энциклопедия, 1990.
8. Арутюнова Н.Д. О значимых единицах языка // Исследования по общей теории грамматики. М., 1968.
9. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. М.: Изд. иност. литературы, 1955.
10. Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. М.: Высшая школа, 1966.
11. Баскаков Н.А., Содиков А.С., Абдуазизов А.А. Умумий тилишунослик. Тошкент: Ўқитувчи, 1979.
12. Бенвенист Э. Общая лингвистика. М.: Прогресс, 1974.
13. Бердиалиев А. Ўзбек тили синтактик парадигматикаси асослари (педагогика институтлари ўзбек филологияси факультетлари студентлари учун маҳсус курс). Тошкент, 1991.
14. Березин Ф.М. История лингвистических учений. М.: Высшая школа, 1975.
15. Березин Ф.М., Головин Б.Н. Общее языкоznание. М.: Просвещение, 1979.
16. Блумфилд Л. Язык. М.: УРСС, 2002.
17. Бушуй Т., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси. Тошкент: Фан, 2007.
18. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Тошкент: Ўқитувчи, 1973.
19. Вардуль И.Ф. Основы описательной лингвистики (синтаксис и супрасинтаксис). М.: Наука, 1977.

- 20.** Ваулина С.С., Берестнев Г.И. Семантико-дискурсивные исследования языка: эксплицитность/ имплицитность выражения смыслов// Вопросы языкознания, 2006, №6.
- 21.** Веденина Л.Г. Функциональное направление в зарубежном языкознании// Вопросы языкознания, 1978, №6.
- 22.** Виноградов В.В. Избранные труды. Исследования по русской грамматике. М.: Наука, 1975.
- 23.** Гаджиева Н.З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. М.: Наука, 1973.
- 24.** Гак В.Г. Теоретическая грамматика французского языка. Синтаксис. М.: Высшая школа, 1981.
- 25.** Гак В.Г. Л.Теньер и его структурный синтаксис. Вступительная статья// Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. М.: Прогресс, 1988.
- 26.** Гак В.Г. Высказывание и ситуация // Проблемы структурной лингвистики.-1972. М.: Наука, 1973
- 27.** Глисон Г. Введение в дескриптивную лингвистику. М.: Изд. иностр. литературы, 1959.
- 28.** Головин Б.Н. Язык // Общее языкознание. М.: Просвещение, 1979.
- 29.** Дилячар А. Заметки о синтаксисе и грамматических функциях в турецком языке//Turkologica. Л.: Наука, 1976.
- 30.** Ельмслев Л. Можно ли считать, что значения слов образуют структуру?// Новое в лингвистике, вып II. М.: Изд. иностр. литературы. 1962.
- 31.** Есперсен О. Философия грамматики. М.: Изд. иностр. литературы. 1958.
- 32.** Залевская А.А. Некоторые проблемы теории понимания текста// Вопросы языкознания, 2002, №3.
- 33.** Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. М.:Высшая школа, 1974.
- 34.** Звегинцев В.А. Язык и лингвистическая теория. М.: Изд. МГУ, 1973.
- 35.** Илия Л.И. Очерки по грамматике современного французского языка. М.: Высшая школа, 1970.
- 36.** Ионова С.В. Вторичный текст в концепциях текстуальности и интертекстуальности// Филологические науки, 2004, №2.
- 37.** Карцевский С.О. Повторительный курс русского языка. М.,-Л., 1928.

- 38.** Касевич В.Б. *Семантика. Синтаксис. Морфология*. М.: Наука, 1988.
- 39.** Кацнельсон С.Д. *Общее и типологическое языкознание*. Л.: Наука, 1986.
- 40.** Костинский Ю.М. Вопросы синтаксической парадигматики// *Вопросы языкознания*, 1969, №5.
- 41.** Крущельницкая К.Г. К вопросу о смысловом членении предложения// *Вопросы языкознания*, 1956, №5.
- 42.** Кубрякова Е.С. *Номинативный аспект речевой деятельности*. М.: Наука, 1988.
- 43.** Кубрякова Е.С., Панкрац Ю.Г. *Деривация // Лингвистический энциклопедический словарь*. М.: Советская энциклопедия, 1990.
- 44.** Кузнецов С.Н. *Теоретическая грамматика датского языка. Синтаксис*. М.: Наука, 1984.
- 45.** Курилович Е. *Деривация лексическая и деривация синтаксическая// Очерки по лингвистике*. М.: Изд. иностр. литературы. 1962.
- 46.** Курилович Е. *Лингвистика и теория языка// Очерки по лингвистике*. М.: Изд. иностр. литературы. 1962.
- 47.** Куртенэ Бодуэн де. *Избранные труды по общему языкознанию*, ч.2. М., 1963.
- 48.** *Лингвистический энциклопедический словарь*. М.: Советская энциклопедия, 1990.
- 49.** Ломтев Т.П. *Структура предложения в современном русском языке*. М.: Наука, 1979.
- 50.** Ляпон М.В. *Смысловая структура сложного предложения и текст. К типологии внутритекстовых отношений*. М.: Наука, 1986.
- 51.** Мартине А. *Основы общей лингвистики // Новое в лингвистике*, вып.3, М.: Изд. иностр. литературы, 1963.
- 52.** Марченко Е.П. *Полипредикативные сложные предложения как единица текста//Филологические науки*, 2003, №5.
- 53.** Матезиус В. *О так называемом актуальном членении предложения // Пражский лингвистический кружок*. М.: Прогресс, 1967.
- 54.** Маҳматқұлов С. *Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси*. Тошкент: Университет, 1998.
- 55.** Маҳматқұлов С. *Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформациялариниши // Докт. дис автореф*. Тошкент, 2004.
- 56.** Мельничук А.С. *Понятия системы и структуры языка в свете диалектического материализма// Вопросы языкознания*, 1970, №1.

- 57.** Миртоҗиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Тошкент, 2000.
- 58.** Миртоҗиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, Университет, 2004.
- 59.** Мурzin Л.Н. Синтаксическая деривация (на материале производных предложений русского языка) // Автореф.докт. дис. Л., 1976.
- 60.** Мурzin Л.Н. Основы дериватологии. Пермь, 1984.
- 61.** Мурясов Р.З. К теории парадигматики в лингвистике // Вопросы языкознания, 1969, №5.
- 62.** Насилов Д.М., Храковский В.С. Применение принципа деривации к описанию синтаксических структур предложения в тюркских языках // Советская тюркология, 1970, №5.
- 63.** Нематов Ҳ., Сайфуллаева Р., Курбонова М. Ўзбек тили структурул синтаксиси асослари (филолог талабалар учун қўлланма). Тошкент: Университет, 1999.
- 64.** Нурмонов А., Искандарова Ш., Набиева Д. Анъанавий ва структур тилишунослик муносабатлари масаласи// Ўзбек тили ва адабиёти, 2006, №4.
- 65.** Отамирзаева К.А., Агзамов С.А. Акустико-артикуляционный анализ узбекской речи применительно к речевой аудитории. Ташкент, 1972.
- 66.** Падучева Е.Д. Глаголы создания образа: лексическое значение и семантическая деривация// Вопросы языкознания, 2003, №6.
- 67.** Петерсон М.Н. Очерки синтаксиса русского языка. М., 1923.
- 68.** Петрова Н.В. Текст и дискурс // Вопросы языкознания, 2003, №6.
- 69.** Пешковский А.М. Существует ли в русском языке сочинение и подчинение предложений// Родной язык в школе. Научно-педагогический сборник (кн.11-12). М.,1926.
- 70.** Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении.Изд.7. М.,1956.
- 71.** Пономаренко Е.В. О развитии системного подхода в лингвистике// Филологические науки, 2004, №.2.
- 72.** Пражский лингвистический кружок. М.: Прогресс, 1967.
- 73.** Распопов И.П., Сычева С.Н. Синтаксическая деривация и синтаксическая синонимия// Филологические науки, 1974, №.2.
- 74.** Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лӯзати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978.
- 75.** Реформатский А.А. Фонологические этюды. М.:Наука, 1975.

- 76.** Реформатский А.А. Принципы синхронного описания языка// Лингвистика и поэтика. М., 1987.
- 77.** Сайфуллаев А.Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. Ташкент: Фан, 1984.
- 78.** Сайфуллаев А.Р. Ҳозирги ўзбек тилида гап бўлакларининг семантикаси ва грамматикаси. Тошкент: Фан, 2000.
- 79.** Сайфуллаев А.Р. Семантика и грамматика членов предложения в современном узбекском языке // Автореф. докт. дис. Ташкент, 2001.
- 80.** Сафаров Ш. Прагмалингвистика. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
- 81.** Словарь иностранных слов. М.:Русский язык, 1988.
- 82.** Слюсарева Н.А. Проблемы функционального синтаксиса современного английского языка. М.:Наука, 1981.
- 83.** Слюсарева Н.А. Лингвистический анализ по непосредственно-составляющим// Вопросы языковедения, 1960, №6.
- 84.** Слюсарева Н.А. Об английском функционализме М.К.А.Хэлледея// Вопросы языковедения, 1987, №5.
- 85.** Смирнова Г.А. Операторное порождение слов на основе аппликативной грамматики// Проблемы структурной лингвистики-1972. М.: Наука, 1973.
- 86.** Сова Л.З. Аналитическая лингвистика. М.: Наука, 1970.
- 87.** Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. М.: Наука, 1971.
- 88.** Соссюр Ф.де. Труды по языковедению. М.:Прогресс, 1977.
- 89.** Соссюр Ф.де. Заметки по общей лингвистике. М.: Прогресс, 1990.
- 90.** Степанов Ю.С. Основы общего языковедения. М.:Просвещение, 1975.
- 91.** Степанова М.Д. Проблемы теории валентности в современной лингвистике// Иностр. языке в школе, 1973, №6.
- 92.** Теньер Л. Основы структурного синтаксиса. М.: Прогресс, 1988.
- 93.** Томошевский Б.В. Ритм прозы// О стихе. Л., 1929.
- 94.** Трубецкой Н. Основы фонологии. М.: Изд. Иностр. литературы, 1960.
- 95.** Турниязов Н.К. Синтаксическая деривация гипотаксиса в современном узбекском языке //Автореф.докт.дис. М., 1985.

- 96.** Турниязов Н.К. *О трансформационном и деривационном процессах*// *Советская тюркология*, 1989, №2.
- 97.** Турниёзов Н.К. *Ўзбек тили структурал синтаксисига кириш*. -Самарқанд, 1989.
- 98.** Турниёзов Н.К. *Ўзбек тили деривацион синтаксисига кириш*. -Самарқанд, 1990.
- 99.** Турниёзов Н., Турниёзова К. *Функционал синтаксисга кириш*. –Тошкент: Фан, 2003.
- 100.** Turniyozov N. Q. *Xorijiy mamlakatlar lingvistik nazariyalari*. Samarkand, 2007.
- 101.** Турниёзов Н., Хайруллаев Х. *Структур таҳлил методлари ва трансформация назарияси ҳақида* // *Хорижий филология*, 2007, №1.
- 102.** Турниёзов Ш. *Турғун сўз бирикмалари ҳақида баъзи мулоҳазалар* // *Хорижий филология*, 2005, №1.
- 103.** Турниёзов Б. *Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси*//Номзодлик дис. автореф. Самарқанд, 2006, 24 б.
- 104.** Турниёзов Б. *Ҳозирги ўзбек тилида тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалар деривацияси*. Самарқанд, 2008.
- 105.** Филин Ф.П. *Несколько слов о языковой норме и культуре речи* // Вопросы культуры речи. – Вып.7 – М., 1966.
- 106.** Фортунатов Ф.Ф. *Избранные труды, том 2*. М.: Государственное учебно – педагогическое изд-во, 1957.
- 107.** Фриз Ч. «Школа» Блумфилда //Новое в лингвистике, вып.IV. М.: Прогресс, 1965, (246-283), 590 с.
- 108.** Хайруллаев Х. *Предикативлик ҳодисаси ва унинг ифода объектлари*. Самарқанд, 2002.
- 109.** Хайруллаев Х. *Тил бирликларининг позонали муносабати*. Тошкент: Фан, 2008.
- 110.** Хайруллаев Х. *Нутқ бирликларининг позонали муносабати*. Самарқанд, 2008.
- 111.** Холодович А.А. *Синтаксис японского языка*. М., 1937.
- 112.** Храковский В.С. *Трансформация и деривация*// *Проблемы структурной лингвистики*. – 1972. М.: Наука 1973
- 113.** Чейф У.Л. *Значение и структура языка*. М., Прогресс, 1975.
- 114.** Четин М. *Ҳозирги ўзбек ва турк тилларида сўз бирикмалари синтактик деривацияси* // Номзод. дисс. автореф. Тошкент, 2002.
- 115.** Шаумян С.К. Соболева П.А. *Основания порождающей грамматики русского языка*. М.: Наука, 1968.

- 116.** Шульскис С.А. Сохранится ли сложное предложение при устной форме его порождения? // Филологические науки, 2005, № 4.
- 117.** Шутова Е.И. Вопросы теории синтаксиса. М.: Наука, 1984.
- 118.** Яхшибоев F.X. Ҳозирги ўзбек тилида содда гап синтактик деривацияси // Номзод.дис.автореф. Самарқанд, 2004, 22 б.
- 119.** Гуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1987.
- 120.** Гуломов А. Ўзбек тилида аниқловчилар. Ўзбек тили илмий грамматикаси учун материаллар. Тошкент: 1940.
- 121.** Ҳожиев А. Лингвистик терминлар изоҳли лугати. Тошкент: Ўқитувчи, 1985, 144 б.
- 122.** Ҳожиев А. Ўзбек тили сўз ясалиши тизими. Тошкент: Ўқитувчи, 2007.
- 123.** Dubois J. Grammaire structurale du français. La phrase et les transformations. –Paris, 1969.
- 124.** Gross M. Grammaire transformationnelle du français. Syntaxe du verbe. –Paris, 1968.
- 125.** Chatman S. Immediate constituents and expansion analysis. “Wort”, voll. 11, №3, 1955.
- 126.** Chomsky N. Language and Mind. – N.Y, 1968
- 127.** Hockett A. Course in Modern Linguistics. – N.Y, 1958.
- 128.** Martinet A. La linguistique synchronique – P., 1968.
- 129.** Martinet A. Elements of Functional Syntax // Word. vol.16, 1960, № 1.
- 130.** Martinet A. Eléments de linguistique générale. -P., 1961.
- 131.** Martinet A. Langue et fonction. – P., 1969.
- 132.** Pottier B. Introduction à l'étude des structures grammaticales fondamentales. 4-e éd. –Nancy, 1968.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
БИРИНЧИ БОБ.....	4
<i>Структур тилишунослик: унинг шакланиши ва тил материалининг таҳлил методлари</i>	4
ИККИНЧИ БОБ	28
<i>Синтактик муносабат ва синтактик структуralар....</i>	28
УЧИНЧИ БОБ	54
<i>Гапнинг бевосита иштирокчилар ва трансформацион методлар асосидаги таҳлили</i>	54
<i>Парадигматик ва синтагматик муносабатлар.....</i>	54
<i>Гапнинг бевосита иштирокчилар методи асосидаги таҳлили</i>	61
<i>Гапнинг трансформацион метод асосидаги таҳлили</i>	74
<i>Трансформалар парадигмаси.....</i>	85
ТЎРТИНЧИ БОБ	87
<i>Гап компонентларининг структур-функционал таҳлили</i>	87
<i>Мухтор монема</i>	92
<i>Функционал монема</i>	95
<i>Суперфункционал монема.....</i>	107
ХУЛОСА.....	115
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР	118

Н. ТУРНИЁЗОВ, К. ТУРНИЁЗОВА, Х. ХАЙРУЛЛАЕВ
СТРУКТУР СИНТАКСИС АСОСЛАРИ
Монография

Муҳаррир - Эшқобилов А.
Тех. муҳаррир - Бердиев Қ.
Саҳифаловчи - Билялов И.

Босишга рухсат берилди: _____
Ҳажми 8,0 б/т. Адади _____ нусха. Буюртма № 207.



СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93.

